



R 496

# ГУЛІСТОН

11  
1981





Суратда: чорвачилик бўйича эришилган яхши кўрсаткичлар учун республикамизга юксак мукофотни топшириш пайти.

Ш. АЛИМОВ ва Б. ЮСУПОВ фотоси

## ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ

Шу йил 8 сентябрь куни республикамизнинг қишлоқ хўжалик активлари йиғилишида Ўзбекистон ССРга КПСС Марказий Комитети, ССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиги топширилди. Бу юксак мукофотни партия ва ҳукуматимиз номидан ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ В. Э. Димшиц топширди. Фахрий ёрлиқни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов қабул қилиб олди. Республикамиз бу мўътабар мукофотга чорвачилик ходимларининг 1980—1981 йиллардаги қишки даврда Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра сазовор бўлган эди.

Дарҳақиқат, фермалар ва чорвачилик комплексларининг ходимлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида актив иштирок этиб, чорва қишлогини уюшқоқлик билан ўтказдилар, паррандалар маҳсулдорлигини оширишда, гўшт, сут, тухум этиштириш ҳамда тайёрлашни кўпайтириш учун курашда катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Натижада меҳнат унумдорлигини оширишга ва қишлоқ хўжалигининг энг муҳим ҳаёттый тармоқларидан бири бўлган чорвачилик маҳсулотлари этиштиришни мустаҳкамлашга эришдилар. Аҳолини чорвачилик маҳсулоти билан таъминлаш ҳам бир мунча яхшиланди.

Эришилган муваффақиятлар асосан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг чорвачиликни ривожлантириш со-

ҳасида қатъият ва изчиллик билан олиб бораётган улкан ишлари туфайли қўлга киритилди. Шунингдек, қўлга киритилган ютуқлар барча партия, совет, касаба союзи ва комсомол ташкилотларининг ижодий ташаббусини ривожлантириш, меҳнат коллективларини вужудга келган ҳар қандай қийинчиликларни бартараф этишга сафарбар қилиш, чорвачилик маҳсулотларини этиштиришни кўпайтириш учун бор имкониятларни қидириб топиш ва улардан фойдаланиш соҳасида олиб бораётган ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларнинг натижасидир.

Утган беш йиллик давомида республикамиз меҳнат илфорларидан 58 минг меҳнаткаш Совет Иттилоқининг орден ва медаллари билан тақдирланди, шу жумладан, 79 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга созовор бўлди. Булар орасида илфор чорвадорларимизнинг номлари ҳам фахрли ўринни эгаллайди.

Партия ва ҳукуматимиз республикамизга муносиб кўрган юксак мукофотдан руҳланган чорвадорлар бу йил гўшт этиштиришни яна 20 процент, сут этиштиришни 15 процент, тухум этиштиришни 20 процент кўпайтиражаклари тўғрисида КПСС Марказий Комитетига, шахсан ўртоқ Леонид Ильич Брежневга ваъда бердилар. Чорвадорларимиз ўз ваъдаларини шараф билан адо этиш учун бу қиши мавсумини ҳам аъло даражада ўтказишга пухта ҳозирлик кўрдилар ва чорва маҳсулотларини кўпайтириш учун изчил кураш олиб бормоқдалар.

Яшасин Улуф Октябрь социалистик революцияси-  
нинг 64 йиллиги!

Инсоният тарихида янги давр очиб берган Улуф Ок-  
тябрга шон-шарафлар!

Яшасин мангу барҳаёт революцион интернационал  
таълимот — марксизм-ленинизм!

Яшасин ленинчи Совет Иттилоғи Коммунистик пар-  
тияси!

Партияниң кучи — халқ билан бирликдадир!

Халқнинг кучи — партия билан бирликда, унинг  
раҳбарлигидадир!

Коммунизм бинокори, тинчлик учун изчил кураш-  
чи — улуф совет халқига шон-шарафлар!

Ленин байроби остида, Коммунистик партия раҳ-  
барлигига — коммунизм ғалабаси сари, олға!



КПСС Марказий Комитетининг Улуф  
Октябрь социалистик революциясининг  
64 йиллигига Ҷақириқларидан.

# СУРХОННИНГ ОЛТИН ТОЛАСИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари,  
СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездига қилган  
Ҳисобот докладида пахтакорлар мөхнатига юк-  
сак баҳо бериб, келгусида пахтчиликни янада  
юксалириши лозимлигини алоҳида таъкидлади:  
«Пахта етишириш келгусида ҳам кўпайтирилиши  
лозим. Лекин гап ўсишининг миқдор кўрсатич-  
ларидагина эмас. Маҳсулот сифатини ошириш,  
пахтанинг ингичка толали навини етишириши  
бутин чоралар билан кўпайтириш марказий ва-  
зиға ҳисобланади. Юқори сифатли пахта етиши-  
тириш мамлакатдаги барча пахтакорларнинг  
асосий вазифасидир». Бу чинакам пахтакор рес-  
публикализ мөхнаткашлари, шу жумладан, ин-  
гичка толали пахта етишириш билан шуғулланади-  
гана сурхондарёлик дәҳқонларга ҳам фоят  
қадрлидир.

Дарҳақиқат, Узбекистон Компартияси Марказий  
Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар  
Советининг бундан бир неча йил аввал Қашқа-

дарё, Сурхондарё, Бухоро ва Наманган област-  
ларида ингичка толали пахта етишириши янада  
кўпайтириш тадбирлари тўғрисидаги қарори  
биз ипак пахта ижодкорлари зиммасига катта  
масъулият юклади.

Бир неча йилдан бери ипак пахта етиширип-  
миз ва бу борада тажриба ҳам орттиридик. Пар-  
тия ва ҳукуматимиз пахтакорлар ҳақида ғамхўр-  
ликин кучайтириб, уларга кенг имкониятлар яра-  
тиб бермоқда. Мана, иккни йилдирки, биринчи  
тип тола берадиган пахтанинг ҳар тоннасини  
биринчи сортда давлат биздан бир минг 520  
сўмга, иккинчи сортда бир минг 300 сўмга ва  
учинчи сортда 950 сўмга сотиб оляпти. Шунингдек,  
областимиз олимлари ва селекционерлари  
ҳамкорликда яратган «Т-7» навли пахтанинг ха-  
рид нархлари ҳам бирмунча ошли.

Шу ўринда биринчи тип толали «Т-7» пахта  
нави ҳақида тўхтамоқчиман. Ҳўжалигимизнинг  
кўпроқ майдонларига шу навдан экилётганига  
ун йил бўлди. Унинг афзалиги шундаки, аввало  
биринчи тип тола беради. Иккинчидан, бу наф  
жанубий областимиз шароитида юқори ҳосил-  
дорлик фазилатига эгадир. Дәҳқонларимиз ҳузу-  
рида бўлиб, улардан бу пахта ҳақида сўраб  
қолгудем бўлсангиз, бу навнинг сувни кўп талаб  
қилимаслигини, турли қасалликларга бардошли-  
лигини, машинада териш ҳам мумкинлигини  
мамнуният билан сўзлайдилар.

Бошқа пахтакорлар тажрибасида бўлганидек,  
бизда ҳам асосий иш жараёнлари машина ва  
механизмлар билан бажарилмоқда. Айнича,  
пахтани машинада теришга катта аҳамият беряп-  
миз. Тўққизининг беш йиллика ялпи ҳосилнинг  
35,5 процентини териб олган бўлса, ўнини беш  
йиллика бу кўрсаткич 51,6 процентни ташкил  
этди. Бу ўтуққа Тамара Рўзиева, Эргаш Бобому-  
ров, Эшпӯлат Шоҳдоров, Инобат Элмуровода,  
Кўчар Саидов, Наримон Қўлсоатов, Мажид Ҳў-  
жайёв, Расул Жўраев, Абдулҳошим Долимов  
сингари азamat мөханик-ҳайджаримизнинг  
ғайрати билан эришдик. Пахтчиликда жараён-  
ларни комплекс механизмлаш махсулот таннар-  
хини бирмунча арzonлаштириш ва мөхнат унум-  
дорлигини ошириш имконини берди. Утган беш  
йиллика мөхнат унумдорлиги тўққизини беш  
йиллиқдагига нисбатан 28 процент ошиди.

Энди экин зараркунандаларига қарши биоло-  
гик кураш усули хусусида. Бу усул катта иқти-  
содий самара беришидан ташқари, атроф-муҳит-  
ни мусаффо сақлашда ҳам катта аҳамиятга эга-  
дир. Бир мисол. 1976 йили фақат қишлоқ ҳўжа-  
лик зараркунандаларига қарши курашнинг ўзига  
район бўйича 586 минг сўм ҳаражат қилинди.  
1980 йилга келиб биология усулини қўллаши-  
миз туфайли экин зараркунандаларига қарши ку-  
рашга сарфланган маблаг атиги 90 минг сўмдан  
ошмади. Айни пайтда ҳамма ҳўжаликларимизда  
биология лабораториялари мавжуд. Шу йилнинг  
ўзизда бу лабораторияларда 9,1 килограмм три-  
хограмма уруғи ва 380 минг дона габролракон  
етиширилди. Бу энтомофаг (фойдали ҳашарот)-  
лар билан 12 минг 900 гектар майдондаги ғўза-  
ни зараркунандалардан муҳофаза қилиш мум-

кин. Келгусида фақат ғўзанигина эмас, балки  
бошқа экинларни ҳам биологик усуlda ҳимоя  
қилиш тадбирларини кўрмоқдамиз.

Яна бир муҳим омил — ернинг мелиоратив  
ҳолати ҳақида ҳам тўхтамоқчиман. Районимиз-  
даги 15 минг 439 гектар майдондан 4 минг 500  
гектарининг мелиоратив ҳолати яхши эмас. Бу  
майдонларда ер ости сувлари юза жойлашган.  
Буларнинг шўрлаши пахта ҳосилдорлигининг па-  
сайишига олиб келмоқда. Лекин дәҳқонларимиз  
бунинг олдини олиш тадбирларини кўрмоқдалар.  
Ўнинчи беш йиллика ерларнинг мелиоратив  
ҳолатини яхшилаш учун 2 миллион 305 минг сўм  
сарфланди. Янги беш йиллика эса бу мақсад  
учун 1,5 баравар кўп маблаг сарфлаш кўзда  
тутимоқда. Область партия комитети ва халқ  
депутатлари обласси Совети ижроия комитети-  
нинг районимизда мелиорация ишларини кучай-  
тириш тадбирлари ҳақида шу йил январь ойидаги  
чиқарган қарор айни муддао бўлди.

Турроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда  
айнича, «Октябрь 50 йиллиги» колхози дәҳқон-  
ларининг ишлари диққатга сазовор. Ҳўжалик  
1976 йили ҳар гектар майдондан 28,5 центнердан  
ҳосил олган бўлса, мелиорация ишларини яхши-  
лаш туфайли 1980 йилга келиб ҳосилдорлик 38,2  
центнерни ташкил этди.

Сўнгги йилларда районимиз ҳўжаликларида  
мөхнатага ҳақ тўлашнинг нарядсиз системаси кенг  
жорий қилинмоқда. Бунда биз КПСС Марказий  
Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат,  
Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг  
биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг  
Узбекистон Компартияси XX съездига қилган  
Ҳисобот докладидаги: «бевосита маҳсулот иш-  
лаб чиқарувчининг пировард натижада маънавий  
ва моддий манфаатдорлик системасини тако-  
миллаштириш зарур. Мөхнатни ташкил этиши ва  
ҳақ тўлашнинг нарядсиз системаси бу вазифани  
ҳал этишга яхши хизмат қила олади», деган  
ҳақоний кўрсатмаларига изчил амал қилмоқда-  
миз. Утган йили районда 24 та бригада ана шу  
усула ишлаб, бир минг 820 гектар майдоннинг  
ҳар гектаридан 41,3 центнердан — жами 7 минг  
508 тонна ҳосил олди. Ҳар гектар пахта майдони  
ҳисобига 3 минг 663 сўм деромад қилинди.  
Ишбай усулида ишлётган бригадаларга нисбатан  
нарядсиз системадаги бригадаларда иқтисодий  
кўрсаткичлар анча юқори бўлди. Шу боисдан  
бу йил нарядсиз ҳақ тўлаш системасига ўтган  
бригадалар сони янада кўпайди.

Шуни мамнуният билан қайд қиласиз,  
районимиздаги мавжуд 129 та пахтачилик брига-  
дасига ишбильармон ва малакали кишилар бош-  
чилик қилмоқдалар. Уларнинг 15 нафари олий  
маълумотли мутахассис. Бошқалари ҳам турли  
олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида сиртдан  
ўқимоқдалар. «Коммунизм» колхозининг донгдор  
бригада бошлиғи, Ленин ордени нишондори Бозор  
Жўрақулов ана шундай ишчан коммунист-  
лардан. У дәҳқончилардаги бой тажрибаси билан  
кифояланниб қолмади. Ҳозир Тошкент Қишлоқ  
ҳўжалиги институтининг сиртқи бўлимида таълим  
олмоқда. Унинг бригадасига бу йил қатор йил-  
лардан бўйн планини бажаролмаган қолоқ бри-  
гада ерлари ҳам қўшиб берилди. Ишчан ком-  
мунист етакчилик қилаётган бригада дәҳқонлари  
ҳар гектар ердан 55 центнердан «оқ олтин»  
етиширишга мувоффақ бўлдилар.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашигиз!



Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий-сийёй,  
адабий-бадиий журнали

№ 11 (381)  
Ноябрь  
1981

Физ.  
№ 3

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган  
Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг нашриёти

# САМАРҚАНД МАРКАСИННИНГ ШУҲРАТИ



ОНГ ОТДИ. Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандда яна ҳаёт қайнай бошлади. Сўлим кўчаларда одамлар гавжумлашди. Бу — ишчилар, бинокорлар, зиёлилар, студентлар, талабалар оқими... «8 Март» тикувчилик бирлашмасининг ишчилари ҳам ўз дастгоҳлари ёнига шошилмоқдалар.

Мана, улар Алишер Навоий номидаги проспектда жойлашган салобатли бино ҳовлисига кириб бормоқдалар. Ҳамманинг кайфияти яхши, руҳи тетик. Бунинг боиси равшан. Колективнинг иши кўнгилдагидек. Корхонада тайёрлананётган хилма-хил кийим-кечакларга талаб катта. Савдо тармоқларига чиқарилган маҳсулот тезда ўз харидорини топаётир. Давлат Сифат белгисини олган кийимлар тобора кўпроқ ишлаб чиқарилмоқда. Маълумки, Ўзбекистон Компартитиси Марказий Комитетининг Қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати ҳамда мазкур бирлашма коллективларининг ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг техник даражаси ва сифатини ошириш, ўн биринчи беш йилликда олий сифат категориясидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарини кўпайтириш бўрасидаги социалистик мажбуриятлари тўғрисида қабул қилган қарорида сифатни ошириш масаласи алоҳида таъкидланди. «8 Март» тикувчилик бирлашмасининг колективи ҳам бу қарорга лаббай деб жавоб беряпти.

Корхонанинг қайси бир цехига кирманг, ҳар бир кишининг чинакамига зарборчасига ишлётганлигини, ўзига тегишли жараёнларни сифатли бажариш учун астойдил кураштаётганлигини, унумли ишлаб, социалистик мусобақа голиби бўлишга интилаётганлигини кўрасиб. Ҳозир бу ерда 25 ишчи «Ўн биринчи беш йилликда — икки беш йиллик план!», деган шиор билан майдонга чиқиб, самарали меҳнат қилмоқда. Коллектив-

нинг обрўси, тайёрлананётган маҳсулот маркасининг довруги учун куч-қувватини, билим ва тажрибасини аямаётган бу ажойиб кишиларнинг ҳар бири ҳақида достон битса арзиди.



КПСС аъзоси, тикувчи-моторист Ҳабиба Аҳмедова социалистик мусобақада ҳамиша ғолиб.

Юқорида айтганимиздек, районнимизнинг барча хўжаликлари ўнинчи беш йиллик мобайнида ўтра толали навдан ингичка толали пахта навини етишитиришга ўтилар. Пахтакорларимиз беш йилликда 164 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» тортиқ этдилар. Бу, тўққизинчи беш йилликдагига қараганда 16 минг тонна кўпиди.

Деҳқончиликда алмашлаб экишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Хўжаликларимизда мавжуд бўлган 53 массивдан 49 тасида алмашлаб экиш жорий этилди. Шу ишга боғлиқ равища минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланыпмиз. Бунинг натижаси ҳосилдорлик ошапти. Агар тўққизинчи беш йилликда 1 килограмм соф азот ҳисобига 14,2 килограмм пахта етишитирган бўлсан, ўнинчи беш йилликда бу кўрсаткич 17 килограммдан ошди. «Қизил юлдуз», Куйбишев номли, Калинин номли илгор хўжаликлarda эса бир килограмм азот ҳисобига

20—21 килограмм пахта олинди. Бу йил хўжаликларимиз давлатдан 14 минг 200 тонна азотли, 9 минг 800 тонна фосфорли, 706 тонна калийли ўғит олдилар.

Район партия ташкилоти пахтачиликда коммунистларнинг иштирокини кучайтириш, уларнинг ташкилотчилиги ва ташаббускорларини оширишга жиддий эътибор бермоқда. Пахта етишитирадиган хўжаликлардаги еттига партия комитети, юздан ортиқ цех партия ташкилотлари, ўн тўққизига партия группаси теварагига жипслашган коммунистлар бевосита пахтачиликни юксалтириш ишида етакчилик қилмоқдалар.

Районнимиз пахтакорлари олдида улкан довонлар турибди. Ўн биринчи беш йилликда ипак пахта етишириш 9 процент кўпайтирилди. Беш йиллик охирига бориб ҳосилдорлик 42,5 центнерга, ялпи ҳосил 40 минг тоннага етади. Бу эзгу маҳсадга эришиш учун ҳамма тадбирларни

## КОММУНИСТЛАР

Оламга озодлик бонгини урди  
Илк дафъа тўғарак бўлган бир  
гурух.  
Жам қилди юзларни эркнинг  
сурори  
Ва яқалам қилди  
мингларни бу рух.

Улар дор тагида мағур турдилар,  
Кўрдилар кишину сургун эзхрини.  
Бизга эса мерос қилиб бердилар  
Коммунист номининг  
юксак фахрини.

Бу кун — миллионлармиз:  
оламда ғолиб  
Қора кўз,  
зангор кўз,  
оқмиз, қорамиз.  
Шу табаррук номни байроқдек олиб  
Абзият сари  
борамиз.

\* \* \*

Нина Петровна бирлашма қошидаги ошхонада овқатланиб бўлгач, соатига қаради: ҳали бироз вақт бор экан. Машинаси ёнига бориб, унинг иш қисмларини кўздан кечирди, чанг-гардларини артди.

— Машинангиз атрофида бунча парвона бўласиз, Нина Петровна! — деди тегишиб у билан ёнма-ён ишлётган аёл.— Юринг, ташқарига чиқамиз. Тоза ҳаво ҳам керак.

— Майли, чиқсан чиқа қолайлик,— деди Тимохова.— Ахир, машина ҳам кишидан эътибор талаб қиласди,— деда сўзини давом эттирид ташқарига йўналаркан.— Мана бугун кўрдингиз-ку. уч-тўрт кун бетоб бўлиб ишга чиқолмаганимдан...

— Гапингиз тўғри. Мен ҳам бирор сабаб билан ишга чиқолмай қолсан, дастгоҳим ҳақида ўйлайман. Бефарқ қарайдиган одамнинг қўли тегса, дарров билинади...

Тушки танаффусдан сўнг Тимохова ҳамма қатори ишга киришиди. Кайфияти яхши, машинаси бенуқсон ишларди. Шу пайт у планни иккى ҳисса, бажарига журъат этганига сабаб бўлган воқеани хотирлади...

— Гайратингиз чакки эмас,— деди ўшандаги ёнида тўхтаган цех бошлиги Л. Ращчуккина.— Аммо сиз тайёрлаган ёрликлар камлик қилаяпти. Ахир, коркномизда маҳсулот миқдори тобора ортиб боряпти-да. Яна битта штамплаш машинасини келтириб ишга тушириш керак...

Бу гап Тимоховани ўйлантириб қўйди: «Иш суръатини янада ошириш, штамплананётган ёрликлар миқдорини кескин кўпайтириш имкони ўйлуккин!» Машинанинг тезлигини ошира қандай бўларкин?, деган Фикрга келганда у бирданга маҳсадига эришган одамдек қувониб кетди. Ўз фикрларини цех механиги Элмир Умеровга айтган эди, у ҳам маъкуллади. Умеров созловчи

кўрмоқдамиз, мавжуд резервларни ишга соляпмиз. Ўтган йили 124 та пахтачилик бригадасининг 58 таси ҳосилдорликда районнинг ўртача кўрсаткичидан паст натижага эришди. Бу бригадаларни районнинг 1980 йилги кўрсаткичига кўттарсан, бу йил қўшимча равиша 2 минг 232 тонна пахта оламиз. Бундан ташқари, кирқдан ортиқ бригада колективи дастлабки режаларни қайта кўриб чиқиб, қўшимча мажбурият олдилар. Биз ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиш тадбирларини кўряпмиз.

Мана, районимиз пахтакорлари республика-мизнинг барна миришкорлари қатори янги беш йилликнинг юксак хирмонини бунёд этиш йўлида жонбозлиг кўрсатдилар. Улар бу йил саноатимиз учун қимматли хом ашё бўлган ипак пахтани ҳар қаононидан кўп етиширдилар.

Ҳа, Сурхон воҳасининг ипек пахтаси бу беш йилликда янада кўпаяди.

Исоқов билан биргаликда машина тезлигини бир ярим барабар ошириш йўлини топди.

— Энди бу ёғи сизга боғлиқ,— деди Элмир Нина Петровнага.— Улгурсангиз бўлгани.

— Улгуради!— деди ишонч билан Борис Исоқов.

Нина Петровна бутун куч ва маҳоратини ишга солиб меҳнат қилиди. Натижада дастлабки кунлардаёқ планни 150—160 процент бажаришга муваффақ бўлди. Вақтдан самаралироқ фойдаланиб, иш суръатини кун сайн оширишга ҳаракат қилиди. Ниҳоят, бир куни гландаги 4 минг ўрнига 8 мингта ёрлиқни штамплашга эришиди. Энди унинг кувончи ичига симасди.

Шундай қилиб Нина Тимохова, Ҳади Абдураҳмонова, Ажире Ваапова, Гулнора Каримова каби тикиувчи ва бичиқчилар гапни бир жойга қўйиб, ўн биринчи беш йилликда ўн йиллик маррани эгаллаш ташаббусини бошладилар. Улардан ташқари, корхонада эзлик киши беш йиллик планни ўнда, юз киши уч ярим йилда, уч юз эзлик киши тўрт йилда бажариш учун курашмоқда. Уларнинг кўпчилиги коммунистлардир.

Колектив кўзлаган юксак марралар оддий ишнидан тортиб корхона раҳбаригача — ҳаммани бир ёқадан бош чиқариб ишлашга, тинмасдан изланишига, меҳнат унумдорлигини тобора юксалишига даъват этмоқда. Утган беш йилликда корхонада яна маҳсулотнинг янги саккиз хилини ва 227 хил моделини ишлаб чиқариш ўзлаштириди. Шундан олти хил буюм ва янги 47 хил модель Давлат сифат белгисига сазовор бўлди. Бу ерда фан-техника ютуқлари, илгор технология, новаторлар тажрибаси кенг кўлланилоқда. Беш йил давомида юксак унумли 96 та технологик ускуна, 12 та комплекс агрегат потоки ишга туширилди. Корхона цехларини қайта ускуналашга 535 минг сўм маблағ сарфланди.

Шуни таъкидлаш керакки, корхонада маҳсулот сифатини бошқаришининг комплекс системасини жорий этишга, уни тобора такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундай тадбирлар натижасида тайёрлангаётган маҳсулотларнинг техник дарожаси ва сифати тубдан яхшиланди, Давлат сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулот миқдори 1980 йилда 40 процента етди.

Партиямиз XXVI съездиден енгил саноат ҳодимлари олдига ҳам янги, улуғвор вазифалар қўйди. Съезд қарорларида айниқса саноатнинг «Б» группасини ривожлантириш, истеъмол моллари ишлаб чиқариши, уларнинг турларини янада кўпайтириш ва сифатини яхшилаш лозимлиги таъкидланди. «Конкрет инсон ҳақида, унинг эҳтиёж ва талаблари ҳақида амалда ғамхўрлик қилиш,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездига қилган докладида,— партия иқтисодий сиёсатининг бosh пировард мақсадидир. Мен буни яна эслатиб ўтганимнинг боиси шундаки,

оддий, лекин жуда муҳим бир фикрни тақрор таъкидламоқчиман: аҳоли учун моллар ишлаб чиқариши, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш — биринчи даражали партиявий ишdir. Бу масалага худди ана шундай ёндашмоқ кераки.

— Бундай эзгу ният йўлида ҳали жуда кўп меҳнат қилишимиз керак,— дейди бирлашма бош директори Г. М. Погосов.— Биз яқин келажакда табиқ этилиши лозим бўлган ташкилий-техникий тадбирларни белгилаб олдик. Шу йилнинг ўзидаёт механизмлашган замонавий потоклар комплексини ўрнатамиш. Албатта, ишлаб чиқариш технологиясида ҳам маълум ўзгаришлар бўлади. Айниқса, асосий маҳсулотларимиздан бири — қалин капрон курткалар ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берамиз. Беш йилликнинг охиригача ярим автомат ва автомат усулида ишлайдиган машиналардан 158 таси цехларга ўрнатилиди. Шунингдек, устки кийим деталларни пардоzlайдиган «КУ-3» маркали компрессор ва «С-371» маркали пресс, маркировка сифатини яхшилайдиган ярим автомат усулида ҳаракатланадиган «ПЯ-4» курилмаси ишга туширилади.

Тикилаётган кийим-кечакларнинг моделларини яхшилаш, давр талаби асосида янги моделлар яратиш муҳим масалалардан. У ёки бу янги буюни ишлаб чиқариш, янги моделни жорий этиш учун биринчи навбатда харидорларнинг талабини, дидини ҳар томонлама ўрганиш лозим. Биз бу ишга жiddий эътибор бералмиз. Самарқанддаги марказий универсамга корхонамиз цехларида тайёрланган кийим-кечаклар сотилидиган алоҳида бўлим ташкил этилган. Мутахассисларимиз магазинда тез-тез бўлиб, қандай маҳсулотларга эътиёж катта-ю, қайсилари харидор эътиборини жалб қиласаётганлигини диққат билан кузатишиди, савдо ходимлари билан биргаликда у ёки бу хил кийим миқдорини кўпайтириш бўйича конкрет тадбирлар тузишади. Биз келгусида халқ талабини ўрганиша «Ўзбекистон» савдо бирлашмаси ва бошқа ташкилотларнинг фирма, бўлимлари билан алоқа боғлаш, улар билан мунтазам ҳамкорлик қилиш ҳаракатидамиз.

— Корхонамизда 3 мингга яқин киши ишлайди,— дейа сухбатга қўшилди бирлашма партия ташкилотининг секретари П. Зикриев.— Коллектив аъзоларига партиямиз XXVI съездиде қарорларини кенг тушунтиришимиз муваффақиятларга эришувимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётir. Утган беш йилликда бирлашмада пландан ташқари 32 миллион 800 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ютуқца корхонада меҳнат қилаётган йигирма етги миллат вакилининг бир оила аъзоларидек ҳамкорлиги ва аҳиллиги туфайли эришилмоқда.

Коммунистлар партия ва ҳукуматимизнинг ҳар бир даъватига фидокорона меҳнатлари билан



Чили Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Баш секретари Луис Корвалан 1976 йилда «8 Март» тикиувчилик бирлашмаси 2-тикувчилик цехига фахрӣ аъзо қилиб қабул қилинган эди. У ҳар гал днёмримизда бўлганида мазнур корхонага ташриф буоради.

Ғ. АЛИЕВ ва Р. ФОФУРОВ фотолари

жавоб беришда бошқаларга ибрат бўлмоқдалар. Бир беш йилликда иккى беш йиллик планни ўддалашга бел боғлаган коммунистлардан Дилюром Раҳматоза, Матлуба Ҳамидова, Альбина Кичкина сингари илгорлар иш суръатини ошириш ва сифатини яхшилашда ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар. Мана шундай жонкуяр ватанпарварларнинг кучи билан бирлашмамиз 1981 йилнинг саккиз ойлик планини муддатидан 20 кун олдин бажарди. Ишлаб чиқариш ҳажми 15 процент ортиди. Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори қарийб 46 процента етди.

Ҳа, бирлашма коллективининг қадами тобора салмоқли бўлаётir. Илгор тикиувчилар «Маҳсулот аъло бўлса, харидоргир бўлади», «Иккى норма ва аъло сифат учун!», деган шиорлар остида янада самарали меҳнат қилмоқдалар. Бундан бир неча йил олдин мазкур коллективнинг меҳнат кодекси ишлаб чиқиши ва тасдиқланди. Кодекс бўйича мусобақа голибларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг самарали усуллари жорий этилди. Бирлашма ишчилари бугунги кунда «Фабриканинг энг яхши тикиувчиси», «Энг яхши устая» сингари фахрли номлар учун курашмоқдалар. 1980 йил натижалари бўйича мастерлардан Н. Маркович, А. Позднякова, А. Гонников, Т. Репина, С. Ермёева, тикиувчилардан Э. Абдураҳмонова, А. Трофимова, Г. Холиқова, С. Холмаматова, А. Ёрқулов, М. Сатторова, Р. Бабаш ва бошқалар «Энг яхши мураббий» деган шарафли номга сазовор бўлдилар. Бугун уларнинг портретлари бирлашма Ҳурмат таҳтасини безаб турибди...

Ҳеч шубҳа йўқки, «8 Март» тикиувчилик бирлашмаси марказининг шуҳрати тобора ортаверади. Чунки бирлашма ишчилари бу ерда тайёрланган кийим-кечакларнинг Иттифоқимиздагина эмас, ҳатто жаҳон бозорида ҳам юксак баҳоланишига эришиш учун аҳиллик билан тинмай изланиб, унумли меҳнат қилмоқдалар.

Аҳмаджон МУХТОРОВ,  
Исо АБДУРАҲМОНОВ



Корхонанинг илгор тикиувчилари Матлуба Баратова, Ҳанифа Абдураҳимова ва Ҳафиза Шариповалар кунлини ва ойлини топшириларини ошириб бажармоқдалар.

# ДОХИЁНА МАДАД

Ф

АРГОНА водийсининг гўзаллиги кўпгина қадимий китобларда қайд этилган. Водийнинг азалий бой маданияти археологик топилмалардан ҳам аён. Аксикат ҳаробаларидан топилган кирк чақирик масофага чўзилган қувур қолдиқлари бу ерда сугориш ишларининг қадимдан ривожланганини кўрсатади.

Карл Маркс таъкидлаганидек, «сунъий суратда сугориш системаси Шарқ дехқончилигининг асоси» бўлган Фарғона водийсида ҳам жафокаш халқ узоқ асрлар давомида сув учун курашиб келган. 1803 йили Норин дарёсидан Янгиарик канали қазиб чиқарилган эди. Натижада юзга яқин шахобчага бўлинган канал воқадаги сув таъминотини бир мунча яхшилаш имкониятини яратади...

Улуғ Октябрь революциясидан сўнг водий халқининг асри орзуси ушалди. Гоят мураккаб шароитди В. И. Ленин сугориш ишларини йўлга қўйиш ва мамлакатимизнинг турли зоналаридаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш режасини илгари сурди. «Дехқончиликни ва чорвачиликни қандай қилиб бўлса-да, юксалтироқ учун янги ерларни сугориш, айниқса, муҳимдир», деб қайта-қайта уқтирган эди Владимир Ильич.

В. И. Ленин Россиянинг собиқ чекка ўлкалари га мамлакатимиз иқтисодини комплекс ривожлантиришнинг муҳим маъбди деб қаради. Шу сабабдан, Ўрта Осиёдаги чўлларни сугориш ва бу ерда пахта етиширишнинг кенг имкониятлари доҳий диккетини жалб этди.

Халқ Комиссарлари Совети В. И. Ленин раислигига ўтган мажлисida мамлакатимизда пахтачilikни ривожлантириш ҳақидаги масалани кўриб чиқди. 1918 йил 24 марта эса В. И. Ленин Халқ Комиссарлари Совети томонидан тузилган комиссия мажлисига шахсан раҳбарлик қилди. Бу мажлисда пахтачilik программаси ва Туркистондаги сугориш ишларига маблағлар ажратиш тўғрисидаги Декрет лойиҳаси муҳокамага қўйилди.

1918 йил 17 майда улуғ Ленин Туркистонда сугориш ишларига 50 миллион сўм пул ажратиш ва сугориш ишларини ташкил қилиш тўғрисидаги декретга имзо чекди, Декрет биринчи марта «Известия» газетасининг 1918 йил 26 май сонида эълон қилинди. Ҳали мамлакатимизда моддий аҳволнинг қийинлиги, империалистик давлатларнинг турли иғоворагларидан давом этиб турган ва граждандар уруши авж олган шароитда бу тарихий декретнинг имзоланиши жуда катта аюқеа эди. Доҳий Ленин имзо чеккан Декретда Туркистондаги унумдор ерларнинг бир қисми бўлган «Фарғона областининг Учқўргон чўлидаги 10 минг десятина ерни сугориш ва 20 минг десятина ерда маҳаллий ариқлардан фойдаланиши тартибига солиши» ҳам таъкидланади.

Бу тарихий Декрет Туркистон ҳукумати ва меҳнаткашлари томонидан оғишмай амалга ошириб борилди. Сугориш ишларига иштедодли ленинчи кадрлар бошчилек қилдilar. Фарғона, жумладан Учқўргон чўлидаги сугориш ишларига машҳур ирригатор, 1918 йили Петербург Политехника институтини битирган, кейинчалик техника фанлари доктори, профессор, инженерлик техника хизмати генерал-майори, Ўрта Осиё Ирригация илмий-текшириш институтини ташкилотчиси ва биринчи директори, Оқ дengiz — Болтиқ канали ва Москва номидаги канал қурилиши иштирокчиси бўлган В. Журин раҳбарлик қилди.

Доҳий Ленин ғояларини амалга ошириш максадида 20-йилларда воҳа меҳнаткашлари Янгиарик, Косонсой ва Норин сугориш системаларида кенг миёсда қайта қуриш ишларини олиб бордилар ва 1928 йили 37 километр узунлиқдаги «Октябрь» каналини барпо этдilar. Натижада Учқўргон чўлларида 6—7 минг гектар янги ер ўзлаштириш имконияти туғилди. «Хурмат белгиси» орденли Ленин номидаги пахтачilik совхози, «Учқўргон» совхози ва бошқа бир қатор ҳўжаликлар ана шу янги ўзлаштирилган майдонлар базасида таркиб топган тўнгич совет ҳўжаликларидир.

Беш йилликлар даврида эски сүғориш тармоқларини кенгайтириш, сувдан фойдаланишини яхшилаш ва янги зироат иншоотлари бунёд этиш учун муваффақиятли курашиб давом эттирилди. Чунончи, Янгиарик каналидан бир қанча шахобчалар чиқарилди. Чуст, Поп, Косонсой, Тўракўргон, Янгиқўргон, Уйчи районларида сойлардан сув оловчи маҳаллий типдаги ариқлар ва каналлар ўтказилди ҳамда сув тақсимловчи қурилмалар ўрнатилди. 1933-34 йилларда Сирдарёнинг чап соҳилида собиқ Эшонбобо ариғи базасида ҳозирги Йўлдош Охунбобоев номидаги канал қазилди. Амалга оширилган ана шу тадбирлар водийда ирригация ҳўжалигини ростлашга, бўш ётган ерлар ҳисобига янгидан сугориладиган майдонлар юзага келтиришга, эскидан сугориб келинаётган ерларда сув таъминотини яхшилашга, мазкур районлarda янги колхоз ва совхозлар барпо этишга, колхозчи дехқонларнинг моддий ва маданий турмуш шароитини яхшилашга имкон берди. Дехқонларимиз моддий турмуш даражасининг тобора ўсиб бориши эса уларни сув учун курашиб борасида янги янги ташаббуслар билан чиқишига олиб келди. Чунончи, 1938 йил баҳорида Поп районининг бир қанча колхозлари давлатдан њеч қандай ёрдам олмай ўз кучлари ва маблағлари ҳисобига янги канал қазиш ташаббуси билан чиқдilar. Ташаббус Фарғона водийсида ва бутун республикамизда катта сув учун умумхалқ ҳаракатининг бошланишига туртки бўлди.

1939 йили Лоғон канали ва социализм қурилиши тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган халқ жасорати ҳамда қаҳрамонлигининг буюк наимунаси — Катта Фарғона канали қурилишлари попликлар ташаббусининг узвий давоми сифатида барпо этилган иншоотлардир. Сирдарё билан ёнма-ён оқадиган Шимолий Фарғона канали эса наманганлик ва тожикистонлик дехқонлар ҳамкорлигига бунёд этилган дўстлик канали бўлиб, ҳар икки қардош республика ҳалқлари томонидан 1940 йили 35 кун (10 февраль — 15 март) мобайнида битказилди. 165 километр узунлиқдаги бу улкан иншоот асрлар бўйи қараб ётган 67 минг гектар янги ерга сув чиқариш имконини берди ҳамда 36 минг гектар экин майдонини сув тақислигидан холос этди.

Наманган воҳаси меҳнаткашларининг сув учун курашиб ҳаракати Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам давом этди. Уруш даврининг оғир мاشақ-қатларига қарамай, янги ерларни ўзлаштириш борасида бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, 1942 йили Чуст ва Косонсой районлари меҳнаткашлари 5 минг гектар янги ерги сувориш имконини берган 40 километрлик Чуст каналини қазиб битказилар. Қисқа муддат ичидан уруш йилларининг ниҳоятида оғир шароитида барпо этилган бу канал 1947 йили яна 10 километр узайтирилди ва 4 минг гектар қўшимча янги ер сугориладиган бўлди. 1942 йил январининг изгирини кунларida қурила бошлаган Косонсой сув омборида кейинги йилга келиб 16 миллион куб метр сув жамғарилди. Қирғизистоннинг Олабуқа райони териториясида наманганликлар кучи билан яратилган бу улкан иншоот республикамиз тарихида биринчи марта барпо этилган сув омбори эди. 1947—1952 йилларда қуриб битказилган сув омборида ҳозир 160—165 миллион куб метр сув жамғарилди, Тўракўргон, Косонсой, Чуст, Янгиқўргон, Наманган районларида, айниқса, вегетация даврида 25—30 минг гектар пахта майдони сув билан таъминланмоқда.

Урушдан кейинги йилларда воҳани ўзлаштириш ишлари янада қизитиб юборилди. Воҳадаги сугориладиган умумий майдоннинг ярмидан кўпли эндиликда қишлоқ ҳўжалик тасаруфиға киртилди. Ваҳдоланки, 20-йилларнинг ўрталарида ерларнинг атиги 15—16 фоизидангина фойдаланиларди. Қишлоқ ҳўжалик экинларининг, хусусан, пахтанинг ҳосилдорлиги гоятда ўси. Агар 1924 йили воҳада ҳар гектар ердан 7—9 центнер ҳосил олиниб, жами 21 минг тонна пахта етиширилган бўлса, эди воҳанинг азamat дехқонлари қарийб 500 минг тоннани улкан хирмон чош этмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг Наманган воҳасидаги сув тақислигига хотима беришини кўзда тутиб, «Катта Наманган канали қурилиши тўғрисида» (1970 йил) деб чиқарган қарорида: «Наманган обlastida, айниқса, унинг тоф этиларидаги қисмида сувориш учун яроқли бўлган катта-катта майдонлардаги ерлардан фойдаланилмасдан келинмоқда... Норин дарёсидан сув оладиган Катта Наманган каналининг қурилиши бу муаммони ҳал этади», дейилган. Область партия комитети ва облости ижроия комитети партия даъватига жавобан канал қурилишини умумхалқ қурилишига айлантириш учун барча чораларни кўрди... Трасса биринчи навбати қурилишининг қисқа муддатда ишга туширилиши натижасида 16 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланди. Шунинdek, Шимолий Фарғона каналидан сув оловчи колхоз ва совхозларга қаралиши юздан ортиқ майдондан фойдаланишига чек қўйилди. «Яшил камар»нинг иккинчи навбати қурилиши 1974—76 йиллардаги оғир табиий қийинчиликлар даврида ҳам давом эттирилиб, яна 50 километрга узайтирилди ва Норин суви Чуст райони далаларига етиб келди.

Бундан уч йил аввал республикамиз меҳнаткашлари В. И. Ленин Туркистондаги сугориш ишларини ташкил этишга 50 миллион сўм маблағ ажратиш ҳақидаги Декретни ижолаган куннинг 60 йиллигини зўр тантана билан нишонладилар. КПСС Марказий Комитети биринчи секретари ўтоқ Ш. Р. Рашидовнинг «Правда» газетасининг 1978 йил 17 май сонида босилган «Ленин Декрет билан» мақоласида бундай дейилади: «Ўзбекистон меҳнаткашлари В. И. Ленин васиятларига амал қилиб, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида онро сув ҳўжалиги қурилишини кенг авж олдириб, саҳро ерларини унумдор дала-ларга айлантириш учун курашиб бошлаб юбордилар».

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида бундай дейилади: «Сув ҳўжалиги қурилишининг техник даражаси ва сифати оширилсин, ерларни мелиорациялаш ва уларни қишлоқ ҳўжалик учун ўзлаштириш юзасидан комплекс ишлар ўтказиш таъминлансан, сугориладиган ва захи қочирилган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари амалга оширилсин».

КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширишга қатъий аҳд қилган наманганлик ирригаторлар ва курувчилар воҳада ҳанузгача ўзлашмай турган ерларни сув билан таъминлаш учун умумхалқ ҳўжалик қурилашига қўшилдилар. Бинонбин, облости қишлоқ ҳўжалиги меҳнаткашлари бу йилнинг ўзидаёт давлатга 465 минг тонна пахта, шу жумладан 5 минг тонна ингичка толали пахта етишириб берадилар. 4400 гектар сугориладиган янги ер ўзлаштирилди, қишлоқ ҳўжалиги оборотига киртилади, 3500 гектар майдон капитал планировка қилинади, 8 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Эскиер, Кўксерикой, Корасув, Заркент ва Жийдаликапа сув омборлари, Нанай гидроузеллари ва бир қанча насос станциялари қурилиши давом этирилади. Наманган обlastining Марказий Фарғона зонасида эса Катта Андикон каналидан Йўлдош Охунбобоев номидаги каналга сув кўйиб, Навбахор, Аччиқўл массивларини тўла ўзлаштириш режалаштирилган.

Ана шу тадбирларни амалга ошириш натижасида воҳада яна ҳам мўл-кўйл қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етишириш имкони туғилади.

Бугунги ютуқлар ва кўрилажак тадбирлар доҳийимиз В. И. Лениннинг «Сувориш ҳаммадан кўпроқ зарурдир ва у ўлкани ҳаммадан кўра кўпроқ ўзгартириб юборади, уни яшнатади, ўтмишга хотима беради, социализмга ўтишини мустаҳкамлайди», дёган сўзларининг амалдаги тасдиғидир.

Иўлчи ҚОСИМОВ,  
тарих фанлари кандидати

Наманган



# ДҮСТЛИК, БУ-САОДАТ, ДИЛЛАР САЙҚАЛИ

Мұхаммад АЛИ,

Узбекистон Ленин комсомолы  
мукофоти лауреати

## Олимпия үйинлари

Олимпия үйинлари — ҳәттәй қизғин,  
Күнгилни тортар,  
Мудраб ётган түйүларинг йүқотиб тизгин,  
Кенг қулоч отар.  
Ана бирор югурмоқа, эзтиқод билан —  
Шайланар аста.  
«Ютиб чиқсан, номим бўлса ҳаммадан баланд»,  
Деган ҳавасда.  
Ана бирор қиличини яланғоч айлаб,  
Саваш курмоқчи.  
Ана бирор ўзидан ҳам баландга сакраб  
Кўкрак кермоқни.  
Бирор эса найзасини отибон олис  
Шараф топсам дер.  
Бирор эса ҳакам — барин кузатиб, холис —  
Бўлмоқ ғамир ер.  
Бирор боксда — мушт тушириб моҳир ва чапдаст  
Олқиши олмоқда.  
Бирор эса томошабин — завқдан бўлиб маст  
Қарсак чалмоқда.  
Сен кимсан, эй, ҳакаммисан, томошабинми?  
Курашчими ё?  
Не танладинг? Танлаганинг қатъий ва чинми?  
Қатъий ва аъло?  
Ҳакамлик-ку қўлдан келмас, удда қилолмай  
Замон датто лол.  
Бу — күёшин узуб олсан ердан қўзғолмай —  
Янглиғ бир хаёл.  
Томошабин бўлма, сени шунга йўйғанлар  
Асли бадбандир.  
Ҳаётидан умидини узуб қўйғанлар  
Томошабандир.  
Сенинг жойинг, дўстим, билгил, сал ўзгачароқ:  
Имон неники —  
Фармон этса, ижро айла! Манглай бўлур оқ,  
Замон — сеники!

## Изтироб чекмоқ нима

Сен уни севасан пок туйғу билан,  
Кўнглингда яшайди офтобдай сиймо.  
У сени севади зўр орзу билан,  
Сен билан ёруғдир бу қадим дунё.  
Бироқ тан олмоққа журъат йўқ ҳисоб...  
Изтироб мана шу, шудир изтироб.

Дўстингдан айрилиб қоларсан гоҳи,  
Шундоқ тирик турниб айру тушарсан.  
Йирокдан илгарсан совуқ нигоҳин,  
Кулиб кўришарсан, қўлин ушларсан.  
Асли-ку кўрмакка тоб йўқ сенда, тоб...  
Изтироб мана шу, шудир изтироб.

Табиат, ўзингсан ҳаками замон!  
Нечун изгириналар саратонда ҳам?  
Учқулоқ ғўзалар тебранар нимжон,  
Сен қуяр, кўнглингда тил-забонсиз ғам,  
Осмонга боқасан: «Қайдасан, офтоб!»  
Изтироб мана шу, шудир изтироб.

Ватан деб туғилган ўғлонлар ҳаққи,  
Тунлар шеър битасан, излайсан оҳанг.  
Фазони тўлдирип кўнгил ҳақ-ҳақи,  
Армон наърасидан қалбинг ҳам батанг...  
Ватанин севасан, севгинг серитоб...  
Изтироб мана шу, шудир изтироб.

Ҳаёт — оқар дарё, осоиш билмас,  
Ҳаёт эҳтиросга ташна майдондир.  
Ўзингни инсон деб атай олсанг, бас,  
Илоҳий фазилат шундан аёндир.  
Бироқ шу фазилат топилмас, ноёб...  
Изтироб мана шу, шудир изтироб!

Дўстлик, бу — дунёни тутгувчи устун,  
Дўстлик, бу — саодат, диллар сайқали.  
Дўстлик қадаҳи бор қўлимда бугун,  
Сўзлайман, келиби менинг ҳам галим.

...Бир чинор ўсади Кашмир шаҳрида,  
Подшо Аврангзебнинг севаган чинори.  
Давлат ишларини қўйиб нарида  
Тез-тез буар эди шу ён тулпорин.  
Ногаҳон битта шайх кўнглини ёрди:  
«Ҳеч ҳам тилим бормас сизга айтгани,  
Кашмирдаги машҳур зўр масжид бор-ку?  
Ибодат маскани, тоат маскани...  
Ёниб кетмиш! Кечир, э парвардигор!..»

Подшо сапчиб турар ўрнидан шу он:  
«Унинг ёнидаги чинор-чи, чинор?  
Чинорга не бўлди? Тез айланг баён!»  
«Чинор бут! Чинорга ўт тушгани йўқ!»  
«Ҳайрият!» — дер подшо.

## Дўстлик қадаҳи

Ҳаёт-ё, бу қалом  
Аъёни салтанат, аъёни қутлуғ  
Шайхларни ҳайратга солганди тамом!  
Ибодат маскани бўлсаю кул-кул,  
Бу мудҳиш хабарга қилмасдан парво,  
Қандайдир чинорни сўраб турса ул...  
Шаҳаншоҳ динидан қайтдимикин ё?  
Сўнгроқ сўрадилар буни подшодан.  
Подшо кулиб деди: «Аён кўурман:  
Ибодат маскани ёнса мабодо,  
Сизга юзтасини тиклаб берурман.  
Аммо, билинг, ёниб кетсами чинор...  
Гарчи зўр подшоман, узундир дастим,  
Гарчанди истасам, этсам ихтиёр,  
Битта ҳам чинорни тиклай олмасдим!..»

Дўстлик! Сен чинорсан, бўй-басти улуг,  
Уса бер бақувват белинг толмасин!  
Шундай чинор бўлки, деч заволи йўқ,  
Истаса, подшо ҳам тиклай олмасин!

## «Рамаяна» оҳангларида

(ТУРҚУМДАН)

«Эй, Равана! Сенга ёр бўлмоқ тугул,  
Босган изимни ҳам кўрмасман раво.  
Менинг ёрим Рама, Рама мард ўғил,  
Кўллар уни ўзи соҳиби само!

Сенга бокайними шайдо кўз билан,  
Пинҳон айлайними ширин табассум...  
Шундоқ сўзни дединг қандай юз билан?  
Билгил, давлатингга йўқдир ҳавасим!

Онт ичай: гар сенга жилмайиб боқсан,  
Битсин ўшал заҳот баҳтири кунларим!  
Пешонамга лаънат муҳрин боссин ғам,  
Ич-ичимга урсин ваҳший унларим!

Жазо берсин, ҳайлот, улуғ тангрилар,  
Зинҳор зор этмасин садақамга ҳеч!  
Ажоддларим эса тентиб, гангираб,  
У дунёда жанжал қуришсин ҳар кеч!

## Сирли қушлар

Таҳтда чўкиб ўлтиради Ушинор,  
Диёнатли, саховатли шаҳриёр.  
Мамлакати обод, эли шодмон, ҳур.  
Бу дунёнинг саккис ёғига машҳур.  
Ажаб бирдан таҳт пойига порилаб  
Каптар қўнгар, тилга кирад зорилаб:  
«Мурувватли валинеъмат, нажот бер,  
Ахир, барча сени одил, ҳақгўй, дер.  
Ортдан қўвиб келар менин бир лочин...» —  
Каптар сўзин тугатолмади лоқин.  
Шувиллабон учиб тушди лочин ҳам:  
«Шоҳим! — деди. — Каптар менинг насибам.  
Сен ҳақгўйсан, ҳақгўйлигинг бир кўрай,  
Каптарни бер! Ебон нафсим қондирай!»  
Ушинор дер: «Ажаб бир куш экансан,  
Бу сўзингни, билмам, қандай дегансан.  
Каптар мендан сўраб турсаю паноҳ,  
Сенга берсам... Ахир гуноҳ-ку, гуноҳ!»  
«О, шаҳриёр! — деди лочин. — Ҳақ қайда?  
Гапларингдан қорин тўймас, йўқ фойда.  
Бир каптарнинг жонин сақларсан омон,  
Мен-чи? Мени унутдингни батамом?  
Емак кутиб уйда қолган болалар,  
Куруқ қайтсан, қилса не тонг нолалар?  
Бирни деб ё кўпга завол тиласан?  
Наҳот, шуни ҳақгўйлик деб биларсан?»  
Ҳайратланиш қарар экан Ушинор,  
Доно лочин сўзларига тушунар.  
«Даъвойинг рост. Муштдеккина бир каптар,  
Тўйғизурми сенинг қурсоғинг магар?

Эвазига истасанг гар буғу ол,  
Ҳўқизни кўр, қобонга ҳам назар сол!»  
«Йўқ, тақдирнинг ишида ҳам бор маъни:  
Каптар эрур пешонамга битгани!»  
Яна дер шоҳ: «Кўнглинг тўлмаса агар,  
Не хоҳласанг олгин — дуру инжу зар!..»  
«Майли, каптар қолсин, аммо,— лочин дер,—  
Ўз этингдан каптарчасин кесиб бер!»  
Хурсандликдан қаҳ-қаҳ отар Ушинор:  
«Мен розиман, бундан осон не иш бор?»  
Ўз этидан кесиб олар шаҳриёр.  
Тарозига аста солар шаҳриёр.  
Каптар оғир келганини кўрар ул,  
Иккичи бор баданга тиг урар ул.  
Илми гайдбай сирли эди бу каптар,  
Тарозини босмас эди эт магар.  
Бўлак-бўлак кесавериб қўли қон  
Подшо кўрди, қолмиш қуруқ устихон!  
«О, Ушинор, бўлди, бас қил! — дер лочин.—  
Саховатда зўр экансан чиндан-чин!  
Бил, мен — Индра, худоларнинг подшоси,  
Бу валломат — Агни, олов худоси.  
Етиб борди шаън-шукуҳинг самога,  
Нақ Бароҳим назар этган маъвога.  
Саховатинг учун мангу қолурсан,  
Мангу руҳлар сафидан жой олурсан!  
Сен худолар ичра каси аъло, сен!  
Сен инсонлар ичра худо, худо сен!»  
Подшо номин буркаб шарафга, шонга,  
Сирли қушлар парвоз этди осмонга...

# ОБИДАЛАР – ФАХРИМИЗ

**С**ОВЕТ кишилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездига қилган Ҳисобот докладидаги кўрсатмалари ҳамда съезд қарорларини ҳаёта татбиқ этиш учун қатъий, ижодий ва самарали меҳнат қилмоқдалар. Республикаиздаги барча муассаса ҳамда ташкилотлар қатори Узбекистон ССР Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамиятини ходимлари ҳам ўз ишларини ана шу мўътабар ҳужжатлар асосида олиб бормоқдалар.

Партия ва ҳукуматимиз жаҳон пролетариатининг доҳийси В. И. Лениннинг янги жамият куршида прогрессив маданий мероснинг роли тўғрисидаги кўрсатмалари асосида ҳалқ меҳнати, ақли, таланти билан юзага келган барча бойликларни, маданий ва тарихий ёдгорликларни асрарша биринчи даражали аҳамият бериб келмоқдалар. Тарихий ва маданий обидалар фаннинг, маданиятининг юксалишига, ёшларда юксак совет ватанпарварлиги тўйусининг шаклланishi га, меҳнаткашларни ғоявий-ахлоқий, эстетик ва интернационал руҳда тарбиялашга хизмат қиласди. Обидаларни сақлаш давлат органларининг, жамоат ташкилотларининг мұхим вазифаси ҳисобланади. Ҳар бир тарихий ва маданий ёдгорлика эҳтиёткорли билан муносабатда бўлиш ССРдаги барча гражданларнинг ватанпарварлик бўрчидир.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика ҳукумати тарихий ёдгорликларни таъмири этиш, тарғиб қилиш, асрарша катта аҳамият беради. Тарихий ва маданий ёдгорликлардан фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш тўғрисида 1977 йили республикамиз ҳукумати томонидан ҷиҳарилган қонун ҳамда Узбекистон Компартяси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг 1979 йили ана шу масала юзасидан қабул қилган қарори ҳамда бошқа чора-тадбирлар фикримизнинг тасдиғидир.

Мазкур ҳужжатларда жуда кўп тарихий, археологик, архитектура обидаларининг совет ва жаҳон фанида катта қизиқиш уйғотаётгандиги яна бор таъкидланди, уларнинг Ўрта Осиё ҳалқлари маданиятининг тарихий тараққиётини маркса-ленининг тўғри тушуниша катта аҳамиятга эгалиги қайд этилди. Шу қарорга биноан республикада ёдгорликларни сақлаш идоралари, уларни ўрганувчи ва таъмирловчи ташкилотлар тузишли.

Тарихий ва маданий ёдгорликларни асрар, ўрганиш, ҳисобга олиш, таъмирлаш ва тарғиб қилишда район, шаҳар, область ҳалқ депутатлари Советларининг, Маданият министрлиги ва унинг жойлардаги идораларининг, Архитектура ва Рассомлар союзларининг, комсомол ҳамда касаба союз ташкилотларининг ҳалқ маорифи идораларининг ҳиссаси каттадир. Айниқса, бу ишда бизнинг ташкилотимиз — Узбекистон Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамиятининг роли мұхим ва бекиёсdir. Ёдгорликларни сақлаш жамиятини ўзининг 1976 йилги III съездидан кейин ўтган беш йил ичидаги тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш, таъмири этиш, тарғиб қилиш бўйича мұхим тадбирларни амалга ошириди. Ҳудди шу даврда тарихий-инқилобий ва жанговар шуҳрат ёдгорликларини сақлашни яхшилаш, оммани, айниқса, ёшларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашда улардан кенг фойдаланиш борасида анча ишлар қилинди.

Ёдгорликларни сақлаш жамиятининг фаолияти фоят кўп қирралидир. Улуғ Ленинга, машҳур партия ва давлат арбобларига ўрнатилган ҳайкаллар, жанговар курашлар ва меҳнат шарафига қўйилган монументлар республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларини безабигина қолмай, оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказиладиган аъзанавий жойларга ҳам айланаб бораётir. Ўтган беш йилликда ёдгорликлар олдида кўплаб митинглар, ҳалқ сайиллари, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар, жасорат дарслари, Совет Армияси-

Файзулла НОРХЎЖАЕВ,

Ўзбекистон ССР Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамиятининг раисининг ўринбосари

га ҷақирилганларни кузатиш, ишчилар синfiga ҳамда комсомоллар ёки пионерлар сафига қабул қилишга бағишинан тантаналар ўтказилди.

Тарихий ва маданий ёдгорликларни ўзининг бемисл жозибаси билан кўпчиликни мафтун этади. Ҳалқнинг жанговар ва меҳнат шуҳрати кечган табарруқ ёдгорликлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ҳамда Фарғона водийсидаги шаҳарларда тарихан кўпроқ жойлашгандир. Республикамиз бўйлаб уюштириладиган юришлар ва экскурсияларнинг асосий маршрутлари кўпроқ ана шу шаҳарлардаги ёдгорликларни ҳисобга олган ҳолда режалаштирилади.

Ўзбекистон Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамиятини республика комсомоли ташкилоти Марказий Комитети билан ҳамкорликда 32 та туристик маршрути ишлаб чиқкан. Бу туристик юришлар ўлқамизнинг икки юздан зиёд энг яхши ёдгорликларни ўз ичига олади. Экскурсияга чиққанларга хизмат қилиш учун Самарқандда, Бухорода, Қўқон ва Андижонда тўртта экскурсия базаси барпо этилган.

Маълумки, ёдгорликларни тушуниш бўйича ҳар ким ҳар хил савиядадир. Омма ўтасида ёдгорликлар ҳақидаги билимни ёйиша лекциялар уюштириш катта тарғибий аҳамиятга эга. Айни пайтда шаҳар ва районларда 2 мингга яқин жамоатчи тарғиботчилар бор. Улар ўтган беш йилликда 100 мингга яқин лекция ва докладлар ўқидилар.

Улар ўз фаолиятларида кино воситасидан, овозни кучайтирувчи ва ёзиб олувчи аппаратлардан, фотокўргазмалардан, ёдгорликлар ҳақидаги плакатлар ва адабиётлардан кенг фойдаланмоқдалар. Колхоз ва совхозларнинг дала шийлонларида, олис қишлоқларда аҳолига ана шу тартибда маданий хизмат кўрсатилмоқда. Бундан ташқари ёдгорликларнинг аҳамияти хусусида радио эшиттиришлар, телекўрсатувлар ҳам уюштирилмоқда. Кинотеатрларда, клуб ва маданият уйларида тарихий ва маданий ёдгорликлар тўғрисидаги фильмлар ҳафталигини ўтказиш тажрибаси аъзанага айланаб бораётir. Туркистанда социалистик инқилобнинг жасорат саҳифалари тўғрисидаги «Туғилиш йиллари», Улуғ Ватан уруши йилларидаги ўзбекистонлик жангчилар матонати ҳамда республикамиз жанговар шуҳрати ёдгорликлари борасидаги «Соқчи хотиралари», архитектура обидаларини таъмири этиш, ўзбек мактабининг ютуқлари ва моҳир таъмиловчи усталар ҳақида ҳикоя қилювчи «Тилланиш» каби илмий-оммабол фильмлар жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланди. Мазкур фильмлар Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамиятининг ташаббуси билан яратилгандир.

Жамиятимизнинг нашр ишлари соҳасидаги фаолияти ҳам юксалмоқда. Кейинги йилларда «Хоразм архитектура ёдгорликлари», «Шохизинда ансамбли», «Тошкентнинг архитектура маркази», «Ўтмишда Ўрта Осиё кўприги», «Ўрта Осиё археология хотиралари» сингари полиграфик жиҳатдан юксак савиядаги китоблар катта тиражда нашр қилинди.

Бир қатор областларнинг ижроия комитетлари ёдгорликларни тарғиб қилиш методининг янги янги шакларини қидириб топмоқдалар. Чунончи, ёдгорликларни сақлаш жамиятининг Тошкент шаҳар совети республикамиз маданий мероси борасидаги қатор материалларни Ўзбекистон пойтахтининг биродарлари бўлган шаҳарларга — Америка даги Сизтл, Покистондаги Карабчи, Ҳиндистондаги Паталла, Югославиядаги Скопле ва бошқа шаҳарларга жўнатди. ёш расомларнинг ижодий конкурсида намойиш этилган энг яхши асарлар Қора денгиздаги «Ўзбекистон», Узоқ Шарқдаги «Алишер Навоий», Болтиқ бўйидаги «Ўзбекистон комсомоли» теплоходлари экспонатини безаб турибди. Республика ёдгор-

ликлари тўғрисидаги фильmlар БАМ қурувчилари ҳузурида ҳам намойиш этилди.

Тарихий ва маданий ёдгорликлардан фойдаланиш ва уларни сақлаш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунида кўрсатилишича, қардош республикаларнинг ёдгорликларни сақлаш давлат идоралари билан актив ҳамкорлик қилиш Ўзбекистон Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамиятининг энг мұхим вазифаларидан биридир. Бу борада ҳам кўп ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Компартяяси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарорига биноан Маданият министрлиги ҳузурида 1979 йили Маданий ёдгорликларни илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси тузилди. Ҳозирги вақтда «Меъмор» ишлаб чиқариш бирлашмаси, ўнта максус илмий-таъмирлаш устаконаси, илмий-текшириш ҳамда ёдгорликларни таъмирлаш ва қайта тиклаш лойиҳа институти, республикадаги барча давлат музейлари, ёдгорликларни сақлаш облости идоралари, экспериментал ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш комбинати мазкур бошқарманинг тармоқларни тузилмасига киради.

Шуни қайд этиши керакки, сўнгги йилларда қадимий шаҳарларда бутун бир тарихий ёдгорликлар ансамблини тиклаш имконияти вужудга келди ва бу ишлар рўёба чиқарилмоқда. Чунончи, Самарқанднинг Регистон майдонидаги ансамбли, Бухородаги Лабиқовуз ансамбли, Хивадаги Ичонқалъа тарихий архитектура музей-қўриқхонаси фикримизнинг исботидир.

Республикамизда биринчи марта ташкил этилган Маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва қайта тиклаш илмий-текшириш ҳамда лойиҳалаш институти кўпгина ишларни амалга оширилмоқда. Кейинги икки ичидаги институт томонидан ёдгорликларни гўзаллашириш, таъмирлаш, қайта куриш учун йирик лойиҳалар тайёрлаш бўйича катта ишлар қилинди. Институт ҳузурида ёғоч курилиши ва пардозлаш материаллари бўйича илмий-текшириш лабораторияси барпо этилган. Мазкур институт табиии равишда Ўрта Осиё обидаларини таъмирлаш бўйича илмий марказ бўлиб қолди. 1980 йили унинг умумий иш ҳажми 1 миллион сўмга етди.

Кейинги беш йил ичидаги кўпгина архитектура ёдгорликлари майдонларida йирик ишлар баҳариди. Булар орасида Самарқанддаги Бибиҳоним мадрасаси, Бухородаги Ситорай Моҳихоса, Улуғбек, Девонбеги мадрасалари, Саррофон савдо гумбази, Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Тўрт шовоз комплекси, Андикондаги Жомий масжиди, Намангандаги Ҳўжа Амин мақбараси, Қўқондаги Жомий масжиди ва Худоёрхон саройи, Шаҳрисабздаги Сайдон гумбази-мақбараси, Кундидак масжиди, Сурхондарёдаги Ҳаким ал Термезий мақбараси ва бошқалар бор. Қоракалпогистоннинг машкур археологик-архитектура обидаларини қамраб олган туристик маршрутларни ҳам ишлаб чиқишига киришилди.

Обидаларни қайта тиклашда самарқандлик Абдуқаҳҳор Ҳаққулов, ака-ука Мирусмон ва Мирумар Асадовлар, бухоролик Аминжон Саломов, Очил Бобомуродов, Мўбин Мўминов, хоразмлик Тоҳир Єқубов ва Иброҳим Ражабов, кўқонлик Шукурхон Маҳмудов ва Салимжон Мўйиддинов, намангандик Турғунбай Фозилов, андиконлик Қаҳрамон Юнусов ва Тешабой Исмоилов сингари машҳур усталар ўзларининг талант ва маҳоратларини намойиш этмоқдалар.

Ўзбекистон Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамиятини архитектура обидаларини қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишши маддий жиҳатдан ҳам фаол иштирон этиб келмоқда. 1976—1980 йиллар давомидаги аъзолик бадалларидан йигилган тушимдан 1,5 миллион сўм маблаг ёдгорликларни таъмирлаш ва гўзаллашириш мақсади учун сарфланди. Бундан ташқари, ёдгорликларни сақлаш жамиятини республикамиз областларида археологик ёдгорликларга 800 дан зиёд кўриклиш белгилари ўрнатди.

Афսуски, тарихий ва маданий ёдгорликларни асрар соҳасида ҳали ҳам анча-мунча кусурлар мавжуд. Чунончи, «Меъмор» бирлашмаси ёдгор-

ликларни сақлаш жамияти томонидан обидаларни таъмирлаш учун ажратилган улкан маблағдан тўла фойдаланмайти. Таъмири тугалланған курилишларни қабул қилиб олиш иши ҳам яхши йўлга кўйилмаган. Чунончи, жамият Кўкон шахридағи Жомий масжидига 350 минг сўм сарфлаб таъмирлаш ишини тугатганига салкам бир йил бўлди. Бироқ ҳалигача маҳаллий ҳукумат бу обьектни қабул қилиб олганни ва бундан кейин ундан фойдаланиши масаласини жиддий ҳал этгани йўқ. Гоҳо шундай бўладики, ҳалқ депутатлари Совети ижроия комитетлари ёдгорликларни таъмирлашга жуда кам маблағ ажратадилар. Область ижроия комитетларида ташкил этилган ёдгорликларни сақлаш бўйича инспекциялар суст ишламоқдалар.

Хозирги йўлга кўйилган таъмирлаш иши ҳали ёдгорликларнинг табиии нураш жараёнидан ўзиб кетишини таъминлай олмаяпти. Бу ахволнинг асосий сабабларидан бири инженерлик-мустаҳкамлик ишларига етари эътибор бермаслик, камкўвватлилик, таъмирлаш устахоналари ишлаб чиқариши базаларининг косибчилик характеристидаги, таъмирловчи ва лойиҳаловчи мутахассис кадрлар етишмаслиги деган хуносага келинмоқда.

Шуни қатъий ёдда тутмоқ керакки, ёдгорликларни сақлаш бош бошқармаси ҳам, таъмирлаш институти ҳам, «Меъмор» бирлашмаси ҳам, таъмирлаш устахонаси ҳам ўз номларига яраса илмий идоралардир. Шу вождан улар ўзларининг бутун фаолиятларини чуқур илмий асосга курмоқлари зарур. Зотан, ишга фақат илмий ёндошган тақдирдагина сифатли таъмирлаш ва унинг учун лойиҳалаш-техник хужжатларни тайёрлаш мумкин бўлади. Бу ташкилотларнинг ҳаммаси ёдгорликларни таъмирлаш учун хизмат қилмоғи лозим.

Жиддий камчилликлардан яна бири, лойиҳалаш-таъмирлаш ташкилоти билан шаҳар қурилиши

лоиҳалаш институти ишларининг бир-биридан узилиб қолганлиги билан боғлиқdir. Шаҳар ва қишлоқларимизда қадими обидаларни вар тарихий биноларни асрар, энг яхши миллӣ архитектура анъаналарини давом этириш, бу ишларни замонавий шаҳар қурилиши билан ҳамоҳанг тарзда олиб бориш керак. Тошкентда В. И. Ленин номидаги Ҳалқлар дўстлиги саройи яқинидаги Абдулкосим мадрасасининг сақланни қолиниши бунинг ёрқин ижобий мисолидир. Шу йил февраль ойидага Ўзбекистон Компартиясининг XX съездидаги Иттифоқимиздаги энг муҳташам бинолардан ҳисобланган саройнинг қанчалик тез шиддат билан кўтарилигани ҳаммамизга аён. Энди пойтахтимиздаги энг гўзал замонавий бино ёнида архитектура ёдгорлиги ҳам қадимги чиройини очди. Бу ажойиб ансамбль ҳалқимизнинг ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам қўли гул истеъодлари кўп бўлгани тўғрисида гувоҳлик бериб туради. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорига бинонга Республика музейлар ва туристик зоналар қуриш масаласи ҳам юзага келди. Ёдгорликларни сақлаш жамияти правлениесининг иккى пленуми ва унинг қатор мажлислари мана шу қарорнинг бажарилишини муҳокама қилишга багишланди. Лекин бу соҳадаги иш жуда секинлик билан олиб борилмоқда. Бухоро, Гиждувон, Шаҳрисабз, Кўкон, Наманган, Марғилон ва бошқа жойларда керакли шарт-шароит бўлишига қарамай, ҳалигача очиқ музей ташкил этилмади. Хусусан, Тошкент шаҳрида очиқ музей қуриш ҳакидаги қарор қабул қилинганига беш йилдан ошиди. Бироқ ҳануз бирон натижа кўзга ташлангани йўқ. Тошкентнинг республика пойтахти сифатидаги аҳамиятини, қадими шаҳар эканлигини, бу ерга келадиган кўплаб туристлар очиқини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ижроия комитети ва Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги очиқ музей қуриш учун кечикириб бўл-

майдиган ҳаётий тадбирлар қабул қилиши зарур. Агар Тошкентнинг 2000 йиллиги нишонланадиган 1983 йилда мана шундай музей қуриб битказила, нур устига аъло нур бўлар эди...

Тарихий ва маданий обидаларни асрар ишини хшилаш мақсадида ёдгорликларни сақлаш жамиятимиз қатор тадбирлар ишлаб чиқиш билан бирга аъзолар сонини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Район, шаҳар, облост советларининг, правление президиумининг қатъий ҳаракатлари натижасида Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамиятининг аъзолари ҳозир 5 миллион 200 минг кишидан ошиб кетди. Агар республикада фақат катта ёшдаги аҳолининг ўзи етии ярим миллионга яқинлигини ҳисобга олсан, демак, ҳали жамиятимиз аъзоларини янада кенгайтириш имконияти бор.

Тарихий ва маданий ёдгорликлар — ҳалқимиз фахри. Обидалар ҳалқда қаҳрамонона руҳ уйғотади, қалбларни ҳаяжонга солади, тафаккури бойитади. Шунингдек, улар ёшларимизнинг характерини ва дунёйкашани шакллантиради, гўзларни мұҳаббат уйғотади, эзгулик ҳамда ҳақиқат тантанаси учун курашга ҳамиша тайёр туришга ундейди. Зотан, ёдгорликларда жамиятининг тарихий тараққиёт йўли, ҳалқнинг инқиloitи, жанговар ва меҳнат жасоратлари муҳрлангандир.

Республикамиз территориясида етии мингдан кўпроқ тарихий ва маданий ёдгорликлар ҳисобга олинган. Қадими обидаларни аниқлаш, янгилашни қуриш иши ҳар йили давом этимоқда.

Ёдгорликларни — ҳалқимизнинг тарихий-маданий бойлигини сақлаш қуроли кўлимизда. Бу — тарихий ва маданий ёдгорликлардан фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш ҳақида чиқарилган Ўзбекистон ССР Конунидир. Биз унинг барча талабларини қатъий амалга ошириш учун курашмагомимиз даркор.

МУАЛЛИМ

дод керак. Айниқса ҳозирги давр болаларига истеъоддосиз мураббий тарбия беролмайди. Мактабнинг шароит ва имкониятлари қай даражада яхши, колективининг педагогик савияси нақадар юқори бўлмасин, ҳозирги кунимиз учун камдек туюлаверади. Чунки талаб ўсмоқда. Энг муҳими, совет ўқувчисининг диди ўсмоқда. Биласизми, мен муаллимни булоқка ўхшатиган келади. Булоқка тикилиб қарасангиз, туйнинг кўзида оқаётган ёшдай миттирайди-ю, бир ҳовуч сув опсангиз тугаб қоладиганга ўхшайди. Аслида ана шу булоқнинг, карvonларни суғоришга қурби етади. Бир булоқ сувини бир қишлоқ ичади. Аммо бўлок ўша-ӯша, тўлиб-тошиб тураверади. Муаллим ҳам шунақа. Юзаки қарасангиз, ўша мактаб, ўша дарс. Аммо булақнинг ҳаммаси минглаб кишиларни ҳаётнинг катта йўлига олиб чиқади. Чўй кезиб, қайнар турган булоқни кўрганда юраги қалқиб, ҳовучини тўлдириб сув ичган киши қачонлардир оёғига тиканлар кириб, енг шимарб, шу булоқнинг кўзини очган одамни эсласа эслайди, эсламаса йўқ. Катта йўлга чиқадиган сўқмоқдан юрган йўловчи кимдир мана шу йўлни очганини йўласа ўйлади, ўйламаса йўқ. Саратоннинг тафтиде девдек чинорнинг шапалоқдек барглари солисида ҳордигини чиқарган кишини ёдлана-са ёдлайди, ёдламаса йўқ. Муаллим-чи? Умр бўйи ёдланади. Устозликнинг шарафи ҳам, завқи ҳам, фазилати ҳам, ҳумори ҳам шунданда...

Муаллимнинг маънавий ҳуқуқи... Қувондиқ ака ибратли гап айтди. У бутун ҳаёт йўли давомида ана шу сўзларга тўла амал қилиб келмоқда. Жалиев сўзида давом этиб яна шундай деди:

— Мехнат, бу — ижод, — деган эди Максим Горький. Ижод эса ҳамиша изланишини тақозо этади. Шу ўринда мен муаллимни ҳам том том маънодаги ижодкорга — адигба, шоирга, рассомга, олимга қиёслагим келади. Ёмон врач бўлиш бу — очиқ жиноят. Ёмон педагог бўлиш ҳам жиноят. Сирли жиноят. Унинг дарди кеч очилади, узоқка чўзилади. Муаллим ҳам, энг аввало, инсоншунос. Ёмон педагог жамият ва шахс, ўз виждони олдида маънавий жавобгардир. Чунки муаллим шахснинг қандай йўл танлашига, манзилга етиш-етмаслигига ёора йўлда қолиб кетишига муайян даражада жавобгар. Қўлида дипломи бўлгани билан ҳаммани ҳам муаллим деб аташ қийин. Муаллим бўлиш учун одамга алоҳида истеъ-

ода оламдаги ҳеч қайси ҳунарни муаллимликка алишмасди. Шунинг учун бўлса керак, Қувондиқ Жалиев еттинчи синфи тугатди-ю, ҳужжатларини қўлтиқлаб Жиззах шахридаги Ҳамид Олимжон номидаги билим юртiga борди. Кейин Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тугатди. Мансалкам чорак асрдирки, ўзининг қадрон мактабида география фаниндан дарс беради. «Бир соатлик яхши дарс — бир асар» деган эди буюк доҳиймиз Ленин. Узоқ йиллик муаллимлик фаолияти мобайнида Қувондиқ Жалиев озмунча дарс бердими! Озмунча талаба унинг дарсидан яхши асар ўқигандек сабоқ олдими! Озмунча кишиларнинг умрини ҳаёт сўқмоқларидан катта йўлга олиб чиқдими? Ҳисоблашга кибернетик машина кепар...

Қувондиқ Жалиевнинг ташкилотчилиги, юксак маданиятилиги, болжонлиги, энг муҳими, пухта билимли педагогигини назарда тутиб, уни Зомин районидаги Чернишевский номли 32-сон ўрта мактаб директорлигига тайинладилар.

Л. И Брежнев КПСС XXVI съезига қилган Ҳисобот докладида «Ўрта мактабда таълим-тарбия иши даражаси оширилсин. Ьашларни меҳнатсеварлик руҳи тарбиялашга, уларни этик ва эстетик жиҳатдан тарбиялашга кўпроқ эътибор берилсин», деган эди. К. Ёрлақов, С. Умаров, С. Исмоилов, Х. Усконов, Х. Нуралиев каби талантли педагоготлардан иборат коллективга таянган Қувондиқ Жалиев ҳам партияниң масъул кўрсатмаларига оғишмай амал қилиб келмоқда. Зотан, М. И. Калинин айтганидек, «Ўқитувчилар коммунизм қурилишнинг зарур қисмидир». Жумладан, Қувондиқ Жалиев ҳам!

М

ЕН ВАГОНГА чиққанда ҳамма ўз ўрнини топиб жойлашиб олган, ким-ким билан шерик, таниша бошлаган эди. Фақат мен жойлашган хонада бир ўрин бўш турарди. Билетда кўрсатилган 17-жойни эгалладим, чамадонни юқорига кўйдим, фуражкани ҳам ечиб қозикка илдим. Чўнтакдан папирос ола туриб сўрадим:

— Чекишига қаршилик қилмайсизларми?

— Баҳузур, биз ҳам чекувчилардан, — қаршида ўтирганларнинг иккаласи баробар жавоб берди. Улар темир йўл хизматчилари эди. Биттаси анчагина ёшга бориб қолган, иккинчиси ёшроқ, қотмагина йигит. Ҳар иккисига ҳам папирос тутдим. Шерикларимнинг чекувчи бўлиши мени анча қувонтириди. Йўл юрсан ҳамма вақт шундан сиқиламан. Орамизга биронта чекмайдиган одам кириб қосла, айниқса у хотин киши бўлса, ҳамма вақт йўлакка чиқиб чекишига тўғри келади. Энди менинг тепамдаги ўринга ким келаркин, дейа ташвишланаб турдим.

— Хотин киши бўлса ҳам майли, ишқилиб чекувчи бўлсин.

— Мунча ташвишланавердингиз, ўртоқ майор? — деди темир йўлчининг кексароги. — Чекмовчи бўлса ҳам биз кўпчиликмиз-ку.

— Москвагача борасизларми?

— Ҳа, соқолга оқ тушганда ўқувчи бўлиб юрибмиз. Иван Кузьмич-ку ёш-а, — ёнидаги йигитга ишора қилиб гапирди, — мен ўз ҳакимда айтаяпман. Москвага имтиҳон бергали кетаётбимиз.

— Бу киши Иван Кузьмич, кечи расиз, сизни нима десак бўлади? Ҳали иккى кундан ортиқ бирга бўламиш. Мен Семён Петровичман. Сизни ўртоқ майор деяверамиз-да?

— Ихтиёрингиз, Захар Захарович десангиз ҳам бўлади.

— Захар Захарович, курортдан келаётганга ўхшайсиз?

— Уруш доғларини ҳали ювиб тутатолмайман. Иккى ой Петегорска да даволандим. Майиб-мертиқларим кўп.

— Бундай қараганда жуда соғломга ўхшайсиз.

— Янги пишган нокдек деса бўладими? — кулиб айтдим.

— Бўлади. Нечага кирдингиз?

— Мана ўттис бешни ҳам тугатай деб қолдик. — Кўзим ҳамон йўлакда. Иккинчи занг урилди. Битта-иккита кузатувчи ҳам хайрлашиб чиқиб кетди. Минеральнийвод воказалида аксари кузатувчи кўп бўлмайди. Бу ердан жўновчиларнинг деярли ҳаммаси — курортдан қайтувчилар. Бир ой ичидан ортирган ошна-оғайни ҳам электричкага кузатиб чиқади. Шу пайт каттагина бир чамадонни кўтариб бизнинг хонага юкиб қолди. Биздан кечирим сўраб, чамадонни юқорига жойла-

# СУЖБАТИ ЖОНОН

## ҲИКОЯ

ди. Орқасига қайрилиб: «Мана шу сизнинг жойингиз», деди. Йўлакчадан туриб бир жувон юқорига қараб қўйди, юқчига пул тўлади. Ўзи ичкари кирмай, вагон деразасидан кўчага қараб турди. Биз бир-бири мизга қарашиб қўйдик. Кейин бир сўз ҳам айтмай ўтирган еримизда у жувонга қараб турдик. У бизга орқаси ўргилик, икки қўли билан деразани ушлаганича турар эди. Ўрта бўйлик, қомати келишган, оқ-сариққина, қош-қўзи қора, сочи қўнғир эди. Эгнида тўқ кўк швётдан костюм, ёқаларига гул чеккан оч пушти блузка. Оёғида малларанг илак пайлоқ, амиркон туфли. Бош яланг, сочини яхшигина йигиншириб қўйган. Билагида кичкинагина тилла соатдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Позезд юриб кетиши билан кирар деб ўйлаган эдим, йўқ, тураверди. Вагон проводники ўтиб қолган эди, унга қайрилиб гапирди:

— Кўрпа-ёстиқ берасиз-а? — Хотин баъди қарашиб қўйди.

— Албатта, — деди-ю проводник физиллаб кетаверди.

— Сен ҳам қизиқ йигит экансан, — дедим ичимда, — бир нафас тўхтаб сўзлашмайсанми. Нима, ишинг қолаяптими, вагон бўлса ҳамма вақт сен билан.

Индамай ўтиришга тоқатим қолмади, аста-секин йўлакка чиқдим:

— Кечи расиз, танишиб қўяйлик, — деб қўл узатдим. У ҳам қўл берди.

— Турсунова Мастира.

Кўрган заҳотим ўзбек қизимикан, деган эдим, тахминим тўғри чиқди. Бошлаб хонага олиб кирдим. Шерикларим билан ҳам танишитирдим, ўз ўрнимдан жой кўрсатдим. У дераза томонда, мен эшикка яқин ўтиридим. Иван Кузьмич бир илжайиб қараб қўйди-да, ёнидаги папирос чиқарди. Биринчи галда Мастира Турсуновага тутди. У чекмаслигини билдириб, илтифоти учун раҳмат айтди. Биз уччаламиз биттадан папирос олди-ку, чекишига келганда бир-бири мизга қарашиб қолдик. Ҳалиги: «биз кўпчиликмиз, чекаверамиз», деган Семён Петрович бўлса, ўрнидан тура бошлади:

— Эшикка чиқиб чекамиз, йигитлар!

— Нега? — деди Мастира, — шу

ерда чекаверинглар, тамаки ҳидидан қўркмайман.

Енгил тортиб кетдим. Кулишиб яна ўтирик, шу пайт проводник кўрпа-ёстиқ кўтариб келгандан кейин сездим. Юшоқ вагонда бўлса ҳам, кўрпа-ёстиқсиз ётиш қийин. Ҳаммамизга ҳам олишга тўғри келди.

— Шундай юқорига ташлаб қўяқолинг, — деди Мастира, — ўзим кейин тузатиб оламан.

— Менинни ҳам, — дедим. Пастдаги ўз ўрнимни Мастирага тақдим кетдим. Семён Петрович кулид:

— Корнингиз тўқ экан, ўртоқ майор, мен ҳам ўз жойимни бу қизимга бермоқчи бўлиб турган эдим.

— Отабола пастки қабатда, биз Иван Кузьмич билан юқориги қабатда ётамиш. Биз отда сакраб юриб ўрганиб қолганимиз.

Бу гап Мастирага маъқул тушди шекилли, майнингина жилмайди. Кўз қири билан менга қаради:

— Раҳмат, хотин-қизлар билан юришнинг шуниси ёмон! Ҳамма оғирлик эркакларга тушади.

— Ҳеч оғирлиги йўқ. Баҳузур сиқилмай ўтираверинг! — Уччаламиз баробар сўзладик. Мен яна қўшимча қилдим.

— Бу ҳам имконияти бор вақтда экан.. Имконият бўлса, ҳамиша хотинларга хизмат қилиши истаймиз.

— Қандай, киши ўзи истасаю, имконият топмаса? — Иван Кузьмич ҳайрон бўлиб гапирди. Унга жавоб ўрнида урушда бўлган бир воқеани сўзлаб бердим. Москва учун қаттиқ жанг кетаётган эди. Қиши, тўхтамай қор ёғади. Қадам босган ерингиз ўрадек ўприлиб қолади. Савуқда бармоқларнинг учи игна сукандай санчиди. Тўрт тарафдан ўқ ёғилади. Тинмай бомба тушиб турди. Лекин кўзга ҳеч нарса кўринмайди. Фақат фашистни пойлаймиз: ҳаёлда фашистни уриш, ўлдириш, холос. Жангчилар эмаклабми, судралабми, қандай бўлмасин олга интиладилар. «Фашист, Москвага қадам босолмайсан», дейа қичқирадилар. Олга юрганингиз сари орқада ярадорлар чўзилиб

қолади. Ана шунда бир санитар қизнинг мардлигига қойил қолдим. Эгнида пўстин, бошида қулокчин, оёғида кигиз этик, бўйнида санитар сумкаси. Жангчилар кетидан юргани-юрган. Жанг майдонида битта ҳам ярадорни қолдирмай ташиб кетади. Бир куни пулемётни вангилилатиб отиб турибмади. Ён-верга қарашнинг иложи йўқ. Ҳам команда бераман, ҳам отаман. Мен билан ёнма-ён бир сержант ҳам отишиб турибди, бирдан унинг пулемётти тўхтаб қолди. Юрагим шиф этиб кетди, ўлди деб ўйладим. Қарасам ҳалиги қизеркентини орқасига чалқамча ётқизиб, судралиб ўрмонга кириб кетаёттир. Жангчидан оқкан қон қор устида қизил лентадек узун из солиб кетаётти. Кўзимнинг чирт юмдим, қулоқларим шанғиллаб кетди. Қизга юрагим ачиди. Югурниб бориб уни бошимга кўтартгим, оғир юқдан ҳалос қилгим келди. Бўлмади. Отишма зўрайиб кетди. Пулемётдан бир сенкунд силжисам, душман менингиза эмас, ўша қизни ҳам ўлдиради. Фашистга нисбатан яна ҳам газабим зўрайди. «Ўша совет қизлари учун!», дейа отавердим. Шунда уч кун тўхтовсиз отишдик. Фашистнинг қолган-қутганини ҳам талай ерга элтиб кўйдик. Сўнгра дам олдик...

Мастира менинг оғзимга маълиб бўлиб тикилиб турган экан, қарашим билан қўзини ерга олди. Бир хўрсина:

— Уни қаранг-а! — деб қўйди. Биз папирос чека бошладик. Мастира бирдан бошини кўтариб, менинг қулоқларимга тикилиб қаради. Назлимда қўзлари ўт бўлиб кетгандек кўринди. Ичимда қаеримнидир кўйдиргандек бўлди. Тер босиб кетди. Гапимни йўқотиб ҳам қўйдим. У ўзи сўраб қолди:

— Кейин у қизни кўрдингизми?

— Йўқ. Кўрганимда кафтимда кўтариб юрмоқчи эдим. Ярадор бўлиб кетиб қолган экан.

— Суриштирамадингизми?

— Жанг давом этаверди. Суриштиришга фурсат бўлмади. Сўнг ўзим ярадор бўлиб, госпиталда ётдим. Тузалганимдан кейин Сталинград фронтига кетдим. Ҳа, айтганча, у ўзбек қизи экан, Москвада ўқиркан. Узи доктор эмас экан. Уруш

союзининг масъул секретари (1932—1937), «Ёрқин ҳаёт» журнали муҳаррир ўринбосари (1938—1941), Узбекистон Радио комитетида адабий эшиттиришлар бўлимининг масъул муҳаррири (1941—1945), Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг инструктори ва «Узбекистон хотин-қизлари» («Саодат») журналиниң биринчи муҳаррири (1946—1953), Узбекистон ССР Олий Советининг депутати сифатида ҳормай-толмай меҳнат қилган эди.

Ойдиннинг адабий мероси илмий жиҳадтан ўрганилмоңда, унинг асарлари қайта нашр этилмоңда. Узбекистон ҳалқ шоирини Зулфиянинг «Ойдин Собирова» очерни (1953), филология фанлари доктори Сайдулла Мирзаевнинг «Ойдин» (1965) номли монографияси кенг қиучувчилар оммаси томонидан илиқ кутиб олindi.

Ленин партиясида, она ҳалқига садоҷат билан хизмат қилган машҳур адаби Ойдиннинг порлоқ номи ҳалқ ичидаги тарқалган. Унинг асарлари ўз жаранганини асло йўқотмайди.

бошланиши билан санитарлик курсини битириб, урушга кетаверипти. Буни ҳам госпиталда бир ўзбек жангчиси гапириди.

— Отини сўрамадингизми?

— Уни қаранг-а, бу ҳам соддалик-да, сўрамабман. Ёзувчи ёки бирор мухбир бўлса, албатта, сўрарди.

Мастура ўланни қолди. Шерикларимиз ҳам уруш вақтнинг аламлик кунларини ўйлаби, жим қолишиди. Мастура ўтириб-ўтириб, бирдан соатига қаради. Вақт кеч ўн бирлар бўлган эди.

— Гапиравериб чарчадимми, балки ётмоқидирсиз? — унинг кўнглини топмоқчи бўлиб сўрадим.

— Йўк, нега? Тонг отгунча ҳам эшитавераман. Билмадим, бу ўртоқларимиз нима дейишади? — темир йўлчиларга ишора қилди. Улар кулишиди:

— Сизга нима маъқул бўлса, биз шунга рози, — Семён Петрович ёстиққа ёнбошлаб ўтирган эди, бош кўтарди ва ўзича жилмайиб: «Ажаб», деб қўйди.

— Семён Петрович, нима ўйладингиз, гапирақолинг, — Иван Кузьмич уни гапга солди. Семён Петрович кексаларча салмоқ билан сўзлай бошлади:

— Мана қизиқ. Бутунлай бир бегона юртда бир ўзбек қизи биз билан бирга ўтириби. Ўзбек қизи урушда бўлгани ҳақида ҳозиргира сўзланди. Шунга ажабланиб, замонамизга қойил бўлиб ўтирибман. Мен болалигимдан бери темир йўлда ишлайман. Илгари проводник бўлиб ҳам ишлаганман. Ўзбекистонда бўлғанман. Ўзбек хотин-қизларни руслардан кўркарди. Паранжи ёпиниб, эркаклардан қочишарди. Ўз маҳалласидан бошқани кўрмасди. Эркаклар хотинларини менсимасди. Тўғри эмасми, қизим?

Мастура бу гапларни тасдиқлади. Ўйчан кўзларини бир нуктадан узиб, калта-калта ва аниқ қилиб гапириди:

— Бундай қараганингизда сезилмайди, лекин чукурроқ текшириб кўрсангиз, ақл ҳайрон қоладиган даражада ўзгариш бўлди. Бу гап фақат ўзбекларга хос эмас, мамлакатимиздаги ҳамма ҳалқларга тааллуқи. СССРнинг қайси бурчагига борманг, ўз уйнингиз, ўз кишинингизда. Ётсираш деган гап йўқ. Совет кишиларидаги бу тарбияни тоғдек бриллиант баробарига ҳам сотиб олиб бўлмайди. Бу — кишиларнинг руҳига узвий равишда сингиб кетган. Буни сотиб олиб бўлмагани каби кишилар онгидан қайта-риб чиқариш ҳам мумкин эмас. Шу онгни сингдира билган улуф тарбиячиларимизга раҳмат!

— Қизим, нечага кирдингиз? Сўраганинг айби йўқ, — Семён Петрович ёш суринтириб қолди.

— 1917 йилда туғилганман.

— Э, революция билан бирга туғилган экансиз. Паранжи ёпинман бўлсангиз керак?

— Йўқ, паранжига қарши курашувчиларданмиз, — Mastuра кулиб туриб гапириди. Мен ҳам пайтдан фойдаланмоқчи бўлдим.

— Бизнинг орамизда ётсираётганинг йўқми?

Мастура қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Кулгуси шундай чиройли эдик, қайта-қайта кулса ҳам тўймас эндингиз.

— Беш йил Москвада туриб ётсирамаган, энди ётсираэмидим.

— Москвада ўқиш учун турган бўлсангиз керак?

— Ҳа, ўқидим, Тўқимачилик институтида.

— Битирдингизми?

— 1941 йилда битирдим. Ўзбекистонга жўнаи деб турган вақтимда уруш бошланиб қолди.

— Кетмадингизми?

— Кетдим, Ўзбекистонга эмас. Каерга кетганини сўрамоқчи бўлиб турган эдим, у дикка ўрнидан

туриб қолди. «Нега турдингиз?», деб албатта сўраб бўлмайди. Бунчалик бетамиз эмасман, ахир! У чамадонини олмоқчи бўлди. Мен олиб, бош томонга қўйиб бердим. Юкорида турган кўрпа-ёстигини ҳам паства олиб қўйдим. Ўзим йўлакка чиқдим. Менинг орқадан темир йўлчилар ҳам чиқиши. Астагина хона эшигини ҳам ёпдим. Биз йўлакни бир айлануб келгунча эшик очилиб қолипти. Рухсат сўраб ичкарига кирдим. У гунафша гулли нозик батис кўйлак кийиб, чойшабни томогигача тортиб, «Оғонек» журналини ўқиб ётарди. Иккى ўрим сочи ёстиқдан ошиб ерга тегай деб туриди. Киришим билан кўзим шунга тушди:

— Қаршилик қилмасангиз, сочинизни кўтариб қўйай! — тезгина бориб сочини ушладим. Ҳар бир ўрими боланинг билагидек келади.

— Вой, тушиб кетидими, раҳмат, ўзим оламан, — бошини кўтарди. Сочларини тортиб орқасига ташлади. Бир нарсани эслагандай башарамга тикилиб қаради-ю, кулиб қўяқолди.

— Сочингиз кўп экан, бошга қандай жойлаган эдингиз? — шу баҳона билан яна гапга солмоқчи бўлдим.

— Соч жойлашни урушда ўрганман.

— Урушда бўлғанмисиз? — ҳовлиқиб сўрадим. У нима учундир кизарди. Юзини журнал билан қоплаб олди.

— Ростини айтинг, қайси фронтда бўлғанмисиз? — дея ялиниб сўрадим.

— Бўлган бўлсам нима! — деди журнал тагидан кўзларини мўлтиратиб, — энди ухлайлик-а? — Юзини чирт ўгирди, чойшабни бошига қадар тортиб олди. Қайтиб ҳеч нарса сўрломадим. Юзини очиши журъат қиломадим. Тикка турганимча қотиб қолдим. Шерикларни кириб келиши мени хушёр қилди. Улар ҳам сўзлашмайин ётишга ҳаракат қилишиди. Чироқни учирдим.

\* \* \*

Эрта уйғондим. Бошқалар ухлаб ётгандек туолди. Узоқ китоб ўқиб ётдим. Лекин Mastuра мендан ҳам ётга турган, ювениб келиб нимадир ёзib ўтирган экан. Буни мен паства тушганимдан кейин билдим.

— Яхши ухладингизми?

— Кундагидан ҳам яхши. Ўзингиз-чи? — кўзларимга тикилиб туриб сўзлади. Қаламини дафтарининг ичига солиб, ёстиқнинг устига қўйди.

— Раҳмат, йўл уйқуси-да! «Яхши ухладими» дейсизу, кечаси билан шеър ёзив чиқсанга ўхшайсиз. Дафтари тикиб қолипти.

— Шеър деб ўйладингизми? — кулиб туриб, дафтарини яна қўлига олди, — шеър яхши нарсаку-я, лекин уни ёзишига уқувимиз йўқ.

— Ҳеч ёзганимисиз?

— Ўқувчилик вақтимда бир-икки машқ қилиб кўрганман. У ҳам ён дафтarda қоладиган шеърлар эди.

— Бирор кишини яхши кўриб юрган чоқларингиз бўлса керак!

— Каромат кўрсатмоқчимисиз? — Қаҳ-қаҳлаб кулди.

— Йўқ, бу каромат эмас. Ҳамада ҳам бўлади. Мен ҳам ёзганим. Ҳозир ишлайсизми?

— 1943 йилдан бери ишлайман. Тошкентдаги Тўқимачилик комбинатида.

— Инженер бўлсангиз керак?

— Яна каромат қилдингиз.

— Яна эмас, бу сафар.

— Инженерлар ҳам ёзувчиликарга ўхшаб доим ёзув-чизува қилиб юради. Курортда ҳам тинчмайдилар.

— Уларнинг иши ихтиро билан боғлиқ-да.

— Ҳаммаси ҳам эмас.

— Бу тўғри. Лекин ҳозирги вақтда кўпчилиги.



— Сиз ҳам ихтиро қилмоқчимишиз?

— Бир нарсага уриндим-ку, лекин шеър ёзишдан баттар қийин бўляпти.

— Ердамлашайми? — ҳазиллашдим. Мақсадим: бу билан яқиндан танишиш.

— Мехрибончилигингиз учун ташаккур! — Кўлимга дафтарни тутқазди. Варақлаб-варақлаб ҳеч нарса тушунмадим. Фақат «Гурунч», «Қипиқ» деган сўзларнинг англай олдим. У табассум билан қараб турди. Сўрашга мажбур бўлдим.

— Нима ҳақда? Ўзингиз тушунтирмасангиз, бу дафтарингиз менга гапирмайди.

— Айтишим мумкин. Лекин сиз учун унчалик қизиқ эмас. Тўқимачилар учунгина қизиқ. Шоли тозалағанинг кўрганмисиз?

— Кўргандирман-ку, лекин аҳамият бермаган бўлишим мумкин.

— Шолидан гурунч чиқарилаётганда гурунчнинг устки юпқагина қабатида бир пардаси қолади. Бу ҳам тозаланса, гурунч тамом тайёр бўлган ҳисобланади. Ҳозиргача мана шу қилиқдан фойдаланимайди. Қиқитга чиқиб кетади. Шундан фойдаланиш устида ишлайман.

— Ия, вой, бу қанақа бўлди? — ўзим ҳам бу жувоннинг ишига тушуномай қолдим. — Ўзингиз тўқимачилар соҳасида ишласангиз, нега энди шоли, гурунчлар орасида айланишиб юрасиз? Сиз мени калака қилаётганга ўхшайсиз.

— Нега, калака қилишга нима ҳақим бор! — Қумри сингари кула-лаб кулди. Иккى юзида гулдиргичлари ҳар сафаригидан ҳам чукурлашиб, ҳуснига ҳусн кўшиди, — бу ҳам ўша тўқимачилар ишлари учундай. Чит тўқигандан кейин оҳор берилади. Бунинг учун кўп миқдорда краҳмал керак. Бизда ана шу краҳмал анча мушкул иш, қимматга

тушади. Мен краҳмал ўрнига гурунчдан чиқадиган қилини ишлатмоқчи-ман. Бу ҳам арzon, ҳам бизнинг Республика мизда кўп. Энди тушундингизми?

— Мана бундоқ денг.

— Темир йўлчи шерикларимиз ҳам жон кулоқ билан тинглаб ўтиришган экан. Бу гандан кейин бир-бирла-рига қарашиб қўйиши.

— Демак, ўқини битирибок урушга кетган экансиз-да?

— Ўзингиз ҳам дейман, терговчи бўлғанмисиз? — Аччигланиб сўрадими, десам, йўқ, кулиб айтди.

— Кецирасиз, ўйлчилик, кишиларнинг ҳаёти, иши билан танишидан бошқа қиладиган ишимиз йўқ. Овқат еймизу, сўзлашамиз-да. Бошқа нима ҳам қилардик. Ашула айтбинг, десак биламан, айтмайсиз.

— Мен айтмасам, сиз айтинг, мана булар айтисин!

— Тўхтанг-а, ўзи маълум бўлиб қолди: фақат менга шуни айтинг, қайси фронтда бўлғанмисиз? Кеча ҳам жавоб бермай уйкуни баҳона қилдингиз.

— Кафтиңгизда кўтариб қолма-сангиз деб кўрқяпман, — яна кулгулика олди.

— Кўрқманг, биз бор-ку! — де-ди Иван Кузьмич. Менинг энди тоқатим қолмади. Ўзим йўлаб топа-бошладим.

— Москва учун бўлган жангда иштирик қилдингизми?

— Шундай бўлган эди, — дея қиз ерга қаради. Қовоқларигача қизарди, — у вақтда жангчи қиз — шафқат ҳамшираси эдим, мана энди инженер ва бир боланинг онаси бўлиб қолдим.

— Қўлингизни беринг, сухбати жонон, — сараб ўрнимдан турдим, ҳарбийларча честь бердим. Қўлини қаттиқ қисиб, ўпдим, — эски ошна эканмиз-ку.

Москвага етганимда хайрлашиб туриб, қўлини яна шундай қисдим

# НОН-РИЗҚУ РҮЗИМИЗ

Бошоқлы үсімліклар донини янчыб, қызиган тошга хамир чаплаб ёхуд хамирни құрга күмбіл илк марта нон пиширган қадимғи ажоддларимиз инсоният тарихда буюк тараққиеттің ізага келтирган кашфиёттің яратдилар. Бу кашфиёт инсон ҳәтінинг мазмұннегі айланды, уннинг кундалик истеъмолидегі энг асосий неыматлардан бири бўлиб қолди. Чамаси, инсон нон яралган кундан бошлаб ҳәттінинг таърифлаб бўлмас толли таъмини сезган, ўзлигини ҳам шу кундан бошлаб англаган. Биринчи қўшиқ ҳам нон билан йўғрилиб, нон билан бирга түғилган бўлса ажаб эмас. Зотан, буғдой экиш, ғалла ўриш, хўп ҳайдаш, нон ёпиш, нонни ўзозлаш тўғрисидаги ҳалқ қўшиқлари меҳнат аҳлига ҳамиша ҳамроҳ бўлған. Хирмон янчаётган деҳқоннинг отга мурақкада этиб айтадиган кўпгина ўланидан уннинг фақат ўз шахснингина эмас, бутун эл манфаатини ўйлаб меҳнат қилаётгандиги яққол сезилиб туради.

Ҳа, ноннинг таржимаи ҳоли — инсониятнинг таржимаи ҳоли, қўшиқларнинг таржимаи ҳолидир. Барча ҳалқлар томонидан ноннинг ўзозлашни, уннинг азизлик ва муқаддаслик белгиси сифатида доимо ардоқланиб келинаётгандиги бу нинг тасдиғидир.

Нон ва ғалланинг ҳамиша муқаддас бўлиб келаётгандиги тўғрисидаги бу фикр КПСС Марказий Комитетининг Баш секретари, ССРР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Қўриқ» асаридаги ўзининг ёрқин ифодасини топган:

«Галланг бўлса қўшиқ ҳам оғиздан тушмайди... Одамлар космосга кўтарилиши, дарёлар, денгизлар, океанларни забт этишишоқда, ер қаъридан нефть ва газ қазиб олишишоқда, атом энергиясини жиловладилар, ғалла эса ғаллалигича қолди».

Ҳалқимиз азалдан нонни буюк эътиқод дара жасига кўтарган. Ерда ушоқ кўринса, четга олиб қўйиш, кўлдан тушган бурда нонни қўзга суріб, тавоғ қилиш — сўзимизнинг далили. Кўпгина эзгу одатлар, расм-руслар нонсиз ўтказилмайди. Жумладан, инсон ҳәтида бир марта рўй берадиган никоҳ тўйини олайлик. Никоҳ тўйида нон синдириш маросими ҳам ўтказилади. Бу билан бир томондан, нон улуғланса, иккинчи томондан, никоҳнинг ҳам нондек эзгу муқаддаслиги таъкидланади. Олис сафарга отланган кишига бутун нонни тишлатиб қолдириш, токи у хонадонига қайтиб келгунicha ўша нонни авайлаб-асраб қўйиш ҳам қадимдан келаётган анъана. Бизнинг давримизда эса, Совет Армияси сафига қаҳирилган йигитларни кузатаётгандаридан нон тишлатиб қолдириш урфи кенгроқ тус олган...

Ҳалқимиз турмуши йилдан-йилга, кундан-кунга фаровонлашиб бормоқда. Ҳозиргидай тўқилич замонни, ҳозиргидай тўкин ва маъмур ҳаётни инсоният тарихи умуман кўрмаган бўлса ажаб эмас. Ҳолбуки, бугунги кунда ҳам ер юзидағи 4 миллиарддан ортиқ аҳолининг ярмидан кўпроғи оч ҳамда юпун кун кечирмоқда. Бизнинг болаларимиз баҳраманд бўлган бу гўзал ҳаёт ейрим мамлакатдаги болаларнинг тушларига ҳам кирмайди. Ҳалқимизнинг бунчалик фаровон ҳаёти, шак-шубҳасиз, партия ва ҳукуматимизнинг доно раҳбарлиги ҳамда социалистик тузумнинг афзалиги натижасидир.

Республикамиз пойтахти Тошкент жаҳонга НОН ШАҲРИ сифатида танилган, очарчилик йилларида ҳам нони узилмаган шаҳримиз Тошкентда бугунги кунда ҳам ҳар қадамда нон дўконига дуч келасиз. Дўконларда ноннинг исталган хили мавжуд. Аҳоли дастурхонини хилма-хил ширин нонлар билан тўкин этиш учун шаҳримизда маҳсус Ташкент Нон ишлаб чиқариш бирлашмаси хизмат қиласи. Бирлашма ихтиёрида катта қувватга эга бўлган 5ta нон пишириш корхонаси, 13ta механизмлашган обинон цехи бор. Уларда 2 минг 54 киши кечани кечка, кундузни кундуз демай меҳнат қилиб, эл дастурхонини иссиқ нон билан таъминлайди. Булардан ташқари маҳаллаларда жойлашган тандир нон тайёрловчи 39 ta бригада ҳам эл хизматида.

Ҳалқимиз нонни севиб истеъмол қиласи. Чунчы, 1975 йилги статистика маълумотларига қараганда, ССРБ бўйича бир йилда 20 миллион тонна, шу жумладан, биргина бизнинг республикамиизда 362 минг тоннадан кўпроқ нон ва ун маҳсулотлари тайёрланган. Аксарият шаҳарлардагина дўконлардан нон харид қилинишини, қишлоқларда асосан тандирларда нон ёпилишини ҳисобга олсан, бу рақамларнинг салмоғи яна ҳам ошади. Зеро, ҳозирги пайтада юздан ортиқ булочка хили тайёрланадиган Тошкент булочка-кандитер маҳсулотлари комбинати, кўпгина ошхона ва ресторонларда мавжуд бўлган обинон цехлари маҳсулотларини ҳисобга олмагандан ҳам пойтахтимиздаги нон ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли корхона ва цехлар ҳар куни 360 минг килограмм нон маҳсулотлари чиқарадилар. Агар эҳтиёж сезилса, бирлашманинг корхона ва цехлари 590 минг килограмм нон маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга дид.

Партия ва ҳукуматимизнинг нонни иқтисод қилиш ҳамда истроф этимаслик тўғрисидаги кўрсатмаларига асосан Тошкент нон ишлаб чиқариш бирлашмаси бу соҳада янги-янги тадбирлар кўлламоқда. Масалан, сут заводларида тонна-тонна сут қолдиқлари беҳуда оқизиб юборилади. Нон

ишлаб чиқариш корхоналарида сут қолдигидан фойдаланиш йўллари қидириб топилди. Маълум бўлишича, бир тонна сут қолдигидан 4 килограмм маҳсулот олиш ва уни нонга ишлатиш мумкин экан. Бунда ноннинг сифати ва таъмининг яхшиланишини айтмайсизми! Ҳозир бир кунда 18 тонна сут қолдиги ана шу фойдалари мақсадга ишлатилмоқда. Демак, бир куннинг ўзида 72 килограмм ун иқтисод қилинганди. Бир йилда эса 26 минг килограмм ун тежалади.

Тошкент нон ишлаб чиқариши бирлашмаси колективлари ўтган йилнинг I ва II кварталларида Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида биринчи ўринни эгалладилар, ССРР Озиқ-овқат саноати министрлигининг Кўчма Қизил байробиги олдилар.

Бирлашманинг биринчи ва тўртинчи нон ишлаб чиқариш корхоналарида, айниқса, мусобақа яхши уюштирилди. Мазкур корхоналарнинг ишчилари меҳнатда ҳамиша галибликни кўлдан бермайдилар. Муслим Мусаев, Абдусаттор Салимов, Султонмурод Тўхтамуродов, Самғи Усмонов, Зуҳриддин Эрматов, Ҳайдар Тилавов, Сайдекабар Бадалов ва бошқалар аҳолига кўп ва сифатли нон пиширишида бошқаларга намуна бўлаётирлар.

Обид Қосимов ва Султонмурод Тўхтамуродов бошлиқ бригадалар ҳакида алоҳида сўзлашга тўғри келади. Бешинчи нон ишлаб чиқариш корхонасига қарашли 3-цех комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи О. Қосимовнинг ҳалол меҳнати иккى марта Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган. Уннинг бригадаси бракка мутлақо йўл кўймайди. Бир сменада 3,5 минг кило нон ёпди.

Учинчи нон ишлаб чиқариш корхонасига қарашли 5-цех комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Султонмурод Тўхтамуродовнинг номи ҳам бутун бирлашма коллективлари орасида машҳур. Уннинг бригадаси ўтган йили Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида биринчи ўринни эгаллаб, ВЛКСМ Марказий Комитетининг Кўчма Қизил байробиги кўлга киритди, Узбекистон комсомоли Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиги билан мукофотланди.


С. Тўхтамуродов ва О. Қосимов сингари илгорлар бирлашмада анчагина. Улар ўзларининг устозлари анъанасини давом эттироқдадар.

Лекин нон ишлаб чиқариш корхоналари ва цехларининг ҳаммасини ҳам аъло даражада ишлайти, дёёлмайдиз. Аслида нон ишлаб чиқариш корхоналарида фақатгина 0,1 процента гирифатида маҳсулотга руҳсат этилади. Бироқ айрим нон дўконлари бўйича текшириб олиб борганимизда анчагина бракка йўл қўйилётгандиги сезилиб қолди. Тўғри, брак нонлар истроф қилинмайди. Дўконларда сотилмай қолган нонларга қўшиб, корхонага қайтириб олиб кетилади. Улардан нон корхоналарининг маҳсус цехларида сухари нонлар, ошхона ва ресторонларда котлетлар тайёрлаш учун нон талқонлари за бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқилади. Аммо бу билан айрим корхоналар томонидан хом-хатала ёхуд ярми кўйган нонлар дўконларга чиқарилётгандигини оқлаб бўлмайди. Элимизга сифатли, чирайли, ширин нонлар етказиб берайлик. Бу сизларга боғлиқ, азиз нон таъминотчилар!

Эргаш МУҲАМЕДОВ

Тайёр бўлган маҳсулот пешма-пеш дўконларга жўнатилади. Мана, 3-нон ишлаб чиқариш корхонасигининг илгор ишчиси Тоҳир Шерматов нонларни автомашинага юкламоқда.

Обинон цехи бригадасининг бошлиғи, социалистик мусобақа галиби Тўхтамурод Султонмурод ҳозиргина ўзилган нонларнинг сифатини кўздан кечираётir.



# ЧҮЛ ИШКИ

Улуғ Лениннинг назар-эътиборига тушган қадимий Мирзачўл даштини ялпи ўзлаштириш бошланганига 25 йилдан ошиди. Республикамиз дехқонлари, айникса, Сирдарё ва Жиззах областларининг меҳнаткашлари чўл ўзлаштиришдек олижаноб ишга киришилган куннинг чорак асрлик тўйини муносиб нишонладилар.

Чорак аср!.. Тарих учун бу — жуда қисса муддат. Бироқ ана шу муддат давомида алоҳида таъкидлашга арзирли тарихий ишлар юз берди. Гулистон, Янгиер, Ульянов, Ширин, Гагарин, Бўстон, Пахтакор, Дўстлик шаҳарлари, қатор районлар, совхозлар, муҳташам саройлар, жамоат ва маданият муассасалари — азалий саҳронинг бугунги жамолини ана шуларсиз тасаввур этолмайсиз. Тасаввур этинг: қадими эртакдаги Аловиддиннинг сеҳрли чироғи билан ҳар куни биттадан кўргон қуриб шунчалик улуғвор ишларни бажариб бўлармиди? Йўқ, бўлмасди. Демак,



«Галаба» совхозининг юксалишида унинг директори, моҳир ташкилотчи Нормурод Холмуродов нинг хизмати катта.

давримизнинг шиддати, ҳалқимизнинг ватанпарварлик хислати ва меҳнатдаги ғайрати эртаклардаги юксак фантазияларни ҳам ортда қолдириб кетибди.

Зарбдор — чўлда ташкил этилган энг кенжага районлардан. Шу райондаги З-сонли «Галаба» совхози — энг кейин тузилган хўжаликлардан бири. Совхозга «Галаба» деб ном берилишининг ўзиға хос маъноси бор: бу сўз Мирзачўлни ўзлаштириш зафар билан якунланаётгандигини билдиради.

Совхоз меҳнаткашларининг бугунги кундаги ишларини чиндан ҳам голиблар меҳнатига қиёсласа бўлади. Чўлқуварлар бу йил давлатга 500 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» топширилдилар. Пахтадан бошқа экинлардан ҳам мўл ҳосил этиштирилди. Масалан, 530 гектар майдондаги маккажўхорининг ҳар гектаридан 40 центнердан дон олинди. Пилла этиштириш плани 400 процентдан ошириб бажарили, яъни давлатга 500 килограмм ўрнига 2 минг 17 килограмм пилла топширилди. Полиз экинлари ҳамда картошка-сабзавот этиштириш бўйича ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди.

Шуниси диққатга сазоворки, «Галаба» совхозида қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил этиштириш, хўжаликни комплекс ривожлантириш


ишлари қурилиш-ободончилик тадбирлари билан уйун равиша олиб борилмоқда. Айни пайтда совхозда қорамочилик, чўчқачилик фермалари ишлаб турибди. Паррандачилик фермасида 15 мингта товук, 10 мингта ўрдақ боқиляпти.

Совхознинг марказий посёлкаси кундан-кунга ободонлашиб, кўркамлашиб бораётир. Ҳозир хўжаликдаги 156 хонадон янги уйларда истиқомат қиляпти. Йил охиригача яна 5000 квадрат метрли саҳнга эга бўлган уй-жой фойдаланишга топширилади. Демак, янги йил кунларида совхознинг яна ўнлаб хонадонларида ҳовли тўйлари бўлиб ўтади.

«Галаба» совхозида бу йил ўн беш гектарлик истироҳат боғи ташкил этилди. Богда 51 минг туп хилма-хил кўчат барқ уриб ўсмоқда. Истироҳат боғи ичидағи меҳмонхона ва қариялар чойхонаси мунтазам ишлаб турибди.

«Галаба» совхозида бўлганимизда, дехқонлар билан учрашдик. Пахтазор айландик. Дехқончилик қилинадиган майдонларнинг ниҳоятда шўрхон ерлар эканлигини кўрдик.

— Шунчалик шўрхок ерлардан қандай қилиб мўл ҳосил этиштиряпсизлар?



Бу йил маккажўхоридан мўл ҳосил этиштирилди. Ерибек Жўрабеков бошлиқ маккажўхоринорлик бригадаси аъзолари давлатга ҳар гентар ердан 80 центнердан дон топширилдилар.

Бу саволимизга совхоз директори Нормурод Холмуродов қўйидагича жавоб берди:

— Ростини айтсан, эрта кўкламда чигит экаётган пайтимизда битта ҳимла ишлатдик — ерни алдадик. Алдадик дейишиминг боиси бундай: қиши ойларида ерга яхоб суви берилганда, тузлар камида 15—20 сантиметр пастга тушиб кетади. Уша тузлар апрель, май ойларида яна юқорига кўтарилади. Буни пахтачилик билан шуғулланадиган олимларимиз аниқлашган. Шунинг учун тузлар сиртга тепмасдан аввал — март ойи ичидаёқ чигитларни экиб олдик. Чигит униб, озигина томир отгандан кейин эса, тузлар ниҳолга қаттиқ таъсир қдоломайди... Вақт ўтиши билан ерларнинг шўри камаяверади. Бу ишда ер ости дренажлари бизга ёрдам беради... Бу йил Нурқул Худойназаров, Курбон Раҳматов, Аҳмаджон Йўлдошев бошлиқ бўлимларда, Зулайҳо Сатторова, Эгам Мисиров, Гулсара Қаюмова, Намоз Сафаров, Омон Бектошев бошлиқ бригадаларда ҳосил яхши бўлди. Умуман олганда, совхозимиз меҳнаткашлари — қалби чўл ишни билан ёнган кишилар!

Совхоз директори жуда тўғри айтди. Чўлга меҳр қўймаган одам чўлқувар бўлолмайди. Янги ташкил этилган хўжаликда қисса бир муддат ичидаги қилинган ишлар, амалга оширилган тадбирлар бу сўзларнинг ҳаққонийлигини аниқравшан кўрсатади.

Х. ОҚИЛОВ



Узбекистон Компартиясининг XX съезди делегати, «Галаба» совхозининг бригада бошлиғи, механизатор Зулайҳо Сатторова ҳам ўз агрегати билан Ватанимиз хирмонига муносиб ҳисса қўшиди.



Совхознинг донгдор бригада бошлиғи Файбулла Сарiev бу йил янги ўзлаштирилган ернинг ҳар гентаридан 30 центнердан ҳосил кўтарди.




Паррандачилик — совхознинг янги тармоғи. Паррандачилик фермасининг ишчиси Дијором Курбонова — ўз насбининг жоннуари.

Ж. ТУРАЕВ фотолари

ЗАМОНДОШЛАРИМIZ

Жиззах области

# ЗЕБУНИСО



ШЕЪРИЙ ДРАМАДАН ПАРЧА

Шоҳнинг жуда гўзал хос ҳонаси.  
Аврангзеб билан Амирхон сўхбатлашиб ўтирибди.  
Амирхон кумуш барқашда турган майдан олтин  
қадаҳларга қўйиб, бирини шоҳга узатади, бирини  
ўзи олади, индамай ичадилар.

**Аврангзеб**  
Не хабарлар тарқалмоқда ҳалқда фармон ҳақида?  
**Амирхон**  
Аҳли ислом жуда курсанд, исёнкорлар норози.  
**Аврангзеб**  
Бу табиий, ҳудди шундай бўлишини билардим.  
**Амирхон**  
Баъзи ерда яна исён юз бермоқда.  
**Аврангзеб**  
Бостирилсин, тугатилсин!  
**Амирхон**

Худди шундай қилинди.  
(Канизак кириб таъзим қилади).

**Канизак**  
Зебунисо бегим келди, рухсат сўрар киришга.  
**Аврангзеб**  
Майли, кирсин, сиз, Амирхон, чиқиб туринг, сўхбатни  
Кейин давом этдирумиз.

**Амирхон**

Хўп бўлади, шаҳаншоҳ.  
(Амирхон, канизак шоҳга таъзим қилиб, чиқиб  
кетишади. Бир оздан сўнг, Зебунисо кириб,  
отасига таъзим қилади.)

**Зебунисо**

Салом, шоҳим.  
**Аврангзеб**  
Салом, бекам, омонмисан, соғмисан?..  
Йўқламасам ҳузуримга ўзинг келай демайсан,  
Нима, мендан хафамисен? Гинанг борми?

**Зебунисо**

Сизнинг жуда ишингиз кўп... Вақтингиз зик...  
**Аврангзеб**

Бекам, ҳар чоқ вақт топурмен... Сени бир кун кўрмасам,  
Софинамен.

**Зебунисо**

Миннатдормен.  
**Аврангзеб**  
Ишон қизим, сўзим чин!

Ҳа, у куни сени ноҳақ ҳафа қилдим...

**Зебунисо**

Зарарсиз,

Аллақачон унугтганмен...

**Аврангзеб**

Ҳа, ҳайрият... ҳайрият...  
Мен ёлғизмен... Мен гарбилен, тахт соҳиби бўлсам ҳам...  
Шаҳзодалар мендан узоқ... Улар мени севмайди.  
Пайти келса тоҷу таҳтни мендан тортиб олишдин  
Тоймайдилар... Улар рози эмас менинг ишимдин.

**Зебунисо**

Ким ҳам рози бўлар эди...

**Аврангзеб**

Улар нонкўр! Бағри тош!  
**Зебунисо**

Қуш инида кўрганини чўқир эмиш...

**Аврангзеб**

Маликам,  
Сен ҳам менга қаршимисан? Мехринг йўқми отангга?

**Зебунисо**

Наҳотки, сиз ўзингизни бегуноҳ деб ўйлайсиз?!

Истамайсиз айбингизни бўйнингизга олишни!

**Аврангзеб**

(Газабли.)

Йўқ! Бўйнимга оладиган гуноҳим йўқ, айбим йўқ!

Айбим фақат оқибатсиз фарзандларни дунёга

Келтиришим, меҳр билан ўстиришим, боқишим!

Узбекистон ССР ҳалқ шоири Уйғун Зебунисо ҳақида шеърий драма ёзи. Асарда шоира яшаган давр зиддиятлари очиб ташланади, унинг Розига бўлган муҳаббати, адолат ва ҳақиқат учун курашлари тараннум этилади.

**Зебунисо**  
(Куйиниб.)

Доро, Шужоъ — иккиси ҳам бир отадан туғилган,  
Ўз оғангиз, жигарингиз эди бирга улғайган,  
Иккавини ўлдирдингиз, таҳтни эгаллаш учун!  
Бундин оғир, бундин мудхиш, бундин қабиқ жиноят  
Бўладими, қиблагоҳим?! Бу гуноҳни тангримиз  
У дунёю бу дунёда кечирмайди! (Йиғлаб.) Ё раббий!

**Аврангзеб**

(Қовогини солиб, ерга қараб.)  
Мен уларни ўлдирмасам улар мени ўлдириб  
Тоҷу таҳтни эгалларди... Салтанатнинг қонуни  
Шундай, қизим...

**Зебунисо**

(Инглашда давом этиб.)

Бобомни ҳам банди зиндан қилдингиз!  
Шоҳ Жаҳонни тириклайн гўрга тиқиб қўйдингиз!

**Аврангзеб**

Қилмишига яраша...

**Зебунисо**

Оҳ, ахир қиблагоҳингиз,  
Ўз отангиз эди-ку у! О, тангрининг қаҳридим  
Қўрқмадингизми, отажон!

**Аврангзеб**

Тангри мени кечирар...

**Зебунисо**

Йўқ, йўқ, аспо кечирмайди! Падаркуши кечирмас!

**Аврангзеб**

(Газабли.)

Үйлаб гапир! Муҳаббатим айланмасин ғазабга!

**Зебунисо**

Аминманки, муҳаббатнинг учқуни ҳам йўқ сизда!  
Қалбингизда қаҳру ғазаб, шафқатсизлик ётибди!

Оға-ини, отангиз ҳам сиздан шафқат кўрмади.

**Аврангзеб**

Чунки, отам мени ҳўрлаб, севар эди Дорони.  
Таҳт вориси қилиб уни тайинлаган аввалдин.

**Зебунисо**

Доро тўнғич ўғил эди!

**Аврангзеб**

Латта эди! Бўш эди!

Тоҷу таҳтни эплаёлмас эди Доро... Отамиз  
Атайнинлаб мени ҳайдаб уни бошга кўтарди!

**Зебунисо**

Сиз Шужоъни ишга солиб аввал Доро шўрликни  
Ўлдирдингиз... Сўнг Шужонинг ўзини ҳам ўлдириб  
Йўл очдингиз ўзингизга, таҳтни эгалладингиз!

О, ҳиёнат қаҷонгача ҳоким бўлур дунёда!

**Аврангзеб**

(Даргазаб.)

Оғзингни юм! Ҳақоратнинг чегараси бўлади!

**Зебунисо**

Мен рост гапни айтдим, холос.

**Аврангзеб**

Гапларингда заҳар бор!

**Зебунисо**

Ҳа, бу заҳар юрагимни кўпдин бери қон қилган.  
Хиёнатлар, фокиалар менга тинчлик бермайди

Шунча қилган гуноҳингиз етмагандек амаким,

Олийжаноб Муродни ҳам банди зиндан қилибсиз!

**Аврангзеб**

Чунки унинг ниятлари бузук, менинг тагимга

Сув қўймоқчи!.. Ишларимга сад бўлмоқда у бебош!

Мен ғазавот бошлаганмен дини ислом йўлида!

У беақл ён босмоқда кофирларга!

**Зебунисо**

Менимчав,

Амакимнинг фикрлари жуда тўғри! Амаким:

«Хароб бўлган шахру қишлоқ, ҳалок бўлган элу юрт

Ярасига малҳам тилар», дейдил!..

**Аврангзеб**

Мени гафлатда

Қолдирмоқчи! Мамлакатда ҳали душман бор экан,

Қиличларни қинга солмоқ ҳато! Гуноҳ!.. У маккор

Энди унинг ўрни — зиндан! Ақли кирад зинданда!

### Зебуннисо

Қиблагоҳим, амакимни озод қилинг зиндондин!  
Бир отадин, бир онадин бўлган ёғиз инингиз!  
Шаҳзодага жавоб беринг, тарк айласин саройни!

### Аврангзеб

Жуда хавфли бўлур йўлбарс бўшатилса қафасдин.  
Агар унга рухсат берсан, дарҳол ёвга қўшилиб,  
Менга қарши уруш бошлар, ҳиндлар шуни кутмоқда.

### Зебуннисо

Ҳиндлар жангни тўхтатмайди ҳали-бери усиз ҳам.  
Янги фармон сабаб бўлиб, ҳиндлар жуда ғазабнок.  
Мактаблари ёндирилса, эхромлари бузилса,  
Бу ҳўрликка қандай қилиб чидай олур шўрликлар!  
Ахир, улар ҳам инсон-ку! Бандаси-ку тантрининг!  
Нега улар ўз юртида бўлар экан хору зор?!  
Бу юртда биз озчиликмиз, улар эса кўччилик.  
Ҳиндистоннинг туб ҳалқи ҳам биз эмасмиз, ўшалар.  
Минг йиллардан бери улар озод яшаб ўрганган!  
Улар зинҳор истамайди объекти бўлишни!

### Аврангзеб

Маълум бўлди, ҳиндлар сенга қаттиқ таъсир кўрсатмиш!  
Зебуннисо

Ҳаққоният ва адолат менга таъсир кўрсатган.

### Аврангзеб

Агар сенинг заковатинг, истеъдодинг бўлмаса,  
Зебуннисо номи билан элда машҳур бўлмасанг,  
Агар сени, эрка қизим, жондин ортиқ севмасам,  
Банди замон қилур эдим ёмон сўзларинг учун!  
Сенга бўлган муҳаббатим ғазабимга қалқондир!  
Байтингни ёз! Сиёсатга аралашма! Сиёсат  
Виждонингдин айриди, чиқаради динингдин!  
Етар менинг сиёсатнинг гирдобига тушганим!  
Сен ҳоли бўл! Сен омон бўл сиёсатнинг зарбидин!

### Зебуннисо

Даҳшатларни, ваҳшатларни кўратуриб жим қолиш  
Мумкин эмас! Жим қолишига виждан асло йўл қўймас!

Нима учун фарангларга поин-патақ бўласиз?

Бомбей пешкаш қилинибди қиролича хонимга!

Ахир бу иш бориб турган шармандалик эмасми?

### Аврангзеб

Дўстлик рамзи сифатида бу иш лозим топилди.

### Зебуннисо

«Ишонмагил дўстингга, сомон тиқар пўстингга!»

### Аврангзеб

Ҳа, майли, кел, бошқа гапдин гаплашайлик, сиёсат

Жонга тегди... Сени бунда чақиришдин мақсадим



Билмоқчимен, ахир қачон оиласлик бўласан?  
Набиралар кўрмоқчимен, тугамасин наслимиз...

Эшинг анча жойга бориб қолди ахир, ўлагил.

Зебуннисо

Бу борада ихтиёрни қўйиб беринг ўзимга...

### Аврангзеб

Қанча одам оғиз солди, ҳаммасига йўқ дединг.

Энди етар нозу фироқ!.. Хўш, Амирхон ёмоними?

Сенга унинг ишқи тушиши...

### Зебуннисо

Эшшакда ишқ не қилсин?

### Аврангзеб

Ундей дема, у — ақллик, у — тадбиркор... ўиг қўлим.

### Зебуннисо

У маккорнинг кўнгли қора, фикри бузук, кўли қон!

### Аврангзеб

Үйлаб гапир! У энг содик, лаёқатлик вазирим.

### Зебуннисо

Қиблагоҳим, менга битта ота етиб ортади!

Иккинчиси даркор эмас!

### Аврангзеб

(Кулиб.)

У ҳали ёш... хийла ёш.

### Зебуннисо

(Ёлвориб.)

Хоҳишимга қўйиб беринг, қиблагоҳим, ҳазратим.

### Аврангзеб

(Газабланиб.)

Хоҳишингга қўйиб берсан нималарни қилмайсен!

Ҳа, биламен, танлаганинг шоир Розий!

### Зебуннисо

(Хаяжонда.)

### Отажон!

### Аврангзеб

Унумта, сен шоҳ қизисен, не ишинг бор гадода?!

### Зебуннисо

(Дадил.)

Уша гадо менинг учун шаҳзодадин афзалроқ!

### Аврангзеб

Ношукурлик қилма, қизим! Бўйсун менинг амримга!

### Зебуннисо

Шоҳим, фақат бўйсунамен юрагимнинг амрига!

### Аврангзеб

Йўл қўймас бу разолатга сенинг олий насабинг!

### Зебуннисо

Халал берса агар менинг муҳаббатим, баҳтимга,



Расмини А. ХОЛИҚОВ чизгани.

Насабимдин, мартабамдин кечишига ҳам тайёрмен!

Аврангзеб

Умидингни уз Розийдин!

Зебуннисо

Үндін ўлым осонроқ.

Аврангзеб

(Бақырыб.)

Мен Розийни қатл этурмен!

Зебуннисо

Мен ҳам шу он ўзимни

Үлдирурмен... Яшашимнинг қизиги йўқ Розийсиз.

Аврангзеб

Э, худойим! Одам деган шунча ўжар бўлурми?

Демак, аҳдинг қатъий!

Зебуннисо

Қатъий!

Аврангзеб

(Ўйланиб.)

Майли, яна ўйлаб кўр...

Зебуннисо

Ўйлаганмен! Аҳдим қатъий!.. Ҳа, ё Розий ё ўлим!

Аврангзеб

(Кўрқиб.)

Асабингни бузма, қизим... Майли, ўйлаб кўрумиз...

Зебуннисо

Рұксат беринг, борай.

Аврангзеб

Майли... Мени ёлғиз қолдирма!

Тез-тез хабар олиб турғил, бекам, ғарип отандин.  
(Зебуннисо таъзим билан чиқиб кетади. Кўп ўтмай Амирхон киради.)

Амирхон

Мумкинми?

Аврангзеб

Ҳа... Эшитдингми?

Амирхон

Ҳамма гапни эшитдим.

Маслаҳатим: парво қилманг ўжар қизинг нозига.  
Сизни қўрқитмоқчи бўлиб шундай қатъий...

Аврангзеб

Йўқ, қизимнинг феъли менга жуда аён... Қарори,  
Аҳди қатъий, ўлса ўлар, аммо, қайтмас аҳдидин...

Ҳа, мен унинг хоҳишини бажаришга мажбурмен...

Ҳа, у менинг нури дийдам, жигарбандим, оқилам,  
Шуҳратимга шуҳрат қўшган шоири замона!

Истамаймен унинг ҳалок бўлишини ҳеч қачон.

Амирхон

Ахир, гадо қандай қилиб шоҳга куёв бўлади?

## ҚАЛБДАГИ АЛАНГА

Большевик районидаги Карл Маркс номли колхознинг  
бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони  
Ҳамро Эргашев ҳикоя қиласи

ди. Жароҳатимни боғлаб, чанага  
ортиши...

Қўзимни очсан палатада ётиб-  
ман. Ҳамма ёғим дона билан чир-  
маб ташланган. Врачлар яралан-  
ган обғимни кесиш шартлигини,  
акс ҳолда ҳалок бўлишим мум-  
кинлигини айтишибди, кўнмадим.  
Шунча ўлимларни доғда қолдир-  
ган вужудим энди ўлима бўйсун-  
маслигига ишонардим. Бир неча  
ойдан кейин оёнга турдим. Галаба  
қувончлари, ҳаётга муҳаббат мен-  
га қувват ва янги орзу-умидлар  
бахш этганди.

Софайгач қишлоғим Зорманга  
қайтдим. Ҳамқишлоғим Салим бо-  
бо мени вокзалда кўриб, анграйиб  
қолди:

— Ҳамромисан-а?

— Ҳа, ҳа...

У мени маҳкам қулоқлади. Кип-  
ринкларида ёш қалқиди.

— Тирик экансан-да?

Қўнглим ўқисиб ерга қарадим...

Уруш фронт орқасидаги ҳаёт-  
мизга ҳам чуқур рахна солган  
эди. Кишилар оч-юпун. Ҳамма  
ташвиш аёллар, қария ва ўсмири-  
лар зиммасида эди. Оиламизниң  
тақдирни эса яна ҳам аянчли эди.  
Муштипар онам айрилиқ дардига  
дош беролмай, ҳаётдан кўз юми-  
ди. Қайлигим мен ҳақимда қора-  
хат олгач, турмушга чиқиби.

Агарда у куёв бўлса, олий насаб аъёнлар,  
Зодагонлар, таниш-билиш, қариндошлар, элу юрт  
Орасида доф тушмаган шаъннингизга доф тушур!  
Унда азиз бошингизга таша тоши ёғилур.

Яна ифво қўзғашади сизга қарши душманлар!

Аврангзеб

Ҳа, баҳона топиларди менинг рақибларимга...

Амирхон

Шоҳ қонига аралашса гадо қони, шубҳасиз,

Путур етган бўлур эди шаҳзодалар зотига!

Аврангзеб

Сен ўзингни ўйламоқда бўлсанг керак...

Амирхон

Ҳазратим,

Гап мендамас, ҳоҳламаса, майли менга тегмасин,

Аммо, уни ўз тенгига бермоқ керак, шаҳаншоҳ.

Аврангзеб

Йўқ, йўқ, асло мумкин эмас у гадони қатл этмоқ,

Унинг қатли сабаб бўлур ўлимига қизимнинг...

Амирхон

Унда бўлса, бошқа йўл берор...

Аврангзеб

Қанақа йўл?

Амирхон

Розийни

Жангга йўлланг, шояд бирор дайди ўқка учсао,

Сизни ташвиш, маломатдин тамом қутқарив кетсан...

Аврангзеб

Дайди ўқка учмаса-чи?

Амирхон

Бошқа ўқка учеди...

Бүёғини менга қўйиб бераверинг, ҳазратим.

Аврангзеб

(Ўйланиб.)

Қандай бўлар экан?..

Амирхон

Жангда ҳалок бўлиш табиий.

Ҳа, урушда шаҳид бўлмоқ кўпчиликка келган тўй.

Унда, бекам, кўп қатори тақдирига тан берив,

Мусибатга кўнікарди, азобларга чидарди...

Аста-секин, вақти билан унутарди дардини.

Ҳа, Розийни иззат-икром билан жангга йўлласак,

Хеч ким биздин шубҳа қилиб юрмас эди бу ишда...

Аврангзеб

(Ўйланиб.)

Қани, уни ҷақиритиринг, бир гаплашиб қўрайлик.

(Амирхон таъзим билан чиқиб кетади.)

Парда.

нига созовор бўлдим. Юнсан му-  
нофот бизни яна матта ғалабалар-  
га руҳлантириди. Гентаридан 54—  
55 центнергача етказиб хирмон  
ўйдин.

Аммо уруш жароҳатлари менга  
ҳануз азоб берарди. Аввалгидек  
бутин вужудин билан берилб  
ишилмасдим. Аҳволими раиси-  
миз Ҷониқул Юсуповга ётниги би-  
лан тушунтиридим.

Колхоз жамоатчилиги ташкило-  
ти мени эъзозлаб пенсияга чиқа-  
риши. Аммо уйда икни кун ўти-  
ргач, алланчук бўлавердим. Йўғи  
ҳаётда ортиқча нишидекман. Энди  
жамиятга фойдам тегмаётганидан  
ўкинардим. Кетмонни елкалаб, да-  
лага чиндим. Янги бригадирга  
сувчи бўлиш ниятини айтдим.  
Бу хабарни эшитган раисимиз:

— Уста пахтанорларимиз кўп,  
Ҳамро ана. Мана, шогирдларингиз  
Бойтўра Кўмаков, Мели Кўчкоров-  
лар пахта ҳосилдорлигини 60  
центнерга етказилар. Аммо боя-  
ларимиз қаровсиз. Маслаҳатлари-  
нинг билан бояларимизга кў-  
маклашсангиз,— деди.

Шундай қилиб, 60 гентарлик  
боқса қарай бошладим. Боянинг  
ташвишлари ҳам оз эмас эди.  
Колективимиз аҳил ва меҳнат-  
каш. Бу йил мева жуда ҳам мўл  
бўлди. Давлататга 50 тоннадан кўп-  
роқ ноз-неъмат етказиб бердин.  
Софлик бўлса бундан кейин ҳам  
Ватаним ва халимга хизмат қи-  
лиши муқаддас бурчим деб била-  
ман. Бахтим, ҳаётимнинг мазмуни  
ана шунда!

Нурсат РАҲМАТОВ  
ёзиг одди  
Самарқанд облости

# ЗАФАР БЕКАТЛАРИ

Маматмурод бобо ўзини йўқлаб келган момо — Улдоной Хидировани дарҳол таниди.

— Пенсияга чиқмоқчи эдим,— деди момо салом-аликдан кейин.— Район социал-таъминот бўлими ҳужжат сўраялти. Бориб ўзингиз гуваҳликка ўтсангиз.

Маматмурод Хўжамқулов меҳмонни маҳтал қиласмаслик учун Социалистик Мехнат Қаҳрамони Олтин юлдузи тақилган камзулини кийди. Машинада район марказига йўл олдилар...

— Бу аёл менинг бригадамда йигирма икки йил ишлаган,— деда Маматмурод бобо социал-таъминот бўлими ходимига оҳиста тушунира бошлади.— Ўша йиллари қозоз тўлдириш хаёлга келибдими. Ҳатто рўзгори, бола-чақасига қаравшга фурсат топмай, бўз кўйлаганинг устидан комбинзон кийиб ишлаган бу аёллар.

— Тракторчими билар?— деб сўради социал-таъминот ходими.

— Тракторчилик қаерда? Каноп жут ҳосилини комбинзон киймаса йигиштириб бўлмасди да,— деди отаҳон салмоқлаб.— Эллик учинчи иили энг катта мукофотни бригадамида шу опа олган эди.

— Қандай мукофот эди?

— Купайка...

— Фуфайка!— деб сўради кулиб социал-таъминот ходими.

— Кулма, болам. Ўша йиллари бутун оғирлар бизларнинг зиммамизда эди. Ҳамма ишни қўлда бажарардик. Энди эса қариб-қартайиб қолдик... Мана бу момонгнини иши ни тезроқ ҳал қилиб бер. Ҳамасига ўзим гуваҳман,— деди Маматмурод бобо.

Социал таъминот ходими қандайдир қозозларни тўлдирди да, отага имзо чектириди...

Маматмурод бобо йўлда беихтиёр хаёлга чўмди. Қадрдан хўжалиги «Комсомол 30 йиллиги» совхози тарихи унинг кўз ўнгидан ўта бошлади:

...Халқ Комиссарлари Советининг қарори билан 1927 йил ноябрь ойинда «Қумқўргон-13» совхози ташкил этилди. Бу облостда учинчи давлат хўжалиги эди. Совхоз маркази — Қумқўргон қишлоғи. Территорияси 6000 гектар эди. Идора одмигина ўтов уйга жойлаши. 10 жуфт хўкиз ва шунга яраша омоқ-бўйнитуруқ бор эди. Дастреб 50 нафар одам аззо бўлиб кирди. Қисқаси, бир хўжалик учун асосий нарса бордек эди. Лекин ҳали сув йўқ эди.

Совхоз ишчилари ишни канал қазишдан бошладилар. Кубанлик ишчи, ирригатор Алексей Романов Қумқўргон каналини бир йилда қазиб тугатиш шиорини ўртага ташлали. Совхозга биринчилар қаторида

ёзилган Муҳаммади Ботиров Романов билан бир сафда турди. Улар ҳаммани сув учун курашга даъват этдилар. Белгиланган муддатда каналга сув оқизилди. Совхозда дастлаб ғалла, 1931 йилдан эса пахта етишира бошланди.

Уруш йилларини Маматмурод бо бо ҳаяжонланмасдан эслай олмайди. Совхоз ўша йиллари ҳувиллаб қолгандек эди. Иш асосан аёллар ва болалар зиммасида эди. Техника, сув танқис, мамлакатга эса пахта керак. Қирқ биринчи иили Маматмурод бригадаси 48 гектарга чигит экди. Техника ҳали кучиз, ишчи кучи из эди. Бибисора Ҳудойшукурова, Улдоной Хидирова бошлиқ зенонарнинг аёллари кундузи пахта терар, кечалари эса қанор тикиб, пахтан жойлар эдилар.

Уруш тугаб, ҳёт аввалги ўзанига кира бошлади. Яна тўй-томошалар ўтказиладиган, байрамлар нишоналадиган бўлди. Уларнинг совхози шонли Ленин комсомолининг 30 йиллик юбилейи муносабати билан «Комсомол 30 йиллиги» номи билан атальди. Совхоз 1952 иили гектарига 1 минг 600 центнердан жут ҳосили кўтарди. Бу рекорд кўрсаткич эди. Ўша иили совхоздан бирданига беш киши Социалистик Мехнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди. Улар орасида бригадир Маматмурод Хўжамқулов ҳам бор эди. У бошлиқ бригадада йигирмадан зинёроқ ишчи ишларди. Шулардан уч нафари Ленин ордени, икки киши Мехнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди...

Ҳозиргилар ҳам бўш келишавётгани йўқ,— деди биз билан сұхбатда Маматмурод отанинг ўғли, совхоз партия комитетининг секретари Файзулла Маматмуродов.— Эллик ичидан совхозимиз ишчилари пахта ҳосилдорлигини гектарига эллик центнерга, ғаллани эллик саккиз центнерга етказдилар. Моҳир дехқонларимиз кўп: Эрали Турсунов, Шердан Мадартов, Усмон Қодиров, Мусурмон Раҳимов, Эргаш Каҳҳоров... Шу топда бир тажриба тарихи эсмiga тушди. Бундан салкам йигирма йил аввал совхозимизга ёш мутахассис Нуриддин Раҳмонқулов ишга келди. Олий маълумотли агроном, совхоздан чиқсан маҳаллий кадр ўзи. Ишchan, сергайрат, фаросатли, билимдон йигит. Энг муҳими, масъулиятни вижданон ҳис этади. У ўз фаолиятини 1963 йили тадбиркор дехқон Абдусалом Раҳмонов бошқарувчилик қиласётган бўлнимда ёрдамчи агрономликдан бошлади. Уддабуронлиги билан тезда эътибор қонди. Орадан уч йил ўтгач совхоз-

нинг бош агрономлиги вазифасига кўтарилиди.

Ўша йиллари гўзани бегона ўтдан тозалаш — культивация, суфориш тадбирларидан кўра ҳам муҳим саналарди. Чунки пайкалларни бегона ўт босиб кетарди. Бош агроном бир масалани директорга кўндаланг кўйди: «Кўп йиллик бегона ўтга қарши каторонин кўллаш керак», деди.

Тажриба учун Йўлдош Ҳуррамов бошлиқ бригада даласи танланди. Чигит экишдан олдин қаҳрабо кислотаси билан ишланди. Ўша пайкала уруғ бир текис униб чиқди, бегона ўт унмади. Дехқонлар гўза парваришида иккита майда чопиқдан қутулдилар. Натижада юз минг 722 гектар суфориладиган ер қисқари кетди.

Ҳа, совхоз учун унинг ўрнини тўлдириш зарур эди. Бирдан-бир йўл — ер очиш керак эди. 1965 йилнинг 1 январидан Оқжар массивига — кўриқча ҳужум бошланди. Ишбошилар: Бойбўри ага — турроқ ишлари бажариши отрядининг бошлиги Алексей Романов — бош ирригатор Улар ярим кун 22 километрлик канал қурилишида бўлса, қолган вакътекисланётган қўриқда бўлар эдилар. 450 гектар ерни экиш даврига ча тайёрлаш шарт эди.

Ҳаракат зое кетмади. Канал муддатида қазиб бўлинди. Оқжарга учте кўтарма насос билан сув чиқарилди. Массивга чигит юкланган тележкалар қатнай бошлади. Ниҳоят, 1976 йилга келиб Бандиҳон массивида янги «Пахтакор» совхози бунёд этилди. Бу хўжаликнинг илк чўлқуварлари ҳам «Комсомол 30 йиллиги» совхозидан келган эдилар. Бандиҳонда пахта етишириш ўн иккни йил ичида 100 барабар кўпайди. Чакки ўсшиб эмас бу! Бу юксалишни шарҳловчилар, албетта, «Комсомол 30 йиллиги» совхози азаматларининг Бандиҳонга кўйган биринчи қадамларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга оладилар.

Ҳа, «Комсомол 30 йиллиги» совхози муттасил юксалиб бормоқда. Бугун хўжалик байроғида Мехнат Қизил Байроқ ордени порлаб турибди. Бу — голибилик, илғорлик рамзи! Дарҳақиқат, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг мазкур хўжаликка: «Қумқўргон районидаги «Комсомол 30 йиллиги» совхози Сурхондарё области хўжаликлари учун чинакам мактаб бўлиб хизмат кила олади», деб юксак баҳо берини ҳам бекизз эмас.

Ҳа, йилларнинг йўлларнинг зафарлар билан кечганин яхши. Кечаги кун, кечаги қилинган иш бугунги ва эртаги режалар учун таянч, илҳом манбаи бўлмоғи лозим.

Олимжон УСАНОВ

Кумқўргон районидаги «Комсомол 30 йиллиги» совхози марказий посёлкасининг умумий кўрининиши.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси.



# ХАЛҚ ЭЪЗОЗИГА МУШАРРАФ

... 1977 йилнинг априли. Островский уйи деб ном олган, бепоён танимиз пойтахтининг муҳташам инъат кошоналаридан бири — ССР Малий театрининг маҳобатли инъат мухлислари билан лиқ ўла. Томоша залида сукунат. Бир еча дақиқадан сўнг атоқли ўзбек раматуриги Комил Яшин пъесаси сосида сағнага қўйилган «Инқиlob тонгиг спектакли бошланади. Йу спектакль билан Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек давлат академик драма театри колективининг Москвадаги гастроли очилди. Мана, ниҳоят парда очилди. Ўзек халқининг оташин Фарзанди, инқиlobчи, ўлкамизда социалистик узумни ўрнатишида фидойилик кўрватган Файзула Хўжаев ҳаётни ва ҳаолияти ҳақида ҳикоя құлуви спектакль бошланди. Спектаклдаги тарказий образлардан бири — Урганжий ролини ССР халқ артисти Наби Раҳимов ижро этмоқда. Урганжий — ўта разил, манфур, тошғағир кимса. У бирорларнинг азобианиши, қўйналишидан роҳатланади. Урганжийнинг юриш-туршида тошларлик белгилари зоҳир. Оддий руқаро билан гаплашганда кўзини омиб олади ва ҳайкалек қотиб турғанича, ҳар қандай одамни ўлимга наҳқум этаверади. Лоақал унинг Фоизларханнинг онаси Ойхонбибига қиласи муюмаласини эслайлик. Урганжий Ойхонбибидан «Ўғлинг қаерда», деб сўрайди. Она жавоб бермайди, эксинча, Урганжийга ўхшаган қонсўрларга лаънат ўқиди. Зоҳирлан Урганжийнинг бу гаплардан жаҳли чиқмагандек кўринади. Ойхонбибинг гапларига жавобан бир хилда: «Ўғлинг қаерда?» деб сўрайверади. Охири жавоб ололмагач: «Аввал тилининг кесиб оламан, сўнгра ўша соткин ўғлингта оқ сут берган кўрракларингдан осаман», дейди. Бу гапларни айтётганида актёр бақрмайди, гўёки газабланмайди, бир маромда сўзлайди. Аммо унинг сўзлари оҳангидан Урганжийнинг нақадар разиллигини, қонхўрлигини томошабин билиб туради.

Кискаси, Наби Раҳимов ўзининг юксак ижроси билан қушбегининг чинакам башарасини очиб ташлайди. Бу образ юксак маҳорат билан ижро этилгани учун москвалик санъат мухлислари Наби Раҳимовни самимий кутладилар. Театршуносалар Урганжий ролининг ижроси ва талқинини юқори баҳоладилар. Бу фақатига Наби Раҳимов ижодига эмас, балки бутун театр колективи ижодига, қолаверса, бутун ўзбек театр санъатига берилган одилона баҳо эди. Ўша йили кузда — Улуғ Октябрь инқиlobининг 60 йиллиги зўр тантана билан нишонланадиган кунларда ўшбу спектакль ижодкорларидан бир неча кишига ССР Даелат мукофоти берилиши ҳақидаги хушхабар матбуотда эълон қилинди. Улар орасида Урганжий ролини ижро этган ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати Наби Раҳимов ҳам бор эди...

Наби Раҳимов 1911 йили Қўқон шаҳрида ҳунарманд оиласида туғилди. У ёшлигидан жуда шўх, хушчакчақ, зийрак эди. Кишиларнинг хатти-ҳаракатини, қилиқларини «кўчириб» беришга фоят уста эди. У 14—15 ёшларида Қўқон шаҳридаги ҳаваскорлик тўғаракларида фаол иштирок этди. Наби Раҳимов турли спектаклларда роллар ижро этаркан, ўз қаҳрамони типидаги одамлар даврасида бўлар, уларнинг юриш-туршиларини, имо-ишораларини, қилиқларини, гап-сўзларини ҳам пухта ўрганарди. Бу эса ижро этётган образининг жонли, табиии чиқишида муҳим аҳамият касб этарди. Наби Раҳимов ўзининг ўша болалик йилларини эслаб: «Ҳаёт менинг биринчи устозим», дейди.

Наби ака ҳаётни ўрганишини, ижро этётган қаҳрамонларининг прототипларни қидиришини ҳалигача ҳам тарк этган эмас. Аммо у одамларни ҳаётда қандай кўрса, шундайлигича «кўчириб» бермайди, балки кишилар характерини юксак бадиий дидли санъаткор кўзи билан ўрганади, сағнада бир хил тоифедаги кишиларнинг умумлашган тилик образини яратади. Наби Раҳимовнинг ҳаваскорлик тўғаракларида ижро этган роллари машҳур комик актёр Миршоҳид Мироқиловнинг эътиборини ўзига тортди. У 1929 йили ўш актёри Самарқандга — ҳозирги Ҳамза номидаги Ўзбек академик драма театрига асос бўлган Ўзбек давлат драма театрига труппасига бошлаб келди.

Еш актёрнинг профессионал театр сағнасида ижро этган илк роли Д. Фурмановнинг «Исёни» романни асосида сағнага қўйилган «Боғовот» спектаклидаги Егор образи бўлди. Анархистларга сотилган бу приказчик образи ўш актёр ижросида муҳим ғоявий маъно кашф этди. Шундан кейин режиссёrlар Наби Раҳимовга турли характердаги ролларни топширдилар. Натижада унинг репертуарлари В. Шекспирнинг «Ҳамлет» фожиасидаги Ларэт, К. Гальдонининг «Меҳмонхона бекаси» комедиясидаги Ринофрата, Н. Погодиннинг «Менинг дўстим» пъесасидаги Вася, К. Яшиннинг «Ёндирамиз» асарида Тўйчи, З. Фатхуллининг «Сотқинлар» драмасидаги Шукуров, А. Островскийнинг «Момақалдироқ» драмасидаги Тихон, К. Яшин ва А. Умарийнинг «Ҳамза» драмасидаги Назарий каби образлар билан бўйиди.

Наби Раҳимов юқорида саналган ролларни талқин этиш жараёнида театр санъатининг сир-асориини, етук актёрларнинг ижрочилик маҳоратини пухта ўрганди.

Ҳамза номли театр Наби Раҳимовга дорилғунун бўлди. Истеъодли артист ана шу дорилғунуннинг Манон Уйғур, Аброр Хидоят, Етим Бобоҷон, Сайфи Олимов, Шариф Қаюмов, Ҳожи Сиддик Исломов каби устозлари кўлида таҳсил кўрди.

«Отелло» спектаклидаги Яго образи Наби Раҳимовнинг узоқ излашилари натижасида яратилган етук образлардан бири бўлди. «Мен Аброр аканинг олдида жиккаккина, қотмадан келган йигитча эдим, — деб эслайди Наби Раҳимов. — Роситини айтганда, мен Аброр аканинг савлати, обрўйи, довруғи ва виқори остида йўқ бўлиб кетгудек эдим. Менинг олдимда ана шу буюк санъаткорга муносиб рақиб бўлишдек буюк вазифа турарди. Нима қилиш керак? Бордию, ожизлиғ қиласам, Аброр аканинг соясида йўқ бўлиб кетаман. Шундай мулоқазалардан кейин ўз-ўзимча Аброр Хидоятев — Отелло шахсиятнин писанд қўлмайдиган, унинг устидан куладиган шахс образини яратади. Буюк санъаткор олдида ожизлигими билдириласлик учун жоним борича тиришиб, унинг устидан куладим, у роль бўйича сағнада йикилиб тушганда, устига оғимни кўйиб камситардим. Бу усул жуда кўл келиб қолди».

Чиндан ҳам Наби Раҳимов хоин ва олчоқ Ягони томошабин хотирасида узоқ сақланиб қоладиган даражада оригинал, муқаммал образ сифатида талқин қилди. Яго — Раҳимов айрим кўринишларда Отеллонинг юксак ахлоқидан нафратланувчи, ўтакетган шуҳратпараст сифатида гавдаланади. Отелло образининг шу қадар жони чиқишида Яго ролини талқин қилган Наби Раҳимовнинг ҳам хиссаси катта.

Яго образидан кейин Наби Раҳимов совет драматургларининг ва жаҳон классикларининг асарларида турли характердаги ролларни ижро эта бошлади. Бу образлар галересида «Денгиздагилар шарағига» спектаклидаги Боровский роли актёр ижодида алоҳида аҳамиятга эгадир. Боровский — Раҳимов — енгилтак, айрим интим ютуқлар билан завқланувчи киши. Ўз «Фалсафаси» барбод бўлгач, у оғир фожиани бошидан кечиради. Актёр бу образ орқали нотўғри эътиқодлардан воз кечиш мураккаб жараён эканлигини, ҳақиқий совет офицieri бўлиш учун кўп нарсаларни билиш лозимлигини ҳисоблашади.

Буюк рус адаби Н. В. Гоголининг «Ревизор» асарида Хлестаков образи ҳам истеъодли актёр Наби Раҳимов ижросида ўзининг чинакам талқинни топди. Актёр ҳажвий воситалардан фойдаланган ҳолда Хлестаковни Петербург чиновникларининг типик вакили, мақтандо, лўттибоз сифатида жонлантириди. Бу образ фақат Наби Раҳимов ижодигина эмас, балки Ҳамза номидаги театр ҳаётида унтилмас талқин бўлиб қолди.

Наби Раҳимов — серқирра истеъод соҳиби. У салбий ролларни ҳам, ижобий ролларни ҳам маҳорат билан ижро этади. Фикримизнинг далили сифатида М. Горькийнинг «Мешчанлар» пъесасидаги Нил образини келтиришимиз мумкин.

Наби Раҳимов бу инқиlobчи йигитни шўх, ҳазилкаш, гўзаллик ва нағисликни чукур идрок этувчи, инсон қадр-қимматини жуда хурмат қилувчи, қатъий ва матонатли киши сифатида кўрсатади.

Атоқли сақна устаси К. Станиславскийнинг: «Ролнинг катта-кичиги йўқ, актёрнинг катта-кичиги бўлади», деган доно фиксики Наби Раҳимов ижоди мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Истеъодли актёр элизодик ролларни ҳам маҳоратига етказиб, спектаклнинг бутун гөясини сингдириб талқин этади. Масалан, «Мирзо Улуғбек»даги Бобо Кайфий, «Қутлуғ қон»даги Шокир ота, «Жазор — менинг ватаним», «Қирол Лири» ва бошқа спектакллардаги элизодик роллар Наби Раҳимовнинг маҳорати натижасида етук образлар даражасига кўтарилишади. Кейинги йилларда Наби Раҳимовнинг ижодий маҳорати яна ҳам ўди. У М. Шатровнинг «Олтинчи июль» спектаклида Ф. Э. Дзержинский образини маҳорат билан талқин қилди. Актёр атоқли революционер, В. И. Лениннинг содиқ сафдоши Ф. Э. Дзержинскийнинг руҳий дунёсини ёрқин очиб берди. Драматург Уйғуннинг «Парвоз» драмасидаги Мамасолиев образи ҳам Н. Раҳимов ижросида томошабинларга мансур бўлди.

Наби Раҳимов фақат театр сағнасидагина эмас, балки бир неча фильмларда ҳам ранг-баранг роллар ижро этиб, кино мүклислари олқишига сазовор бўлиб келмоқда. Актёр «Стадионда учрашамиз» фильмидаги қишлоқ зиёлиси — буғалтер Алиев ролини маҳорат билан талқин этди. Алиевнинг янги агроном ҳузуридаги титраларини, шаддод хотини олдида нокуляй вазиятларини Н. Раҳимов фоят жонли ифода қилди. «Улуғбек юлдузи» фильмидаги Бобо Кайфий, «Қутлуғ қон» фильмидаги Шокир ота, «Мафтунингман» кинокомедиясидаги режиссёр, «Ватан ўғлонлари» фильмидаги Ваҳобов, «Саратон» фильмидаги Ёрмат бобо ва бошқа жуда кўп образлар Наби Раҳимов ижодий биографиясининг ёрқин саҳифаларни ташкил этади.

Ҳа, ССР халқ артисти Наби Раҳимов ўзининг ажойиб ижрочилик маҳорати билан қирқ йилдан бери ўзбек театр ва кино санъатининг ривожига муносиб ҳисса қўшиб келади. У — бекиёс истеъодли ҳажвчи актёр, кулаги дарғаси.

Биз севимли актёrimиз Наби Раҳимовнинг ижодий биографиясидан айрим саҳифаларни варажладик, холос. Унинг эллик йиллик ижодий репертуарни фоят хилма-хил. Бугунги кунда ўзининг ажойиб ижрочилик маҳорати билан фақат республика мизда эмас, айни вактда Иттифоқимиз санъат мухлислари эътиборини қозонган Наби Раҳимовнинг ижоди алоҳида монография ва илмий ишларга мавзу бўлгүлукидир.

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ



СССР ХАЛҚ АРТИСТИ НАБИ РАҲИМОВ.

А. ГЕРАСИМОВ фотоси



В. КОТИК.

ЁЗУВЧИ ОЙДИН

[Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейидан олинди].



Н. ҚҰЗИБОЕВ.

САМАРҚАНД. РЕГИСТОН.



## Навбаҳорнинг биринчи куни

Үйғон юрак, эшик чөттар наврўзи олам,  
Үз элчисин юбориби диловар кўклам.  
Тутмиш шоир ол қўлингга қўёшли қалам,  
Навбаҳорнинг биринчи куни.

Бобо қўёш меҳри билан бу дунё ёргуф,  
Гул умрлар бўлсин буткул фироқдан фориғ,  
Биз ошиқдан карамаларин тутмасин дариг,  
Навбаҳорнинг биринчи куни.

Пойқадами шарофатли, хайрли келсин,  
Изларидан чақмоқ чақсан, сеҳрли келсин,

Ҳәёти гул, назокатли, сурурли келсин,  
Навбаҳорнинг биринчи куни.

Тарқатайлик олам аро эзгу саломни,  
Олқишилайлик оқиб келган ўтили илҳомни,  
Кўтарилик баҳор учун биллурий жомни,  
Навбаҳорнинг биринчи куни.

Қалб безовта, бахти излаб ёнмоқда сийнам,  
Илк севгимни топишликка кўмак бер, кўклам,  
О, қайларда қолиб кетдинг, менинг фариштам,  
Навбаҳорнинг биринчи куни!

## Севги хотираси

Баъзан сукут сақланг, сукутда гап кўп,  
«Севгим» деб жар солиш одобдан эмас!  
Қалбингиз тўрида яшайман, мақбуб,  
Олов лабларингиз пичирласа бас!

Оташ қарашлардан туғилар тўйғу,  
Совуқ эҳтиросдан асрасин толе.  
Қачонки кўнгиллар севгига тутқун  
Ошиқларга бўлсин ҳар гўша холи.

Севги тили билан сўзлашсиз ҳар бор,  
Дилларга абадул қўзлар таржимон.

Севгига ярашар ҳамиша дийдор,  
Висол — бу изтироб, ҳажр-ҳаяжон.

Ёлғизлик даҳшати ҳаммадан noctor,  
Кўз ёшлар кўнгилга беролмас таскин.  
Севгига ярашмас алвидо зинҳор,  
Севги шароридан чақнаса чақин!

Хаёл тарқалса-да мисоли туман,  
Ҳаётдан умидим ишқимдай катта.  
Севги хотираси — қалбда бир гулхан,  
Ким ҳам айбдор бўлур бу ҳиссиётда?!

## Онажоним кирди тушимга

Онам — Сарвар Берди  
қизи хотирасига

Софинибди чоғи бепарво ўғлини,  
Безовта қилибман тушларимда ҳам,  
Энтиқиб, сув сепиб, кутармиш йўлим,  
Кўзлари нигорон, мунис волидам.

Мени деб тўшанчи янгилаганиши,  
Сув ҳам илтитанмиш юз-қўлим учун.  
Даврада ош тўла янги лаганиши,  
Гулдор пиёлада чой тутмиш мамнун..

Қаршимда турармиш катта чорраҳа,  
Қоп-қора булатни бошимдан қувиб —  
Тилармишлар менга оқ йўл — фотиҳа,  
Упид пешонамдан, эркалаб, суюб...

Тушимнинг таъбири нимага йўяй,  
Асл ҳақиқатни билар оналар!  
Шеъримга шу жойда мен нуқта қўяй,  
Очиқ эътирофи қалбим тан олар!

Ҳаётда нималар бўлмайди содир,  
Номатлуб юмушлар тегар ғашимга..  
Шунда таскин бериб, ҳар ишга қодир,  
Мададкор онамлар кирар тушимга.

Ташвишлари камдай ҳушларида ҳам,  
Оббо, тинч қўймадим тушларимда ҳам

## Ранг-баранг олам

Р. ФЕДОРОВ

## ҲАШАРОТЛАР ДУНЁСИГА БИР НАЗАР

Ҳашаротлар дунёси — сирли ва сеҳрли олам. Улар дунёсига назар ташлаш имкониятiga эга бўлган киши унда рўй берадиган бъязи мўъжизали ҳолатлардан ҳайратга тушади, пинҳоний лол қолади ва ана шу оламнинг сир-асоридан янада кўпроқ хабардор бўлишга ошиқади.

Илмий-оммабол китобларда иначиларнинг гаройиб яшаш тарзига доир қизиқарли ҳикояларга журналхон кўп марта дуч келган. Ниначи кўрти дастлаб сув остида тухумдан ҷициб ҳаёт кечиради, катта бўлгач, қанот ҷицираб

қолгани йўқ. Бу ҳусусда қўйиндаги рақамлар ҳикояси эътиборга молик: ҳисоб-китобларга қаранганди, ҳозир заминда истиқомат қиласётган ҳар бир киши бошига 300 миллионта ҳашарот тўғри келади. Албатта, уларнинг баъзилари кўз илгамас дараражада майдада. Бироқ ана шу ҳашаротларнинг ҳар бирни миллиграммнинг ўндан бирига тенг, деб фараз қиласётган тақдиримизда ҳам киши бошига тўғри келадиган ҳашаротлар миқдорининг умумий оғирлиги 300 килограммни ташкил этади. Бу рақам кишини чўчитиб юборадиган дараражада улкан.

Кўпчилигимиз ҳашаротларнинг айрим турига, ҳатто капалак қуртига жирканиб қарашимиш сир эмас-ку!

Пашша ва чивинни таъқиб этганини миздай уларни ҳам зараркунанда деб биламиз, тўғрида, улар даҳаларимиз ҳосилдорлигининг маълум бир кисмини нобуд этади, деб қайса сарлик билан фикр юритамиз. Сержило, ёрқин капалакларга ҳавас билан боқамиз, фақат асаларининг фойдалари, деб унга мадҳиялар ўқиймиз. Ҳолбуки, ерларини ҳарчака ҳашаротларнинг яхши мурдалари ва чиқиндаридан тозаламоқдадар. Қизиқ бир мисол: европаликлар дастлаб Австралияга борганиларида бу қитъада анъанавий чорвачиликни ташкил қилишга

ҳашаротлар эса, ўтхўр, меваҳўр тоифалар ҳужумини болгарва экинзорларимиздан доимо даф этиб турадилар. Уларнинг ўн беш проценти ваҳшӣ ҳашаротлар турига мансуб. Тухумдаги ҳашарот уруғи ўз яратувчиини емишга айлантирувчи паразитонд ҳашаротларни ҳам шу турга киритилса, рақамлар анча салмоқли тус олади.

Ҳашаротларнинг факат бир ярим-икки процентигина киши ва ҳайвон саломатлигига, қишлоқ ҳўжалигига, ўрмончиликка, турли хил озиқ-овқатлар запасига зарар етказади. Бироқ фойдали турларнинг ўзи ҳам заараркунандаларга қаранганди ўн баравар кўпидир.

Умуман, қайси бир ҳашарот фойдалю, қайси бирни зарарли, деб ҳукм ҷиқариш қийин ва ҳатто, уларга ишсабтан адолосатлизнидир. Улар сайёрамиз учун зарур ва уларсиз ер юзидағи ҳаёт бутунлай бошқача тус олган бўларди. Ҳашаротлар ана шу заминда ўз ишлари билан машғулларлар, зум ўтмай яна ёғду атрофида парвона бўладилар. Баъзан ҳолдан тойиб ерда бекол ётган йирикроқ капалакка ачиниб, уни қўлга оласиз-да, «ўзингни бекуда қийнаб нима қиласан!» деганинамо андиша билан тун қўйнига иргитасиз. Қарабисиз, қапалак яна қайта-қайта ўзини ёғдуга ураверади. Аччиқ тажрибадан деч қандай сабоқ ола билмайди бечора!

«Наука и жизнь» журналидан қисқартириб олиниди.

интилиб, унинг бепоён яйловларини нобуд этиб қўйишиларига оз қолган. Гап шундаки, дастлаб бу қитъада яйловларни ҳайвонларнинг чиқиндиларидан тозалайдиган ҳашаротлар, асосан гўнг-қўнгизлар бўлмаган. Хайрятки, хатоликнинг сабаби ўз пайтида топилиб, бутун бир қитъа фожиадан асраб қолинган. Ҳашаротларнинг вайрим турлари геологик жиҳатдан баъзан ана шундада ҳаётдий аҳамият касб этади.

Ҳашаротлар дунёси ранг-баранг ва сеҳрлидир. Бетакор шаклларга ва яшаш тарзига эга бўлган бу қонзотлар мутахассис бўлмаган қишилар учун мўъжизалар дунёсининг ўзгинасига.

...Эз кечаларида чирок атрофида ўнлаб ҳашаротлар турли хил шакллар чизиб гўжон ўйнайди. Улар лампа шиша-парига ўзларини уриб, ожизланни ерга тушадилар, зум ўтмай яна ёғду атрофида парвона бўладилар. Баъзан ҳолдан тойиб ерда бекол ётган йирикроқ капалакка ачиниб, уни қўлга оласиз-да, «ўзингни бекуда қийнаб нима қиласан!» деганинамо андиша билан тун қўйнига иргитасиз. Қарабисиз, қапалак яна қайта-қайта ўзини ёғдуга ураверади. Аччиқ тажрибадан деч қандай сабоқ ола билмайди бечора!

«Наука и жизнь» журналидан қисқартириб олиниди.



# Жазрати инсон

РОМАНДАН ПАРЧА

Давоми. Боши ўтган сонда.

— Хўп, айтганингиз бўлақолсин,—дедим тутоқиб,—ана, узмай қўяқолдик, лекин, тагин кимдан қарз олаласиз?

Эрим шўрлик, жавоб ўрнига, дўп писини қўлга олиб, бош қашладилар. Қараб туриб раҳмим келиб кетди. «Бу рўзгор ўлгар не кунларни бошга солмайди», дейман ўзимча. У ҳам эмас, бу ҳам эмас, кашкулнинг тупроғи оғир экан. Ўзимизга насиб қилган экан. Туриб-туриб, яхшиям Витянинг шу ишқибозлиги дейман, бўлмаса қараб турармидик. Айтдимку, бундан ноёб нарсалар ҳам кўзга кўринмаган у пайтларда. Шу-шу кашкул қолиб кетди. Ленамни узатётганимда бир кўнглим сепига қўшай дедиму, тагин ўлаб қолдим. Дадасига ҳам унча ёқинкирамовди, индамай қўяқолдим. Ҳозир-ку, бунақа асбоблар оёқдан қолган-куя, аммо Витяга у энг қадрдан бўлиб қолган. Вақти-вақти билан ўзи артиб, тозалаб турди. Бир сафар ҳазиллашиб: «Болам, мунча тўтисад қиласанг уни», десам, «Ойижон, биласизми, буни ишлаган наққош мискар жуда катта уста бўлган. Худди дадамларга ўхшаган, ҳамма танидиган, ҳамма салом берадиган уста бўлган. Агар дадамлар ўзлари ясаган сувлиқми, ҳалқами ё тўқани занг босиб, ифлос бўлиб ётганини кўрсалар хафа бўлардилар-а, тўғрими ойи? Ҳа, ана. Бу мискар наққош ҳам шунақча-да, кўрса хафа бўлмайдими? Мана буни қаранг, мана бодом баргининг уч томонига қаранг, чирк қоплаб, устини босиб кетибди, мана, мана, бу атиргул барги-чи, униям ёнлари ҳаммаси чанг босавериб, лой бўлиб қотиб қолиби. Игна билан тозаламаса, бўлмайди. Бу нақшларни туширман деб, биласизми, қанча овора бўлган уста. Манам кашкулнимас, мана шу нақшларни, нақш этган устани тўтисад килилман, ойи деди.

— Барака топ, болам,—дедим ўзимча ўлаб кетдим. Бу ўша ўлим чангалидан қутилиб келган Витями-а? Ҳаш келган куни очкўзлик қилиб, кўп ош еб қўйган, бўкиб қолиб, ҳамманинг ўтакасини ёрган Витями, биринчи дафса бўйнандан маҳкам қучоқлаб, ойилаб аъзои баданимни титратиб юборган болами?—дейман нукул.—Ҳа, ўша, Мехри, ўшанинг ўзи, ҳар қанча фахрлансанг арзиди, ана куртагиу меваиси деб шуни айтадилар. Шукур қил.

Буниси-ку майли-я, ҳалиги гулларини битталаб, номлари билан, худди ўзи нақшларни келган ҳаммадан айтаб беришиларига ҳайрон қоламан. Шу ёшга келиб, шунча асбоб-анжомлар, кашкул дейсизми, мис тогора, мис дашиша, мис баркашларнинг не-не нақшларини кўрмадим, ахир. Бирон-

тасидаги нақшнинг фарқига бормабман-а. Бир чеккадан айтуб, тушунириб, кўрсатиб бераверса.. жамики дарахт япроқлари, гул барглари, мевалари, булбуллар, сунбуллар—ҳаммасини келишириб, худди ўзига ўхшатиб нақш қилишар экан бу усталар деб қўйдим.

— Дарров қаёқдан билиб олиди, опа?

— Ўша соттирмай қўйганидан кеин дадасини жонҳолига қўйди, дейсизми? Хўп дедилар, мискарликка бошлаб бордилар. Ўша, ўзлари сотишга вадъа берган таниши мискарлари—Мўмин мискарга таниширибдилар. Тушликни еб кетишувди, шомгача қолиб кетишди. Кечқурун ота-бала кириб келишиди. Витянинг оғзи қулогида, тия сотиб олиб устига миниб олгандаи, ўзи табиатан мақтанчоқроқ эмасми, тагин худо берди, дeng. Дадаси бўлса, «Мехри, ман-ку санга ўхшаб ирим-чиримларни билмайману,—ана, айтаман-ку, бир чимчиб олмасалар хумори тутаберади, деб,—илло одам зотининг кўзи тегиши рост бўлса, шу бугун боламга кўз тегди, дэявер. Биласан-ку, Мўмин мискар чакана одаммас-а, бутун мискарликда иккита наққош бўлса, бири—шу, номи тўрт даҳага кетган. Ўғлинг билан аввалига кўришиси ҳам келмади, билиб турбимки, мани ўзимни қилиб, зўрга саломимга алик олди, ер остидан: «Ҳа, ман энди келиб-келиб шу асрани маллавой билан тенг бўлдими, ҳали шу мишиқининг кўнглига қараб, кап-ката одала фазингиздан қайтиб ўтирибсизми?», дегандай ёв қараш қилди. Сал сурилиб, ёнимдан Витяга жой кўрсатувдим, буям ёқинкирамади. Ҳаммасини сезиб турбиман. Илло, бир пасдан кейин, қозикда осиғлиқ турган нақшдор мис баркашга тикилиб қолган Витя: «Амаки, кўрсанам майлими?» дерми, ғалати бўлиб кетди, мис баркашга тикилиб қолган Витянинг ёниб турган кўзлари уни қизиқтириб қолди, ўрнидан туриб баркашини олиб бердию, кейин икки кўзини тикиб, боланга қараб ўтираверди, гап ҳам қулогига кирмасди, битта яримта харидорларга ҳам қисқа жавоб-муомала қила бошлади, сал ўтмай Витяни ёнга ўтказиб олди, ана шунда кўрсанг: икковлари чунонам чуғуралишиб кетишиди дегин... Мулла Маҳкам қаёқдасан, дейдиган одам ўй. Куласан-а, хотин, ҳоҳ ишон, ҳоҳ ишонма, Мўмин мискар ҳам бола бўлди-қолди, худди тилини бедана чўкиб олгандек Витянинг тақлид қилиб гапирарди. Тушунтиради. Нақш туширадиган асбобларни олиб, ўғлинга кўрсатарди, шу топда оламни сув олиб кетса, дўконини кўтариб кетса пайқамасди, наздимда. Уларга маҳлиё бўлиб ўтиравердим, дўконга келаётганинг муомала қилиш ҳам

манга қолганди. Шу алпозда дегин, бемалол бир самовар қайнагунча вақт ўтди-ёв, икковлари баркашдан бош кўтартмади. Мундоқ қарасам, Мўмин мискарнинг юзлари, кўзларигача қон қўйилиб кетган, ўзи сариқ магиздан келган эмасми, қипқизил олов бўлиб кетибди, кулиб, ўғлингга тикилиб туриди: бир қўли билан зўр бериб бошини силайди.

— Айтганингиздай бир балони бошлаб келганга ўхшайсиз,—деб юборибман, дeng... Ахир, юрагим ҳаприқиб кўркиб кетдим-ку.

— Тўхтасанг-чи, гапиргани қўймайсан-а... Шу бошини силаб туриб айтган гапини қара:

— Уста Маҳкам дейман, бу болалар анча бўлиб қолди-а?

— Ҳа, уста. Ҳудо бергани ўн беш нафар,—дедим.

— Бўйсин, бўйсин. Омон бўлишишин, бу ҳалиги, замфалар ҳам...

— Қизалоқлар денг, уста.

— Ҳа, ҳа, шундоқ демоқчиман.

— Бор. Бўлгандаям бир-биридан ширин, айниқса, битта қақажоним бор дeng, бирар ширин, бирар ширин... — дерманми, бутун фикри-ҳаёли баркаш гулларига михланган Витянг ялт этиб, манга қараб, қовоқтумшугини осилтириб олса бўладими?

— Шунгаям-а? Сира шу одати қолмади, қолмади-да, катта бўлса унтар, десам...

— Тўрсайганини устаям фаҳмловди, дарров гапни буриб юбордим: бари бир уста, ҳаммасидан ширини мана олдингизда ўтирибди,—денишим билан дарров чехраси ёришиди, баркашга мукка тушди. Илло шу ўтиришида болангнинг айти-башарасига бир қарасант кўркиб кетардинг. Буткул аъзои бадани фикр бўлиб, кўзлари тешиб юборгудай баркашга тикилган, пешонасини тиришириб олган. Ёш боланинг пешона тириширганини шу ўшга келиб энди кўришим, хунук бўларкан, кексақори деб шунақаларни айтишса керак-да.

— Барака топкур, битта Витянини, ҳамма болаларни қизиқтириб келибсиз, ҳа, ҳа...

— Оббо, келиб-келиб санга айтганини... эшитсанг-чи, гапнинг белига тепмай, устанинг эриб кетганини эшитсанг-чи. Шунча дўконида бўлиб, бирон марта бунақа дастурхонини кўрмагандим. Ярлақаса туйнинг кўзида сопол қандонда икки-уч чақмоқ қанд ё ушатилган, титилиб ётган битта пашмакли патнисчасини қўярди. Бугун эса, баркаш гулларини Витяга кўрсатиб бўлиб, ўрнидан турди. Тўрдаги сандиқни очиб, патнисга новват дейсанни, хандон писта дейсанни, рустагача тўкиб ташласа бўладими. Кейин қумғондан янги чой дамлади.

— Чой ҳам совиб қолибди, ҳани

уста, дастурхонга марҳамат,— деб патнисни олдимга қўйди,—қани, ўғлим...

— Нима?

— Ҳа, ҳа, шунинг учун қулоқ тутиб тур, деяётиблар-да; ўғлим деб, елкасига қўйини қўйиб дастурхонга унади.

— Ўша мопора мискарингиз-а?

— Ҳа, ҳа.

— Ё тавба. Қандай тили бордийкин ўғлим дейишга? Қай юз билан айтди, буни, а?

— Ўзимам шунга ҳайронман, хотин. Қаёқдан худо унинг кўнглига раҳм солдию...

— Вой, вой раҳм дедингизми? Шунақа одамда раҳм бўладими? Ҳудо худолигини қисла, раҳмнинг кучасига йўлатмайди бунақаларни. У, сиз, шунча ҳақорат қилиб, болаларни эл-юртда чалпид юрсаям индамай, билмаганга олиб, худога солиб юраверасиз. Бу юзингизга шапалоқ урса, барака топкур, бунисини ҳам камситманд деб, унисини ҳам тутиб берасиз.

— Ҳой, сал ҳаддингиздан ошаётбисизми, онаси?

— Ҳеч ошганим ўйқ, борини гапирдим. Сизнинг ўрнингизда бўлсан, шарта юзига солардим: маҳалла-куйда ғайриддинин тарбияга олган гуноҳкор бўлади, гуноҳкор одам масжидга чицмасаям бўлади, деган одам, нечук энди оғзингиздан бол томиб, ўғлим, деб қолдингиз, елкасига қўл ташлаб, бошини силайсиз, дердим.

— Рост, Мехри. Сан бўлсанг айттардинг, яхшиям эркак бўлмаганинг. Илло, ўзининг ҳам акли-тамзи борку. Ўзининг ҳам эсига тушар гаплари, юзлари олов бўлиб кетгани ҳам шундан Мехри, ман буни кейин фажиладим. Чой узатаётганида қўли қалтираб, юзимга қаролмади, ҳа...

— Ростдан-а?

— Ёмон бўлди. Одамнинг ўзини жазолашидан оғир жазо бўлмайди оламда.

— Ҳа... Бадтар бўлсин. Норасида етимларгаки қасд қилган эди, ҳали бундан ортигиниям кўради...

— Ийе, ана энди, тагин йигими?

— Мәъракаларда гапларни эшишиб, қон-қон йиғлаган кўз ёшларим, дил-дилимни вайрон қилгандаги қарғишларим бекор кетмайди. Мана бу бетавфик, беандиша Тоҷижонам, ўша мискарингиз ҳам ҳали кўради, худо кўрсатади.

— Кел, қўй, кўз ўшингни кўрсам хафа бўлиб кетаман. Эскини эслаб, дилингинг хуфтон қилма.

— Ҳўп, ҳўп, ҳани гапиринг, кейин нима бўлди?

— Шу дессанг, ҳали уни тутиб, тиқишираверди. Шунда сал чўчиброк турдим. Ҳозир, дейман ичимда, болалигига бориб, бир чеккадан ширириб берадиу ўтага қўядида, деб ҳавотир олиб ўтирасам, қўёқда, худди дастурхонда бор ширинликларнинг ҳаммасидан ҳозиргина еб, тўйиб келган боладек, қайрилиб қарамаса бўладими?..

— Бўлади, дадаси, бўлади, болалиндан айланади, шунақа одамлар олдида юзимни ёруғ қиладиган.

— Унга сари оғзига солиб қўядигандай бўлиб тиқишираверди. Шунда сал чўчиброк турдим. Ҳозир, дейман ичимда, болалигига бориб, бир чеккадан ширириб берадиу ўтага қўядида, деб ҳавотир олиб ўтирасам, қўёқда, худди дастурхонда бор ширинликларнинг ҳаммасидан ҳозиргина еб, тўйиб келган боладек, қайрилиб қарамаса бўладими?..

— Болалари борми ўзининг?

— Бешта қизи бор, дейишади.

— Ўғли-чи?

— Ҳудо шундан қисган экан.

— Ажаб қилган экан-да.

— Бир маҳал бошини кўтариб, чой узатётиб, зўрга гап бошлади: «Уста, бошқаларини-ку билмадим-а, мана шу биттагизнинг ўзи етти пуштингизга етади. Уста Маҳкам деган номингиз ҳам, касб-корингиз

ҳам етти иқлимга етиб, авлод-авлодларга табаррук бўлиб қолади...»

— Ҳой, барака топкур, шу гаплар ўша одамнинг оғзидан чиқдими?

— Ман нималарни гапираётбиман санга. Ўзини ўзи жазолаш шу бўлади, дедим-ку. «Энди,— дейди салмоқланиб, бетимга тик қаромай,— бу йигитчани бизга шогирдликка беринг, ота касбига кўшиб нақошликни ҳам ўргансин...»

— Нима деб жавоб бердингиз?

— Дабдурустдан бир нима деб бўлармиди, қизиқсан. Бу ёқда ўғлинг оғзи қулоғида манга қараб жовдираб турган бўлса.

— Бола ниманинг фаҳмига етарди, унга ўшанақа гулу сурат бўлса, бас-да.

— Хўп, уста сизки шуни маъқул кўрган бўлсангиз, бажонидил, дедим.

— А?! Вой-дод... Нима қилиб келдингиз болагинамни. Ўзингиз икки қўллаб топшириб келибсиз-да, а. Шунча азоблар билан шу ёшга етказганимда энди бир камим: «Қаёқда қолди, нима бўлди, бирорвикуда бошини эги-иб, шумшайиб юрибдими, очми, тўқми?.. Вой, дод...»— деб, яна аннабалоларни айтиб, ҳовлини бошимга кўтариб, айоҳаннос солсан бўладими? Сира бунақа енгиллик қиласиган одатим йўқ эди дент, шу сафар ҳеч ўзимни босолмаеам. Яхшики, болалар мактабда эди. Уввалоки уста поччангиз ялиниади, қани додлашдан тўхтасам. Қаттиқ алам қилган эди-да. Кейинчалик эсимига тушшиб, ўзимдан ўзим номус қилиб юрдим. Ҳали-ҳали ўзимни койийман. Боламни етаклаб олиб кетаётган бўлмаса, ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, ман тўполон кўтариб ўтирасам. Нуқул дадасига ёпишаман, денг, Ҳой, дейман, ахир ташлаб кўйган болам йўқ сизга, унинг отаси бор, онаси бор, худога шукур, демайсизми, деб ала-мимни оламан. У киши бўлса, зўр бериб: «Хўп, деганим йўқ, қўнгли учун, бу ёқда ўғлингинг ҳам қўнглига қараб жавоб қилдим-да. Нима, ман унга қўш қўллаб топшириб қараб туармидим?»— дейдилар. Ўзлариниям этлари увишиб турганини сезиб турибман. «Фақат шу бола ўксимаса, ҳунар ўрганишга бўлган ҳафсаласи совимаса», дейдилар-да. Шундан кейин бир-икки ўзлари бошлаб бордилар, афтидан бутунлай шогирдликка, қўлига беришга раймиз ўқлигини фаҳмлаб қолган шекилли: «Мана, дўкон, мана ҳовли, истаган вақтда келиб тураверинг, ўғлим», дермиш, сизлармиш... «Ҳах, «ўғлим» деган тилларинг танглайнингга ёпишсин», дейман. Тағин ўйланман, оламнинг оғзи коски экан деб, йўқ, бунақа одатим йўқ. Аммо мана шу мискарқори бутун маҳаллага гап қилиб, Тожихондан бадтар дилимни вайрон қилган-да. Шунга сира чи-домасдим. Мана, худонинг ўзи кўрсатди-кўйди.

Шундан кейин анча вақтгача Витяга разм солиб юрдим. Бўш қолди дегунча кашкулга ёпишарди, аллақа-ёқдан мис парчаларини топиб дўконхонага кириб текисларди. Эски самоварнинг кампирағини топиб олиб, текислаб, унга худди патир чакичлаганга ўхшатиб, гул туширди. Дадаси қўлларига олиб, тикилиб, маҳлиё бўлиб қолдилар. Уша бир-икки борганида ўрагидан урган мискарқори қалам, болға, нақшқалам ҳада қилган экан. Сал кунда шундоқ машқини олибдики, қўлидаги нақошлик асбларимас, хат ёзидиган қаламга ўхшайди, деб хурсанд бўлдилар. Ўзим-чи, ўзим. Ҳар кўрганимда кўярагим тоғ бўлиб кетадио, мискарни ўйлаб ўрагим орқамга тортади. Алдаб-алдаб юри-иб тузогига илинтириб олса, ҳунарга, расм - чизишга муккасидан кетиб, масти бўлиб ўрган болагинамни андаргоҳ қилиб ўйига олиб кетиб қолса, деб ваҳим босади, баъзида кечалари ўйкум қочиб кетиб, минг хаёл билан тонг оттираман.

Бир куни, дўконхонада якка ўзи ўтирганида кириб бордим. Алланарсаям сўрамоқчи бўлдим, оббаҳолам, кейин секин гапга тутдим.

— Болам, бу, ҳалиги, мискар устанинг ўига бордингми?

— Йўқ. Дўконларига борганимда... ҳов дадамлар билан борувдим-да, ундан кейин ўзимам икки марта бордим.

— Нучук, ўига чақирмадими?

— Ойи-чи, биласизми, мани шогирдликка олмоқчи, ўига олиб бормоқчи, биласизми... Йўқ, айтмайман...

— Нимани?

— Йўқ, айтмайман. Сўз берганман.

Юрагимга ғулгула тушшиб, ҳайрон бўлиб қолдим. Ўзимни босиб, ётиги билан сўрадим.

— Майли, болам. Онангданки, яширган сиринг бўлса... ихтиёринг, ман, ҳалиги...

— Ойи, ойижон,— деб бўйнимга осилиб олди,— ҳафа бўлманг, сўз бергандим-да, ўзи...

— Кимга?

— Дадамларга.

— Нима деб сўз берувдинг?

— Чин пионерлик сўзи.

Кўнглим таскин топдио буни унга сезидирмай, хомушлик билан: «Майли, болам», деб қўяқолувдим, тағин бўйнимга осилиб олди,— айтаман, ойижон, сизам сўз беринг, чин пионерлик сўзи, дадамга айтмайсизми?

— Ҳа, йўқ, вой, кичкина боламанми, даданг айтиб.

— Ўшанда, уста амаки: «Йигитчанинга бизга шогирдликка беринг», деганларидан кейин, йўлда, қайтиб келётганимизда: «Ҳўш, ўғлим, ўига боргинг борми?» деб сўрадилар дадам. Бундоқ дадамнинг юзларига қа-

расам, жудаям ҳафага ўхшаб кўриндилар, дарров билиб олдим. Ўзим биламан-да, пешоналаридаги чизиклар бор-ку, ўша ҳаммаси чуқур-чуқур бўлиб кетади. Ҳов, эсингиздами, Коля акам ўйимизга кириб келганида: «Дада, олмант», деганимдам пешонақа бўлиб кетганди пешоналари.

— Ҳўш, нима дединг даданга?

— Айтмайсиз-а, честно пионерское?

— Ҳа, ҳа, дедим-ку.

— Бормайман,— дедим.

— Нечук,— деб сўрадилар дадам.

— Сизни ташлаб, ҳеч қаёққа кетмайман, ойимниям ташлаб кетмайман,— дедим.

— Даданг нима дедилар?

— Баракалла,— деб елкамга үриб қўйдилар, кейин— ахир ман,райини қайтаролмай, устага «майли» деб қўйдим-ку, ўғлим,— дедилар.

— Билдим, дадавой, ростакамига айтганинг йўқ,— девдим, дадам кулиб юбордилар, кейин кўзларига бир нима тушдими, ёшланиб кетди, белбоғларини ечуб артиб олдилар.— Болам,— дедилар шундан кейин,— сен кап-кatta, ақли-ҳушинг жойида боласан, мана бу нақошликка қизиқканнинг уста ҳам сизганидан шундай деганини тушуниб турибсан, бу ёғи қандоқ бўларкин, сўраса, бир нима деб жавоб қилиш лозим.

— Дадажон, агар майли десангиз, мен ўзим айтаман.

— Нима дейсан, ўғлим?

— Дадасини, ойисини ташлаб кетган одам фашист бўлади, дейман... Вой, ойи, нега йиглайсиз?

— Йиглайтганим йўқ, кўзим негадир ачишиб, ёшланди, болам, ёшланди. Шундан кейин даданг нима дедилар!

— Гапирмадилар. Анчагача инда-

мадилар. Дада,— дедим кейин,— нега шунақа яхши усталар ёмон иш қилишади-а?

— Нима дединг?

— Ясаган нарсалари, унга туширган нақшларини қаранг, қандоқ чиройли, одамнинг ҳаваси келади. Қилган ишлари фашистинг ўзгинаси...

— Болам, бу гапларни қаёқдан топдинг?

— Ий-е, сиз билмасмидингиз?

— Нимани?

— Гулининг дадаси урушга бормай қочоқ бўлганини?

— Гули?! Қайси Гулини айтаётисан?

— Шу уста амакимнинг қизи-да,вой, билмасмидингиз?

— Сан уни қаёқдан биласан?

— Бирга ўқиймиз-ку, бир синф... фақат уларники «б»да. Ўзи, ўзи... йўқ, айтмайман...

— Нимани айтмайсан. Гапир, болам, ўғил бола деган отасидан ҳеч нарсани яширмаслиги керак, ҳеч нарсани, айтиш уят бўлган нарсаниям яширмаслиги лозим. Қиз бола бўлса, онасига айтади. Тушундингми? Қани, гапирчи.

— Ўзи, Гулининг ўзи қора машиқ, жамалак, чочопугу мени: «Сарик машоқ, сепкил башоқ», деб чакиради. Қиз бола бўлмаганда-ку, билардим-а...

— Ўзинг қора машоқ деганингдан кейин...

— Манамас, бошқа болалар шунақа деб чакиришади, у бўлса манга ёпишади. Бир кун шунақа чақириб турганида «б»даги Карим чиллак боплади-ку ўзини: «Ҳой, қора машиқ, сен Витяни мазах қилма, биласаним, уруш пайтида сени даданг қочоқ бўлиб юрганида, Витянинг дадаси ҳам, онаси ҳам фронтда ҳалок бўлган, билдингми?», девди, шунда ҳам бидилаб: «Биламан, шум етимлигини биламан, ённи олмай қўяқ», дейди. Карим чилдомай бир қувлаганди, ура қочиб қолди-ку чин-қириб... Ўшанда билувдим дадаси мискарлигини, бозорда дўкони борлигини. Уруш қочоғи қанакалигини сира кўрмагандим, бир кўрсам девдим, ўшанга қизиқардим. Қарасам, шундоқ яхши уста... рост, рост, дада, нақшларини қаранг, вуй... ағар, ўшанда Каримчиллак қочоқ дадаси жуда яхши наққос деса, честное пионерское, ишонмасдим. Энди биласам... Тағин мани шогирдликка. бўп бўбман, энди... Шундан кейин дадам анчагача индамадилар, жуда хафа бўлиб кетдилар.

— Ўғлим, кап-кatta йигит бўлиб қолдинг, бунақа гапларни бирорга айтиб юришинг нолойик, ўқдингми?

— Ҳа, ҳа дада. Ҳеч кимга айтганим йўқ,— дедим.

— Шундай қилгин, буидан бўён ҳам.

— Ҳўп бўлади, дада, честное пионерское, сизам айтмайсизми, дедам, дадам ҳам «честное пионерское» деб ваъда бердилар.

— Бўлти, ўғлим, манам ваъда бераман,— деб ўрнимдан турдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг ақл-ҳушишимни йўқотиб қўйдим. Зўр бериб ўзимдан ўзим: «Ҳой, ким билан гаплашдим?»— дейман. Бола-я. Кечагина бағримда олиб ўтирган Витяни шу? Тавба. Ҳаммасидан анави мискарлигини қочоқлигини билганини, ақли етганини айтинг. Бундан циқди, у бетавафкинни маҳалла-қўйда бизга отиб ўрган тошларидан ҳам хабардор бўлади-да, мактабдаки, болаларки билгандан кейин... Отасидан чиқмаса, хонадонида гап бўлмаса, қизининг оғзидан шунақа гаплар чиқармади! Ҳой, дейман туриб-туриб, нечук шунча гапларни на манга, на дадасига, на ақаларига айтмай ўрганийкин. Ҳа, айтибди-ку дадасига... Вой ақлингдан ўргилай-а, ўзим ўргилай ақлингдан. Биз, эр-хотин бўлсак, ҳали-ҳали, қўй, болаларнинг кўнглини бузмайлик, сезмай қўяқолсин, ўзла-



# ДИЛ РОЗИ СЕНГА, ВАТАН!

## Қарши манзумаси

(Хорижлик меҳмонга)

Ўзбекистон танишдир сенга,  
Биринчи бор келишинг эмас.  
Лекин бу гал Қарши ҳуснига  
Нигодингни тортай бир нафас.

Кўз-кўз этай истасанг, ўртоқ,  
Унинг шаҳру кенгликларни.  
Бунда гўза ёзаркан япроқ  
Очар киши дилу баҳрини.

Қаршининг чўнг шон-шарафида  
Баракадай бирлашар йўллар.  
Яшнар унинг тўрт тарафида  
Ленин фикри ёритган чўллар.

«Шаҳар деса, дегулик экан?»  
Деб таъкидлаб қўясан нуқул.  
Ўз асрдан олдинлаб кетган  
Қаршиликлар узатишар қўл.

Сўзларида давр нафаси,  
Юзларидан аримайди нур.

Кунларидир даврнинг саси,  
Кўзларида музaffer шуур!

Яхши сўзга қулоқ илишар,  
Ҳар юмушда ўзлари ҳакам.  
Сену мендан кўпроқ билишар  
Индинларнинг тақдирини ҳам.

Кўрмагандир ким билсин, ошна,  
Улар сенинг юртингни бир бор.  
Аммо меҳрин қитъалар оша,  
Йўллай билган ҳотамлар шулар.

Не юртларга тутган сахий қўл,  
Жаҳон билан олиш-беришли.  
Бу фазилат кўпга келар қўл,  
Бу — ленинча амал, эрк иши!

Шундай, дўстим, бу шундайин халқ:  
Эзгулиги саодат моҳи,  
Сарвар эрур унга ҳам ҳар вақт  
Улуғ Ленин, жонажон доҳий!

## Бизга ҳам

Туроб Тўла ғазалига мухаммас

Ҳаҳ, ёғилди баҳт деган нурли шуурдан бизга ҳам,  
Васл ила ҳажри азиз сирли сурурдан бизга ҳам,  
Оҳ, кўнгил кўп зор эди келмиш у наҳрдан бизга ҳам,  
Минг тассанно, ишқ ўзи келди бирдан бизга ҳам,  
Мавж келди ишқ деган дарёни Сирдан бизга ҳам.

Шул наҳрдан тафт тегиб ҳижрони чўнг муз-қорига,  
Шарқироқ сувлар жавоб қилди саболар зорига —  
Заб мунаввар тўйгулар сепин ёйиб ҳар сорига,  
Бир ажаб соз келди ҳеч чертилмаган қалб торига,  
Соз не, ҳамдам топилди йўқ ердан бизга ҳам.

Созим, ҳамроҳи ишқ бу лаҳзалар овозининг,  
Тинглабон шому саҳар фош этди у дил розини,  
Арзигай қурбони бўлсанг шу фасл парвозининг,  
Бехабардир соҳиби аммо бу севги созининг,  
Келди беандоза лаззатли сабрдан бизга ҳам.

Билмайин, недир унинг эҳсонию баёнини,  
Қўмасар эрдим кеча-кундуз шу аламнинг шонини,  
Лоқал бир бора тортмай севгининг камонини,  
Ўллар эрдим қайдин олмиш булбул ишқ девонини,  
Ошно бўлди муборак бу сатрдан бизга ҳам.

Кўп қадимдан бор нақл: ошиқ билур гул қадрини,  
Бизга ҳам берди ўшандоқ дарднинг сабрини,  
Бўйсуниб, тингла шу ошиқ кўнгилнинг амрини  
Эй, сабо, оҳиста қўзғат ёр богин атрини,  
Зора келса у нафас олган атрдан бизга ҳам.

Мунчалар шодлик нечун бу олий ишқ девонида,  
Бор ахир ҳижрон деган жабр ила ғам ишқ қонида,  
Сақлагай ошиқлар ул жабрни ҳам ўз жонида,  
Ёр жабри меҳр эмиш бу кўхна ишқ девонида,  
Ногаҳон ташриф буюорди бу жабрдан бизга ҳам.

Шундайин ногаҳдир у, шунчалар ягона ишқ,  
Шунчалар иўҳнадир эй, Отаээр, бу афсона ишқ,  
Бўлмас ҳеч мадҳи адо айтган билан бўзлаб қўшиқ,  
Беназир жабр ила бўлган бўлса ширин кўхна ишқ,  
Эй Туроб, қолган экан бу беназирдан бизга ҳам.

## Шамшодлар

Шу она ўлканинг табиатида  
Ҳар неки мавжуддир, азиз жон қадар.  
Ҳу, олис қишлоқда, тоғ этагида  
Булутлар остида, ел этагида  
Кўкка бўй чўзади дилбар шамшодлар,

Интилганни чорлаб чўққилар томон  
Уларнинг пойидан эниб ўтар йўл.  
Шамшодлар шовуллаб ҳур, дориломон  
Куйлашар: «Қадамлар бўлишсин  
омон...»  
Уларга жўр бўлиб қувнар дайди ел...

## Наримонов ҳайқали ёнида

Керак бўлганида нисор, деб жонни,  
Сўймагансиз ёлғиз Озарбайжонни.  
Сизнингдек машъаллар ёди бор бўлсин,  
Ёритиб турибди жумла жаҳонни.

Сиз ҳам жабҳаларда шарафлаб шонни  
Сўймагансиз ёлғиз Озарбайжонни.  
Озар қони жўшган оташ қалб билан  
Жаҳон тақдири, деб тинкансиз жонни.

Бизнинг ҳам қалбларда азму жасорат,  
Доим меҳнатандир шарафу омад.  
Ҳар куни меҳнат-ла кузатиб мамнун,  
Тонгларга меҳнат-ла юз бурмоқ одат.

Одатдир меҳнатдан топмоқлик барор,  
Шу учун бу элда баҳтдир барқарор —  
Ватаннинг бугуни шундок, замондош,  
Меҳнатдир турмушу тинчликка чин ёр.

.... Аниқ кўраяпман, ҳа-ҳа, замондош,  
Уша кунни: ана, чараклар қуёш.  
Ҳайкаллар пойида тўп-тўп оломон  
Кўшиқ куйляяпти тебратганча бош:

«Не-не жабҳаларда шарафлаб шонни,  
Сўймагансиз ёлғиз ўзлиги жонни.  
Сизнингдек машъаллар ёди бор бўлсин,  
Ёритиб турибди жумла жаҳонни!..»

## Боқий умр

(Мотамсаро она ҳайқали пойида)

Мангуликка ҳайкал, эй боқий умр,  
Эй, умри дунё умрига ҳамёш,  
Сендан ризо замин, башар ва қуёш!  
Бошингда мовнӣ кўк.  
Пойингдаги нур —

Мангу олов бўлиб ловуллаган ёш...

Ҳижронга юзма-юз турмасанг, бироқ,  
Қайда эди шу эрк, қуёш ва тупроқ...

шан бўлиб қолади. Эзмалик қилиб,  
пойинтар-сойинтар, бир бордан, бир  
тоғдан келиб, юлиб-юлқиб гапирди-  
му, аммо дил-дилимга жо бўлиб  
қолганиларни айтдим. Бола бошидан  
маълум бўлади, дейишганига шунда  
тушундим. Шу ёшга келиб, умримда  
биринчи дафъа гўдаклигидан ўзим  
багримда тарбиялаб, катта қилган,  
акли-хуши кириб, оқ-корани ажратса  
оладиган ёшга етган фарзандимнинг  
камолини, балоғатини кўриб, бутун  
вужудим билан, акли-фирким билан  
ҳис этиб туришим шу эди, ҳалиги  
нима дейишади, эккан дарахтингнинг  
мевасини дейишадими.. ундай де-  
сам, бу шунчак нав-ниҳол эмас эди.  
Нозиклиги ҳам бошга эди, ниҳол  
ҳолидаёт қалби вайрон бўлганди,  
ниҳоллигига бошига тушган кулфат,  
азобни баъзида навқирон дов-да-

раҳт ҳам кўтаролмасди, буларнинг  
устига, уни ўз бағрига олиб, эрка-  
лаб, тарбиялаши, ўстириши лозим  
бўлган замини башар ўзи билан ўзи  
сервар, ўт-олов ичади нафас олар  
эди.. Худди ана шу алғов-далғов  
пайтида ўтқазгандик бу ниҳолни ба-  
мисоли. Ана шу ниҳол ўсиб, унди,  
барг чиқарди, шоҳ отди, мана мева-  
си, кўриб турибисиз. Шу биринчи  
мевасининг таъми кўрсатиб туриди,  
мазасини, маънисини. Бу жуда бош-  
қа. Бунисини айтбериша кучи-  
мам, сўзимам етмайди. Ана шундан  
кейин бошқа нав-ниҳолларимга, улар-  
нинг мевасига чуқурроқ разм сола-  
диган бўлдим, ҳаммаси ҳам лаззатли,  
бири-биридан яхши, баъзан нордон,  
тахирлари учрасаям, менга ҳамма-  
сиям яхши, ўзи бир олам. Дадаси  
кўпинча, ҳали қараб тур бу болала-

# ДЕНГИЗДАН ҚАТРАЛАР

Ўзбек халқ оғзаки ижоди бой ва ранг-баранг. «Алпомиши», цирқ достондан иборат «Гўрўғли» туркуми, «Маликаи айёр» каби буюк достонлар, теран мазмунли эртаклар, ўти қўшиқлар, топишмоқлар, мақоллар, чалғитмалар, тез айтишлар... Буларнинг бари илмий таомилга кирди, нашр этилмоқда. Айни пайтда ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиг олиш, илмий ўрганиш, оммалаштириш иши муваффақиятли давом эттирилмоқда. Ҳар йилги

илмий экспедициялар натижасида янги асарлар, янги номлар аниқланмоқда.

Кўйида Қашқадарё областидан ёзиг олинган фольклор намуналиридан баъзиларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Бу асарлар Ҳамид Олимжон номидаги Қарши Давлат педагогика институти доценти Абдуқаҳор Мўминов, Чори Ҳамро каби фольклор жонкуярларининг фаол ҳаракатлари натижасида тўплланган.

## Янги туғилган болага атаб айтилган қўшиқ

Отаси айтадики:  
«Белгинамнинг қуввати».  
Онаси айтадики:  
«Ўйгинамнинг сараси».

Акаси айтадики:  
«Тилла пичогим дастаси».  
Тоғаси айтадики:  
«Адрес тўнимнинг кисаси».



Опаси айтадики:  
«Юраккинамнинг қуввати».  
Аммаси айтадики:  
«Эшиккинамнинг тамбаси».

Холаси айтадики:  
«Рўмолгинамнинг нускаси».  
Амакиси айтадики:  
«Жигаргинамнинг боласи».

Айтувчи:  
Нарзиой АВАЗОВА

## Тутдай дараҳт

Эрта оқшом олма пишар,  
Тўпир-тўпир тагига тушар,  
Унга бачалар чопишар,  
Сира бўлмас тутдай дараҳт.

Эрта-кеч узум пишар,  
Иккита патир йўлга тушар,  
Қавми-қариндош топишар,  
Сира бўлмас тутдай дараҳт.

Анжир ўзи пастда бўлар,  
Ётар ери хасда бўлар,  
Борар жойи раста бўлар,  
Сира бўлмас тутдай дараҳт.



Зардолидир мисли беҳиш(т),  
Үтар-кетар бу уч ой қиши.  
Бандалар қиласин нолиш,  
Сира бўлмас тутдай дараҳт.

Қаролидур донаси тахир,  
Пишар ҳамма мевадан, ахир.  
Бачалар келиб менга гапир,  
Сира бўлмас тутдай дараҳт

Тагидан туриб боқаман,  
Устингга чиқиб қоқаман,  
Тўртаси чодир тутади,  
Биттаси тавоққа чопади,

Сира бўлмас тутдай дараҳт.  
  
Шоҳларидур ҳар ёқа,  
Қизлар чиқди сайр боққа,  
Қизлар данакин чақади —  
Тутмайизга хўп ёқади,

Сира бўлмас тутдай дараҳт.

## ТОПИШМОҚЛАР

Ака-ука бир яшайди, бир-бири  
ни кўрмайди [кўз].

Эл тўйса ҳам, эломон тўймас  
[элак].

Кичкина қозоннинг оши тотли  
[ёнғок].

Шақир-шукур шаҳработ,  
Инчаги мәхробод,  
Оғзидағи озиғи,  
Тагида бор қозиги [бешик, бо-  
ла, эмизик, сумак].

Олди ажриқ, кети — қамиш,  
миндим бешик, тепдим тешик [от  
ёли, думи, эгари, узангиси].

Бор-бор отим, бор отим, борга-  
нингча бор отим, ажриқ кўриб  
тишлама, йилқи кўрсанг кишинама  
[дарё].

Оқур тўла оқ олтин [тиш].

Паст-паст тоғдан қор ёғар [ун,  
элак].

Ўзи бирор, қулоги тўртвон [қо-  
зон].

Ўтириши ўмоқдай, бақириши  
тайлоқдай [жизилдок].

Анов бетда беш тайлоқ, манов  
бетда беш тайлоқ, тепишар-да  
копишар [чий тўқийдиган тош].

Букри момом бук этди, югуриб  
уйига кириб кетди [сичқон].

Бир буғдойга уй тўлар [чироқ].

Тўям келаётир, патир отаётир  
[из].

Ўзи битта, қошига борсанг ик-  
кита [ойна].

Товдан ўтин эндириди [пакки].

Оқу лайлак, боқу лайлак,  
Сувдан ўтар сўяксиз лайлак  
[шамол].

Тоғ устида тойнинг изи [кин-  
дик].

Қоронғи томда бели бойлогли  
қўл ётиди [супурғи].

Анов тоғдан қараган, манов  
тоғдан қараган, ўзимга ярашар  
деб, балхи рўмол ўраган [бузоқ-  
боши].

Ўзи бору кўзи йўқ [қумурсқа].

Ҳаргаз-ҳаргаз, бўйни бир газ,  
чақирсанг келмас, ўзингдан қол-  
мас [соя].

Жона бетда ёрти кана [қулоқ].

Сой-сой қамиш, сой қамиш,  
Сирғалиб турган кўп қамиш.  
Шилирар акам келар деб,  
Сийлаб турган шул қамиш.  
[устара, соч].  
Чин қушим, чинни қушим,  
Чин тўбага чиқди қўшим,  
Оғзидан бол узатиб,  
Халиқа салом берди қўшим  
[самовар].

Чўп-чўтири, чийдан ҳам кўтири  
[патирнинг бети, кашта].

Кўк отим кўкка йўргалайди  
[тутун].

Кўк ќўзим юған судрайди [игна  
ва ип].

Ўзи битта — кулмайди, тешиги  
минг — ўлмайди [элак ва элак  
кўзи].

Бир онадан минг бола [анжир,  
узум, қалампир].

Сувда Сулаймон [балиқ].

Ковшаган тошини кўрдим [те-  
гирмон].

Тузи йўқ ошни кўрдим [сума-  
лак].

Чиргидай ерга кун тушмас  
[кудуқ].

Кичкина ботир, тоғдан ўтин  
нуратур [соҷ ва устара].

Ит эмас — ирилламас, одам  
эмас — ўйга қўймас [қулф].

Ўра-ўра, устида шўра [офиз,  
мўйлов].

Қотов-қотов тош қўйдим,  
Қизил отни бўш қўйдим [тиш,  
тил].

Ўтириши тулқидай, ўтлашлари  
йилқидай [чигиртка].

Ичи тўқ, сояси йўқ [ўра].

Ўзи — терак, ичи — ковак [қа-  
миш].

Қат-қатгина қатлама, қатлама-  
дан қатлама [китоб].

Зув боради, зув келади, кўзга  
кўринмас, қўлга илинмас [ша-  
мол].

Айтувчи:  
Қодир шоир РАҲИМОВ

# УСТОДГА ЁДНОМА

Н БЕШИНЧИ аср Шарқ бадий, илмий ҳазинаси зарварақларини кўздан кечирар эканмиз, унинг ҳар бир саҳифасидан буюк санъаткор Алишер Навоййинг муборак нағаси сезилиб турди. Зероки, бу обидаларнинг кўпчилиги Навоййинг моддий ва маънавий кўмаги билан камолотга етган, улуг шоирнинг ижод мактабидан сабоқ олган кишилар — унинг содик маслакдошлари томонидан яратилган Атоулло Маҳмуди Ҳусайнининг «Бадойеъ-ус-саноиё» асари ҳам шулар жумласидандир.

Атоулло Маҳмуди Ҳусайнин XV асрнинг 30—40-йиллари ўртасида Нишопурда туғилган. Фариблика умр кечирган Атоулло Ҳиротда таҳсил кўради, истевъодли адабиётшунос сифатида шуҳрат қозонади, ҳатто Навой эътиборини ўзига тортади. Шунинг учун Навой Атоулло билан

## Навой гулшани

шашсан танишиб, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турди. Машхур тарихчи Ғиёсиiddin Хондамирнинг «Макорим-ул-ахлоқ» асарининг тўқизинчи бобида ҳикоя килинича, Ҳиротнинг «Ихлосия», «Султония» сингари катта мадрасаларида мударрислик қилган Атоуллого Навой давлат ҳисобидан маош тайинлаган ва «жаннатга ўхшаш» ҳовли-жой инъом этган. «Холосат-ул-ахбор», «Макорим-ул-ахлоқ», «Мажалис-ун-нафоис» асарларида таъкидланича, Навой Атоуллони ўз хузурига чорлаб, адабиётшунослик масалалари бўйича сұхбатлар қурган; бадий санъатларга доир асар яратиша ундан. Атоулло Ҳусайнининг «Бадойеъ-ус-саноиё» асари ана шундай даъватлар натижасида юзага келган.

Атоулло Маҳмуди Ҳусайнин адабиётшунослика доир кўллаб асарларнинг муаллифи, истевъодли шоир ҳамдир. Афсуски, яқин-яқингача унинг босиб ўтган ҳаёт йўли ва ижодий мероси илм аҳли эътиборидан четда қолиб келар эди. Айрим мақолалардаги Атоуллого доир фикрлар эса чалкаш, ноаниқ эди. Истевъодли шарқшунос Р. Мусулмонкулов узоқ вақт бу олимнинг ижодий ме-

росини ўрганди; дунё дастхат ҳазиналаридаги асарларининг нусхаларини қиёсий таҳлил этиб, Шарқ адабиётшунослиги тарихида муҳим ҳодиса бўлган «Бадойеъ-ус-саноиё»нинг илмий-оммавий нашрини (Душанбе, 1974), «Атоулло Маҳмуди Ҳусайнин ва форс-тожик шеърияти поэтикаси масалалари» рисоласини ёзди. Тадқиқотчи «Бадойеъ-ус-саноиё» нашрига ёзган сўзбошиси ва илмий рисоласида Атоулло ва унинг «Бадойеъ-ус-саноиё» асарининг яратилиши ҳақида фикр юритиб, Алишер Навой билан Атоулло ўртасидаги яқин дўстлик, ижодий ҳамкорликни алоҳида қайд этади, XV аср адабий-назарий қарашларида катта бир ҳодиса ҳисобланган бу асар бевосита Навойининг таклифи, моддий-маънавий ҳомийлиги натижасида яратилганинг исботлайди ва «бу бир томондан, унинг (Навойининг) олижаноб инсон, олим ва адиларнинг мураббийси ҳамда ҳомийси эканлигини билдириса, иккинчи томондан, ўзбек ва тожик ҳалқарининг икки улуг фарзанди ўртасидаги самимий муносабатларни намоён қиласи», деб таъкидлайди.

Ҳақиқатан ҳам, Навой Атоуллого чинакам устодлик қилган, унинг ижодий ишларини ҳамиша кузатиб борган. Масалан, Навой «Мажалис-ун-нафоис»да Атоуллонинг истевъоди ҳақида самимий фикр билдириб, бир ўринда «Бадойеъ Атоий номли асар ёзатганинг таъкидласа, кейинроқ бу асарни битиб, «баёзга борғони»ни айтади.

«Бадойеъ-ус-саноиё», «Дебоча» ва «Хотимаидан ташқари, уч катта бобдан иборат. Бадий сўз ва маънавий санъатлар таснифига бағишиланган бу бобларда муаллиф адабиётшунослик терминларининг қонун-қоидаларини баён этиб, изоҳини беради; машхур шоирлар ижодидан ва ўз шеърларидан мисол келтириди. Баъша ўтмиш адабиётшуносларидан фарқли ўлароқ, Атоулло санъат ва терминлар моҳиятини мукаммал ёритади, уларни муфассал шарҳлаб, кўплаб далил келтиради. Асар катта адабий-назарий, илмий аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, адабиёт тарихини, айрим адабий-тарихий ҳодисалар, фактларни ўрганишда ҳам ғоятда қимматли дастур, манба ҳисобланади. Зероки, Атоулло элликка яқин шоир, шунингдек, машхур санъаткорлар билан бир қаторда ҳали илм аҳлига кам маълум бўлган Баҳромий, Ризон Нишопурий Котибий, Назирий

Умарали НОРМАТОВ,  
филология фанлари доктори

# МЕҲР ЖИЛОЛАРИ

Улуг Ватан урушидан кейин тинчлик, осойишталик шабадалари эсиб, эндигина одамларнинг кўнгли ҳар хил орзу-ҷавасларга мойил бўла бошлаган кунлар. Мен тенги мактаб ўқувчилари янги бадий асарларга ниҳоятда ташна, аммо бундай асарларни топиш хийла мушкул бўлган кезлар. Қўлимга «Қишлоқдаги жиянларим» деб аталган китобча тушиб қолди. Ўша пайтга қадар мен ўқиган китобларда ё ўтмиш, ё кattалар ҳаётни ёки ўзга ҳалқлар турмуши тасвирланган бўларди. «Қишлоқдаги жиянларим»даги ҳикоялар эса менинг тенгдошларим ҳақида эди. Ёзувчи тўғे бизнинг қишлоқ болалари, шу ерда бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида ёзгандек туюлди менга. Ўшанда мен ўзим кўрган, билган, теварак-атрофда содир бўлаётган оддий кундаклик воқеалар ҳам бадий асар бўлиши мўмкинligini кўриб ҳайратга тушган эдим. Ҳусусан, ҳикоялардаги тинниқлик, одимилик, самимийлик мени ўзига мафтун этган эди. Шундан кейин ўша китоб муаллифи — Ҳаким Назир имзоси билан чиқсан ҳар бир янги ҳикоя ва очеркни иштиёқ билан кузатиб, ўқиб борадиган бўлдим...

Тинниқли адабимиз Ҳаким Назирнинг «Ёш гвардия» нашриётида

1977 — 1981 йиллар давомида чоп этилган беш томлик «Танланган асарлар»<sup>1</sup> мажмуасини кўздан кечирганда, аввало, шу воқеалар хотирга тушади. Қизиқ, 40-йилларда биз тенги ёш китобхонларга маъқул тушган «Қишлоқдаги жиянларим» тўпламидан атиги бир-иккита ҳикоя, 50-йиллари адабий танқидчиликда яхши баҳо олган «Чўл ҳавоси» китобидаги талай ҳикоялардан уч-тўрттасигина «Танланган асарлар» мажмуасидан жой олиби. Шунингдек, кattалар учун ўзган юздан ошиқ ҳикояларидан йигирма тўртаси, ўнлаб очеркларидан бор-йўғи еттитаси мажмууга киритилган, холос. Талабчан адаб ҳажвия ва мақолаларини ҳам саралаб, драма, роман ва қиссаларини эса қайта кўриб чиқиб, жиддий таҳрирлар билан бугунги китобхон ҳукмига ҳавола этиди.

Бугунги китобхоннинг завқи, дидига, ўзбек болалар адабиётининг, аникроғи, прозанинг ҳозирги дараҷасига қараб ҳукм чиқариладиган бўлса, автор тўғри йўл тутган. Дарҳақиқат, 40 — 50-йиллар китобхони ҳамда танқидчилигига маъқул тушган, муаллиф эса мажмууга киритишни лозим кўрмаган талай ҳикоялар ҳозирги ёш китобхон ва адабий танқидчилик талабларига жавоб бермаслиги, ҳатто синчков адаб саралаб олган айрим асарлар бугунги талабчан ўқувчиларни тўла қаноатлантира олмаслиги мумкин. Бунинг боисини ёзувчининг ўзи «Танланган асарлар» мажмуасининг

бешинчи жилдига хотима ўрнида ўзган «Мактабларим ва устозларим» мақоласида ниҳоятда соғдилик ва самимият билан очиқ-равшан айтиб ўтган.

Гарчи тўла бўлмаса-да, беш томликда жамланган асарлар Ҳаким Назирнинг ижодий ўли ҳақида ёрқин тасаввур беради. Мажмуанинг икки жилди катталарга, уч жилди эса болаларга ёзилган асарлардан ташкил топган. Адабнинг болалар учун ўзган асарлари ўзбек болалар прозасининг салкам ярим асрлик ривожланиш йўли, муаммолари, ютуқ ва камчиликлари ҳақида ҳукм чиқариш учун асос бўла олади. Ҳаким Назир меҳнат фаoliyatini ўн саккиз ёшида республика болалар матбуотида ишлashedan бошлади.

Журналистика бўлгуси ёзувчи учун ҳаёт ва ижод мактаби бўлди. «Газета иши, — деб ёзди адаб, — қаламимни қайраб, адабий ишга йўллабгина қолмади, мени кенг ҳаёт ичига, ажойиб болалар дунёсига олиб кирди. Ӯзбекистонда урушгача бўлган йилларнинг ўзига хос ҳаётни масалаларни бор эди... Биз, редакция ходимлари, жойларда бир қанча янгиликларнинг туғилишига ташаббускор бўлган эдик: маҳаллалarda болаларни форпостларга ўютириб, маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш, шаҳардан ташқарига юришлар, колхозларга ҳашарлар ўютириш, болалар орасида бадий ҳаваскорлик ва спорт юзасидан мусобақалар ўтказишда бевосита қатнашиб турардик, ана шу янгилик-

ларни газета саҳифалари орқали кенг ёядик».

Мазкур мавзуларда у ўзган ҳабар, лавҳа, очерклар болалар матбуотида мунтазам босилиб турар эди. Табиатан бадийнинг ҳолда ёзганлари — оддий ҳабар ва лавҳалари ҳам бадий сифатлар билан жилоланар, баъзи лавҳалари очерк, очерклари эса ҳикоя дараҷасига бориб қолар эди; «дастлабки чоқлар мен очерк билан ҳикоя ўртасидаги фарқни тўла тушуниб етмасдим, баъзан мен ҳикоя деб ўйлаган нарса очерк бўлиб чиқар, баъзан эса аксинча», дейди у.

Журналистика билан боғлиқлик туфайли адабнинг ҳикоя ва қиссалари кундаклик ҳаётга жуда яқин, турмуш фактлари ва муаммоларига ниҳоятда сероб. Айни пайтада журналистикага ўта мойиллик баъзан ёзувчи асарларининг бадийнинг монелик ҳам қилиб қолади. Авторнинг ўзи эътироф этганидек, асарларида одамнинг ўзидан кўра унинг иш натижаси, фактлар шархи кўпинча биринчи ўринга чиқади, ёзувчи материал асирига айланади, «материал қаршилиги»ни енгишга қурби келмайди. Оқибатда, жонли одам образи фактик материаллар орасида қолиб кетади. Бунинг устига, ёзувчи ёш қаҳрамонларнинг кундаклик турмуши, фаoliyatni лавҳаларини, анчайин фойдали, ибратли хатти-ҳаракатлари, ишларини жонли

1 Ҳаким Назир. Танланган асарлар. Беш томлик. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриётида

каби ижодкорларнинг шеърларидан ҳам мисоллар келтирган.

«Дебоча»да Атоулло ўз асарининг «имули миллиатнинг қуввати»—Алишер Навоийга бағишиланганини алоҳида таъкидлайди. Бундан ташқари, олим «Бадойеъ-ус-санойеъ»нинг кўп ўринларида, турли муносабатлар билан Навоийни қайта-қайта тилга олади, унга атаб ёзган шеърларини илова қиласи, шоир асарларидан байтлар келтиради. Атоуллонинг Навоий ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ва шеърлари улуғ шоир ҳаёти ва ижодининг айрим томонларини ўрганишида катта аҳамиятга молик. Чунончи, 1486 йили Алишер Навоий Ҳиротда қурдиран муҳташам мадрасасини очилиш моросими бўлади. Атоулло мана шу воқеага атаб қуйидаги таърихни битганд:

Чун мадраса соҳт Мир бо илму адаб,  
Фармуд маро ифодаи аҳли талаб.  
Чун дар шашуми моҳи раҷаб кард  
иҷлос,  
Тарих талаб аз «шашуми моҳи  
раҷаб».

(Мазмуни: Мир илму адаб билан мадраса қўриб, мени унга мударрис этиб тайинлади. Бу воқеа ражаб ойининг олтинчисида бўлгани учун ўнинг тарихини «шашуми моҳи раҷаб»дан топ.) «Шашуми моҳи раҷаб»нинг таърих маддаси ҳижрий 891 йил, ражаб ойининг олтиси, мелодий 1486 йил, 9 июль бўлади. Айрим насрив ве шеърий мисраларда эса, бевосита

буюк шоирнинг ҳаёти ҳамда фаолияти билан боғлиқ саналар, воқеалар зикр қилинади.

Қуйидаги тўртликда Алишер Навоийнинг Астрободга ёхом этиб юборилиши санаси ўз ифодасини топган:

Он мири олисайр — Алишер,  
Кўрошт камоли фазлу тадбир,  
Чун кард қабул боз аморат,  
Таърих шудаш: «аморати мир».

(Мазмуни: фазлу тадбирда комил бўлмиш ул оликаноб — Мир Алишер яна амирликни қабул этганда, бунинг таърихи «аморати мир» бўлди). «Аморати мир»нинг таърих маддаси ҳижрий 892, мелодий 1487 йил бўлади.

Саҳли мумтансен (осону номумкин) истилохини шарҳлар экан, Атоулло Навоийнинг «Түркӣ ва форсий тилдаги асарлари» ҳам «саҳли мумтансен»дир, дейди-да, «Бадойеъ-ус-санойеъ»ни назарда тутган ҳолда, «бу китоб ул ҳазратнинг давлат ва ҳимматлари, даъватлари шарофати билан ёзил битказилди», деб маҳсус қайд этади.

Атоулло Маҳмуди Ҳусайнин ўз асари устод Навоийга манзур бўлишини истар, «унда бирон бир хато учраса, узр рақамини чекиб, мушк ҳиди анқиб турувчи қаламлари билан ислоҳ этишларини орзу этган эди. Буок устоди буни сезган ва «Мажолис-ун-нағоғис»да: «Маълум замаским, бу фанда ҳаргиз ҳеч киши

онча жомеъ ва муғид китоб битмиш бўлғай», деб юксак баҳолаган эди.

Мана, шу улкан илмий-назарий моҳиятга молик, Навоий ва Бобир томонидан юксак баҳоланган асарнинг машҳур шарқшунос, профессор Алибек Рустамов томонидан ўзбек тилига таржима<sup>1</sup> қилиниши республикализм илмий ва адабий ҳаётида сезиларни ҳодиса бўлди. Мазкур таржима маҳсус ўрганишга лойиқ. Биз бу ўринда таржима ҳақидаги айрим мулоҳазаларимизни айтиб ўтмоқчимиз, холос.

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, «Бадойеъ-ус-санойеъ»— том маънодаги назарий асар. Шунинг учун унинг услуби оғир. Адабий терминлар XV аср адабиётшунослиги анъаналарига қатъий риоя қилинган ҳолда қўлланилган. Зеро, таржимон Навоий, Бобир каби олимларнинг илмий асарлари услубидан ижодий фойдалан-

<sup>1</sup> Атоулло Ҳусайнин. «Бадойеъ-ус-санойеъ». Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981 йил.

Хозирга қадар илмий адабиётларда автор исми ва асар номи: Атоулло Маҳмуди Ҳусайнин. «Бадойеъ-ус-санойеъ» шаклида ёзил келинади. Таржимон негадир муаллиф исми ва асар номини бир оз ўзгартириб: Атоулло Ҳусайнин, «Бадойеъ-ус-санойеъ» тарзida ёзади. Бизнингча, бу ислоҳга ёхтиёж йўқ эди — Ҳ. Ҳ.

гани маъқул. Таржима охирида асарда учрайдиган мураккаб иборалар, термин, бирикма ва турли ном, атамаларнинг мукаммал изоҳи, шарҳлари берилган; шеърий парчаларнинг таржимаси келтирилган.

Таржимоннинг жиддий хизматини камситмаган ҳолда бир-икки истак билдиromo'чимиз. Аввало, бугунги китобхонни назарда тутиб, асл нусха мазмунига зарар етказмаган ҳолда, асарни бундан кўра бирмунча содароқ тарзда ҳам таржима қилиш мумкин эди. Сўнг, маълумки, «Бадойеъ-ус-санойеъ»нинг барча мавжуд қўллэзмалари орасида Самарқанддаги Ўзбекистон ҳалқлари тарихи ва маданияти музейида сақланыётган нусха энг мукаммал, мўътабардир. Ўртоқ А. Рустамов негадир таржимага Ленинград Давлат кутубхонасида сақланыётган нусхани асос қилиб олган. Ваҳоланки, кейинги тадқиқотларда аниқланишича, Ленинград нускасида Навоийга доир кўп фикрлар, улуғ шоирга бағишиланган шеърлар мавжуд эмас, матнда нуқсонлар кўп.

Лекин, хулоса ўрнида, шуни таъкидлаш керакки, Атоулло Маҳмуди Ҳусайниннинг улуғ Навоийга бағишиланган бу ажойиб асари Ўрта Осиё ҳалқлари адабий-эстетик қарашлари тарихини, адабиёт тарихининг айрим жиҳатларини ўрганишга, Навоий фаолиятининг баъзи томонларини янада тўлиқ тасаввур этишга ёрдам беради.

**Ҳамидикон ҲОМИДОВ,**  
филология фанлари кандидати

гарадалантириб беради-ю, улардан келиб чиқадиган маънонинг салмонига етарли ётибор бермайди.

Буларни эслатишдан мақсад шуки, Ҳаким Назирнинг ilk йоғодига, бинобарин, ўзбек болалар прозасининг 40—50-йиллардаги ривожига хос камчиликлар, қўйинчиликлар бугунги кунда ҳам тўла бартараф этилган эмас; тавсифий характердағи ҳикоя ве қиссалар ҳамон болалар матбуотида кўриниб туриди.

Болаликни, болалар адабиётининг ўзига хослигини пеш қилиб, болалар учун ёзиладиган асарларни ҳаддан ташқари соддалаштириш, жўнлаштириш ҳолларига кўп марта дуч келганимиз, шундай кайфиятдаги адабиётчилар ҳамон учраб туради. Тўғри, болалар адабиётининг кўпгина ўзига хос томонлари бор. Бироқ бу ҳол болалар учун ёзадиган авторларга катта ҳаёт ҳақиқатини, ҳаётнинг мухим муммалорини четлаб ўтиш ҳуқуқини бермайди; энг яхши асарлар тажрибаси шуни кўрсатади, мөхир адаблар бола руҳиятининг ўзига хослигини, болалар завқи, дидини назарда тутган ҳолда уларни катта ҳаёт ичига дадил бошлаб киришдан, ҳаётнинг мухим, жиддий, ҳаттоки чигал муаммолари билан таниширишдан чўчимайтилар. Аслида худди шундай жиддий асарларгина болалар қалбидаги чуқур из қолдиради, мухим тарбиявий аҳамият касб этади. Буни Ҳаким Назир ижодий тадрижи мисолида ҳам кўриш мумкин. Ижодини болаларнинг кундадик турмуши, анчайин оддий ишлари ҳақидаги ҳикоялардан бошлаган қаламкаш бора-бора кескин конфликтли, жиддий ҳаётий муаммоларни кўтариб чиқувчи асарлар яратади. 1953 йили «Кўкорол чироқлари» деған ном билан эълон этилган, кейинчилик автор тубдан қайта ишлаб «Сўнмас чақмоқлар» деб атаган ва беш томлик асарлари мажмуасидан жой олган қиссаси билан 70-йилларда яратган «Кенжатой» повестига

қадар адаб томонидан босиб ўтилган йўл ўзбек болалар прозаси учун фоят ибратлидир.

«Сўнмас чақмоқлар» Аркадий Гайдарнинг машҳур «Темур ва унинг командаси» асари таъсирида ёзилган. Бу қисса орқали автор ўзбек пионерлари орасида ҳам темурчилик ҳаракати кенг ёйилганини, болаларнинг катта ҳаётда тутган ўрнини кўрсатамоқчи бўлади. Оила, коллектив ва дўстликнинг болалар характерини оплоп қор қоплаган ва бағрида қимматбаҳо ҳазиналар яширинган тоғлар, гул-лолаларга бурканган, туюркачларидай паст-баланд кирлар, қишин-ёзин шарқираб оқсан шўх сойлар, қайнар булоқлар, ширин-шакар мевааларга тўкин боғроғларни тасвиrlаб, булар орқали болаларда она юртига, ўз ўлкасига муҳаббат уйғотмоқчи бўлади. Авторнинг ишни яхши. Лекин булар ўша даврларда битилган ҳикоялардаги каби кўпроқ тавсифий ўйлар билан амалга оширилган. Асарда ўкувчани тўлқинлантирадиган, ўйларни қўядиган чинакам конфликт, муаммоларни ўйқ, хилма-хил воқеалар, манзаралар тавсифи бору уларнинг бадиий таҳлили заиф.

Ёзувчининг кейинги йирик асарлари «Ёнар дарё», «Лочин қанотлари», «Кенжатой»да эса ўзгача манзарага дуч келади. «Лочин қанотлари» романидаги ёзувчи Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек болаларнинг машақатли ҳаёти ҳақида ҳикоя қиласи, «Ёнар дарё» повестида кичик қаҳрамони кўзи билан катталар — улкан ишларни амалга ошираётган бунёдкор ишчилар ҳаётига назар ташлайди, катталар ҳаётининг чигал муаммоларини ҳам қаламга олади. «Кенжатой»да эса ёш қаҳрамони мушкул, чигал тақдирли-

ни кескин зиддиятлари, мураккаблиги билан ифода этади.

Урушдан кейинги йиллар ўзбек очеркининг ривожида Ҳаким Назирнинг хизмати катта. Афсуски, «Танланган асарлар» мажмуасидан бу жанр намуналарни оз ўрин олган. Лекин келтирилган намуналар ҳам ёзувчининг очерк жанридаги имкониятлари тўғрисида маълум тасаввур бера олади. Адабининг очеркларини меҳнат ҳақидаги мадҳия, деб аташ мумкин. «Ўтлар туташганд» очеркида Қизилкум саҳросида амалга оширилган яратувчилик ишлари, «зангори олов» бунёдкорларининг ўта оғир шароитдаги мислсиз жасорати жонли гавдалантирилган. «Шербод шерлари»да пахта далалари заҳматкашларининг шижаотли меҳнати таранум этилган. «Севил», «Франция хотиралари» эса адабиётимизда қадимдан мавжуд бадиий сафарноманинг бугунги яхши намуналариданди.

Ҳаким Назирнинг катталар учун ёзган асарларининг чўқиси, менинг назаримда, «Кўктерак шабадаси» қиссасидан. Бу қисса 60-йиллар ўзбек прозасининг жиддий ютуқларидан биридир. «Кўктерак шабадаси» адабининг катталарга мўлжалланган биринчи қиссаси «Сув гадоси» каби ёшлар ҳаётидан баҳс этади. Автор ёш авлоднинг ҳаётдаги дастлабки қадами, кураш ва интилиши, ташвиш ва қувончлари ҳақида ҳикоя қиласи, ҳозирги ёшларнинг ҳаётдаги ўрни, бурчи, тарбиясига доир ўй-мушоҳадаларини ўтага ташлайди. «Сув гадоси»дан кейин бу тасаввур қисман ўзгарди, энди ёзувчи Ҳаким Назир катталар ҳаётваси сифатида ҳам тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Бу асар адабининг катталар адабиётидаги мавқенини хийла ошириди.

Шу тариқа ёзувчи барча асарларида тобора ҳаётни, қаҳрамонлар тақдирини мураккаблиги, зиддиятлари билан кўрсатиш томон боради. Бироқ у мураккаб, чигал ҳодисалар тасвирида ҳам илк асарларида ёк кўзга ташланган услубидаги бир мухим фазилатни — соддалик, одимилик, самимийликни сақлаб қолади. Зотан, Ҳаким Назирнинг ўзи табиатан болаларча беғубор, соғдили, камтар, самимий одам. Унинг қалби меҳр туйғуси билан лиммомлам. Қалбидаги шу меҳр жилолари эса «Танланган асарлар»ни беш томлиги саҳифаларида равшан кўриниб турибди.



тўғусидан маҳрум этиш ҳоллари учраб туради. «Кўктерак шабадаси» бу хил бир ёқламаликлардан холи.

Ёзувчи, одатдагидек, бу асарида ҳам воқеаларни холис турғиб осоишида ҳикоя қиласи, шу билан баробар, тасвири жозибадор қилиш йўлларини ахтаради, қувноқ юмор билан майин лирикани ишга солади. Автор тасвири соҳта патетикадан холи. Аммо у қаҳрамон қалбидаги олижаноб туйғуларни тасвиirlар экан романтик бўёқлардан баракали фойдаланади.

«Кўктерак шабадаси»га қадар Ҳаким Назир асосан болалар ёзувчи сифатида машҳур эди. Аввалини ҳам катталар учун талай асарлар ёзган бўлса-да, бари бир, болалар адабиёти соҳасидаги хизмати устунлик қиласди. «Кўктерак шабадаси»дан кейин бу тасаввур қисман ўзгарди, энди ёзувчи Ҳаким Назир катталар ҳаётваси сифатида ҳам тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Бу асар адабининг катталар адабиётидаги мавқенини хийла ошириди.

Шу тариқа ёзувчи барча асарларида тобора ҳаётни, қаҳрамонлар тақдирини мураккаблиги, зиддиятлари билан кўрсатиш томон боради. Бироқ у мураккаб, чигал ҳодисалар тасвирида ҳам илк асарларида ёк кўзга ташланган услубидаги бир мухим фазилатни — соддалик, одимилик, самимийликни сақлаб қолади. Зотан, Ҳаким Назирнинг ўзи табиатан болаларча беғубор, соғдили, камтар, самимий одам. Унинг қалби меҳр туйғуси билан лиммомлам. Қалбидаги шу меҳр жилолари эса «Танланган асарлар»ни беш томлиги саҳифаларида равшан кўриниб турибди.

УЛУФ ОКТАБРЬ социалистик революциясигача бўлган даврда билим ва жэдолат, адолат ва зулм, тараққиёт ва инқироз, тафаккур ва разолат ўртасида кескин кураш борди. Мехнаткаш халқ орасидан етишиб чиққан маърифат-парвар шоир ва шоиралар адолат-сизлик ва худбинликка, жаҳолат ва разиликка қарши норозилик билдириб, меҳнаткаш халқ манфаати учун хизмат қилдилар. Ўтмишда

яшаб ўтган халқчил шоиралар ўз асарларида мазлум хотин-қизларнинг фожиали ҳёти ва уларнинг орзу-умидларини, ўқинч ва армонларни тараннум этдилар. Чунончи, Фариддин Аттор ҳурмат билан тилга олган балхлик шоира Робиа, Истамий ва Ойша Самарқандий (XI аср), Махастий Хўжандий, Ситтихоним, Мутриба (XII аср), Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг эътиборини тортган Мунахжима ва

Мехрий, Бобирнинг қизлари Гулбаданбегим ва Гулчехрабегим, XVI—XVIII асрларда ижод этган Нуржаон ва Зебуннисо, XVIII аср охири, XIX асрнинг биринчи яримда яшаб ижод этган Нодира, Увайсий, Маҳзунана каби лирик шоиралар, XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаган Муаззамхон, Нозимахоним каби шоиралар шулар жумласидандир. Феодализм жамияти ҳукмрон бўлган оғир шароитида ижод килган бу шоиралар

ислом дини идеологларининг кескин тақиқларига қарамай, чинакам халқчил ижод билан шугулландилар. Уларнинг адабий меросини ўрганиш ва таҳлил қилиш, биографиясига оид маълумотларни тўплаш илмий-тарбиявий аҳамиятга эгадир. Чунончи, Кўқон адабий мұхитида ижтимоий-сиёсий гояларни олға сурган Нодира, Увайсий ва Маҳзунанинг ҳёти ҳамда ижодига доир янги маълумотлар ҳам эътиборни ўзига тортади.

## НОДИРА

ЎҚОН адабий мұхитида усузлил мәктабини яратган ажойиб санъаткор Нодира XVIII асрнинг бошларида, таҳминан 1791 йилларда Андижон ҳокими Раҳмонкулбий оиласида дунёга келди. Шоиранинг асли исми Моҳларойим бўлиб, Нодира унинг адабий таҳаллусидир. Шоиранинг онаси Ойшахоним ҳам ўз даврининг саводли аёлларидан бўлган.

Нодира ўзидан аввал сўз мулкининг сultonлари: Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Бобир, Фузулий, Бедил каби даҳоларнинг ижодий мактабларида баҳраманд бўлди. Маълумки, ўша пайтларда Кўқонда бир-бирига қарама-қарши иккى адабий оқим мавжуд эди. Булардан бирни феодал-клерикал йўналишдаги адабиёт бўлиб, бунга Умархон бошчилигидаги сарой шоирлари: Адо, Фазлий, Вазир, Нола, Маъюс кабилар мансуб эди. Иккинчи йўналишдаги прогрессив демократик адабиётга Фозий, Ҳозири, Махмур, Гулханий каби ҳақ-ӯй шоирлар мансуб эдилар. Шоира Нодира ҳам ана шундай илғор фикрли қалам аҳли доирасида ижод қилди.

Мамлакат маданий ҳётида ўзининг зукко ақли билан катта ҳурмат қозонган Нодирани зиёлилар «Ойим» деб атар эдилар. У фозил кишиларга, илм аҳлига катта аҳамият берил, илғор фикрли шоир ва шоираларни ўз ҳимоясига олган эди. Унинг замондоши шоир Нодир бир ғазалида шундай дейди:

Аннингдек келмагай даҳр ичра Ойим,  
Аннинг кўнгли саҳоват ичра доим.

Сурубон келтириб аҳли фазоил,  
Ингилди даргоҳида ҳар қабоил.

Баътиси шеър ичра эрди мөҳир,  
Газал демоқда барча эрди шоир.

Нодиранинг бевосита раҳбарлиги остида Кўқонда илм-фан ва маданият ривожланди. Бу эса реакцион руҳонийлар ва амалдорларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Улар Нодирага қарши Бухоро амир Насрулло билан тил биринтиридилар. Амир Насрулло 1842 йили Кўқон ҳонлигига қарши юриш бошлади ҳамда салтантин талон-торож қилди. Айни вақтда Нодиранинг иккى ӯғли Маъдалихонининг ўзига ўтган шоир Насрулло билан Султонмаҳмудни сўйдирилди. Маъдалихонининг ўзиги — таҳт вориси Муҳаммадаминини ҳам ўлимга ҳукм қилди. Насруллонинг бундай ёвузлигидан қаттиқ ғазабланган Нодира фарёд кўтариб, амирга нафратлар ўқиди. Шундан

кейин Бухоро амири Нодиранинг ҳам бошини кестириди.

Моҳларойим — Нодиранинг ўлдирилиши ҳақида адабиётшунос олимлар ўртасида ҳар хил фикрлар бор. Шоир ва адабиётшунос ўткир Рашид шундай ёзди: «... Бу урушда (амир Насруллонинг Кўқонга бостириб келишида — Ж. У.) Амир Насрулло ғолиб келиб, неча юзлаб гуноҳсиз кишиларни қиличдан ўтказди. Маъдали ва унинг ўғли Муҳаммад Аминни жаллодга топшириди. Жаллод уларни ўлдиришга тайёрланиб турганида, оппоқ сочлари тўзиган, паришон ҳолда Нодира пайдо бўлади. У бегуноҳ уч яшар набирасини қучоқлайди ва Насруллога қараб шундай хитоб қилади:

Эй забардасти зеридаст озор!  
Сенга ҳам келур бу қизиқ бозор!

Амир Насрулло буйруғи билан Нодира, унинг ўғли Маъдали ва набираси Муҳаммад Аминни жаллод кундасига келтирадилар. Жаллод аввали Нодиранинг сочини қирқади, кейин набираси, ўғли ва ҳар учварининг қўлларини кесади, сўнг оёқларини қирқади ва охри учварининг қўлларини кесади. («Уч шоира», 10—11-бетлар).

Тожик адабиётшунос олими Тожи Усмон Венгрия олими Герман Вамберининг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳар тарихи», Мулла Ниёз bin Охунд Муҳаммаднинг «Тарихи Шоҳруния» асари ва «Тарихи Қори Қундузий» китобларида баён қилинган фикрларга асосланиб, Нодиранинг ўлдирилиши тафсилоти ҳақида сўз юритади ва унинг ўлими олдида айтган шеъридан қўйидаги байти келтиради:

Бу тупроқлар кўзим қони ила минг  
лолазор ўлса,  
Бобомдур бу, момомдур бу, отамдур  
бу, онамдур бу.  
(«Бисту се адаба», 102-бет).

Нодира ижодининг ўзига хос хусусиятларидан тўла хабардор бўлган олим Азиз Қаюмов бу унинг байти эмаслигини, шоира ўлими олдидан шеър ёзмаганинги таъкидлайди. Нодира набирасини ўлимга буюрган амир Насруллога қараб, ғазаб ва нафрот билан шундай дейди: «Эй золим, отасини-ку ўлдиридинг, бу гўдакда нима гуноҳ бор, нега буни ҳам ўлдирасан! — деб хитоб қилади. Амир унга ҳақорат билан: «Истансанг, сени ҳам ўлдираман!», деб жавоб беради. Нодира бундай фожиаларни қўриб: «Тирик қолганимдан кўра ўлганим минг марта афзал!», дейди. Шундан сўнг Насруллонинг буйруғи билан жаллодлар Нодирани ҳам қатл қиладилар».

Амир Насрулло Кўқонда ўн бир кун бўлиб, хонликка самарқандлик

Иброҳим парвона деган кишини ҳоким қилиб тайинлайди. Ўзи Бухорога қайтади.

Орадан кўп вақт ўтмай Норбутайбийнинг укаси Ҳожибекнинг ўли Шералихон амир Насруллонинг аскарларини Кўқон ҳонлиги территориясидан ҳайдаб чиқариб, ўзи тахта ўтиради. У Нодира ва унинг набираси, шоира билан бирга қатл қилинган Ҳуштолби билар жасадини шахар қабристони — «Даҳмаи Модари хон»га қайта дағи этиради. Амир Насрулло томонидан қатл этилган Маъдалихон ва Султонмаҳмуднинг жасадини эса «Даҳмаи Шоҳон» қабристонига қайта дағи этиради.

ЎзФА Ҳамид Сулаймонов номидаги Кўлёзмалар институти томонидан 1980 йил 30 ноябрдан 15 декабргача ўтказилган илмий экспедиция Фарғона водийсида Октябрь революциясигача яшаб ижод этган шоиралар ҳёти билан боғлиқ бўлган жойларни ўрганишда яхши маълумотлар тўплади...

1967 йил 25 май куни шоира Нодиранинг ҳоки Кўқон янги қабристонига кўчирилиб, унга ёдгорлик ўрнатилди.

## УВАЙСИЙ

У МАРХОН даврида ҳам, Маъдалихон даврида ҳам Кўқонга олимлар, санъаткорлар, шоир ва тарихчилар кўпроқ жалб қилинган эди. Саройда мушоира, ғазалхонлик ва адабий анжуманлар тез-тез бўлиб туради. Шоира Увайсий ҳам Кўқонга келишини орзу қиларди. Лутфий, Алишер Навоий, Фузулий ижодидаги лирик баркамолликни, Бедил ва Машраб шеъриятидаги фалсафий тенденциини ҳавас билан ўрганган Увайсий Кўқонга — Нодира номига газаллар ёзиб юборар эди. Увайсийнинг шеърлари Нодирага жуда маъқул тушади. У Увайсийни Кўқонга тақлиф қилади. Нодира Увайсийни ўз ҳимоясига олиб, уни яқин маслаҳатгўй сифатида қабул қиласи. Бунинг сабаби, Увайсий Нодирадан 10—15 ёш катта бўлиб, ижодда камолотга эришган шоира эди. Увайсий саройда муаллима, созанди, хонданда ва шоира сифатида шуҳрат қозонади.

Увайсийнинг Кўқонга, хон ўрдасига келиши ҳақида турли манбаларда ҳар хил қарашлар мавжуд. Чунончи, 1945 йили нашр этилган «Ўзбек адабиёти крестоматиясига» китобида шундай сатрларни ўқиимиз:

«Увайсий Умархон саройига тўпланган шоирларнинг мажлисини эшитиб, у ердаги шоирлар билан мушоирга қатнашиб, ўз кучини синамоқ орзусида юрар экан. Пайт топиб бу орзусини отасига билдирган. Отаси

севикили қизини бу фикрдан қайта-ришга уринса-да, муваффақ бўлолмаган. Ниҳоят, рози бўлиб, уни қўқонлик бир дўстининг уйига юборган. Бу киши Увайсийнинг ҳали ёш жувон эканини кўриб, уни бу фикрдан қайта-ришга уринган. Увайсий ўз фикридан қайтмай, мақсадига эришишга ёрдам берини илтимос қилиб, ялиниб ёлвоганидан кейин у киши, кампир қиёфасида ўрдага бориб кўринг, деб маслаҳат берган.

Увайсий кампир қиёфасида ўрдага боради. Уни шоирлар мажлисига қабул қилмайдилар. Шунда Увайсий бир байт ёзиб мажлисга киритиб юборади. Шундан кейин уни мажлисга қабул қиладилар. Бироқ, бу ерда Увайсийнинг кампир эмас, ёш жувон экани билиниб қолиб, уни ўрдага, чўрилар қаторига киритиб юборадилар. Увайсий шу бўйича Умархон саройида қолиб кетган экан».

Кўқон адабий мұхитининг билимдорларидан Пўлатхон Қаюмов шундай ёзган эди:

«Увайсий марғилонлик шоир Сиддикнинг қизи бўлиб, отаси ниҳоятда факирлик натижасида ўз қизининг сарой ҳарамига киритилишига розилик беришга мажбур бўлгани ва Увайсийнинг саройда Нодира тарбияси остида камолга етишиб, адабий мұхитда маълум даражага эришгани эҳтимол тутилади...

...Увайсий ҳаётининг охиригача Кўқон шаҳрида қолади, Диловарномли ўғли бўлган».

Адабиётшунос олим Тўхтасин Жалолов «Ўзбек шоирларининг биринчи китобида Увайсийнинг Кўқонга келишини қўйидагича тасвиirlайди:

«Увайсий (Кўқонда) бу дўст хонадона бир неча кун истиқомат қилиб, сарой шоирлари тўпланиб, адабий сұхбатлар ўтказадиган вақтларини аниқ билиб олади.

Кунлардан бир кун Увайсий ана шу қўқонлик ҳомийсининг маслаҳати билан жулдур паранжи ёпиниб, кампир қиёфасида баланд овоз билан келганини сўрайдилар. Соқчилар бу «кампир»га, шоҳ ва шоирлар мажлисига қаерда; сен қаерда, мақомида муомала қиладилар. Шунда соқчига бир қоғоз берил, буни подшоҳга топширинг, деб илтимос қиласи. Соқчи саройга кириб, подшога воқеани батасил ҳикоя қилиб, «кампир» берган қоғозни очиб қараса, у газал экан. Шоҳ уни шоирлар тўпланиб мажлисда баланд овоз билан ўқиб беради. Газал ҳаммага манзур бўлуди. Шундан сўнг Умархон соқчига «кампир»ни олиб келишини буюради. Соқчи дарҳол «кампир»ни бошлаб келади. Аҳли мажлис «кампир»нинг газалига ғоят юксак баҳо берил, мақтайди. Шунда Увайсий, нишонга урганини



Узбекистон ССР халик артисти, хушовоз ҳофиз Ориф Алимаҳсумов ўзининг дилрабо ашулалари билан қўшиқ ихлосмандарининг чуқур ҳурматига сазовордир. Санъатнига равначи йўлида астойдил хизмат қилаётган севимли санъаткор анча-мунча ёшларга ўстозлик ҳам қилаёттир.

Суратда: Ориф Алимаҳсумов ўғли Жўравой Алимаҳсумов билан классик ашулалардан бирини икро этаётир.

Н. ШАРИПОВ фотоси

фаҳмлаб, жулдур парәнжини секин бошидан олиб ташлайди. Умархон ва аҳли мажлис акл бовар қилмайдиган мўъжизани кўрадилар: уларнинг қаршисида кампир эмас, соҳибжамол бир жувон турарди.

Умархон Увайсийдан қаерлик ва нима муддао билан келганини сўрайди. Увайсий шоҳга ўз саргузаштими батафсил сўзлаб беради. Увайсийнинг ҳикоясини эшитиб Умархон ва сарой шоирлари бу жувоннинг адабиёта мұҳаббати, ҳикмат ва жасоратига қойил қоладилар. Шундан кейин Умархон Увайсийни ўрдадаги хоним ойимларга мураббий қилиб тайналайди ва унга алоҳида жой беради. Шу тариқа Увайсий ўз замонидаги машҳур шоирлар каторидан муҳим ўрин олиб, сарой шоирларининг адабий мунозараларига комил ҳукукли аъзо сифатида қатнашиб юради.

Увайсий Нодиранинг марҳамати билан Қўқон шаҳрида ҳовли-жойи бўлади. Увайсийнинг Нодира билан бўлган яқин ва яхши муносабати кундан-кун мустаҳкамлани боради. Натижада, Нодира қаерга борса, Увайсийни ҳам бирга олиб борадиган бўлади. Увайсий Нодира кўмагига у билан бирга Конибодом, Хўжанд, Уратепа, Ўш, Тошкент, Андикон, Намангандаги шаҳарларда бўлади ва халқ ўртасида маърифатпарвар шонра сифатида шуҳрат қозонади.

1822 йили Умархон вафот этди. Шундан сўнг тахтга унинг ўғли Маъдалихон ўтиради. У шоира Увайсийни зрга тегишига мажбур қилиб, Сайд Ҳасан охун исмли кишига узатмоқчи бўлади. Увайсий бу таклифи рад этди. Бундан аччиғланган Сайд Ҳасан охун Маъдалихоннинг маслаҳати билан қози, мударрис ва бошқа амалдорларни ишга солиб, Увайсий яшаб турган ҳовлини ўзига ўтказиб олади. Бунинг устига, хон Увайсийни Нодира томонидан Увайсийга берилган инъом ва мукофотлардан ҳам маҳрум қиласди. Чорасиз қолган шонра ўзининг сoddадиллиги туфайли бу можароларнинг бошида Маъдалихон турганингни билмасдан, унинг ғазалига мухаммас бағишлаб, илтико қиласди:

Қил амон, ё раб, адулар мөжаросидин мани, Сақлагил осий бу гардунни изосидин мани, Сер айла лутф султонлар атосидин мани,

Қил жудо бўл баҳт-толетълар қаросидин мани,

Қутқар, эй хоним, Ҳасан бақиқол балосидин мани, Қылғон ул бехуда ҳам жабру жафосидин мани.

Бироқ Маъдалихон Увайсийнинг бундай илтико ва арзномаларига қулоқ солмайди. Ҳатто ўз онаси Нодиранинг оқилона маслаҳатларига, панд-насиҳатларига ҳам итоат қилмайди. Ниҳоят у Увайсийнинг эндиғина ўн тўрт ёшга кирган Диловар исмли ёлғиз ўғлини Қашқарга сарбоз қилиб жўнатиб юборади. Бундан алам ва изтироб чеккан шоира «Софидим» радифили шеърида шундай дейди:

Бугун, эй дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим, Гадо бўлсан не айб, ул шоҳи давронимни соғиндим.

Мусоғирман, гарибман, бекасу ҳам бенаводурман, Вужудим дардга тўлди, эмди дармонимни соғиндим.

Тилимнинг зикрию кўнглимнинг фики, яхши фарзандим. Азизим, ёлғизим, давлатли султонимни соғиндим.

Кечакундуз йўлига мунтазирдирмен, тикармен кўз. Келиб ҳолим сўрибон кетса, меҳмонимни соғиндим.

Насибин узмади тангри, иложин топмагай келса, Онам деб бўлгуси бағри қизил қонимни соғиндим.

Қоронги бўлди олам кўзимга ушбу жудоликдин, Кўзу кўнглум зиёси моҳи тобонимни соғиндим.

Мени бекас Увайсий, Йиглайман рўз-шаб тинмай, Уйнининг зийнати, кўз равшани, ҳонимни соғиндим.

Нодира қатл қилинганидан сўнг Увайсий Марғилонга кетиб қиласди, 1844 йили 65 ёшида вафот этди. Ҳозир унинг қабри Тарихий ёдгорликларни сақлаш республика жамияти муҳофазасида.

## МАҲЗУНА

РУҚОН адабий мұхитида Маҳзуна ҳам муҳим ўрин тутади. У XVIII аср ўрталарида яшаб ижод этган, нозиктаъб шоирлардан биридир. Унинг асли исми Мехрибон бўлиб, Маҳзуна шоиранинг адабий таҳаллусидир.

Маҳзунанинг отаси Мулла Бошмон ҳам, онаси ҳам саводли бўлганлар. Мехрибон уларнинг қўлида ўз саводини чиқарди. Бўлғуси шоира араб ва форс тилларини мукаммал ўрганиди. Ўзбек ва форс классик шоирларининг асарларини севиб ўқиди. Айни пайтда Алишер Навоий ва Фузулийга эргашиб ўзи ҳам гўзал шеърлар ёза бошлайди. Орадан кўп ўтмай Мехрибон ҳалқ ўртасида ажойиб ғазаллари билан танилади ҳамда ўзига Маҳзуна таҳаллусини олади.

Маҳзунанинг ҳаётни ва ижоди тўғрисида айрим маълумотлар бизгача етиб келган. Булар шоира Фазлий Наманғоний, Муҳаммадидик бинни амир Музаффар Ҳашмат тазкирапида, Т. Жалоловнинг «Ўзбек шоирлари» китобларида, «Уч шоира» тўпламида, тоҷик адабиётшуноси Тоҷи Усмоннинг «Бисту се адаба» китобида, П. Қаюмовнинг «Қўқон тарихи ва адабиётти» кўллэзмаси асарида, А. Қаюмовнинг «Қўқон адабий мұхити» асарларида ўз ифодасини топган.

Бу манбаларда шоира Маҳзунанинг ҳаётни турлича талқин этилганини кўрамиз. Чунончи, Фазлий Наманғоний ўз тазкирасига киритилган бир ҳикоясида қўйидагиларни баён қиласди: «Фозил бир кишининг муборак чехра, баҳт юлдузидек пок кизи бор эди. У ақлу идрокда Зебунисодек ягона бўлиб, Қўқонда машҳур шоирadir. У ўз номидек мулойим, меҳрибон эди ва мени имтиҳон қилиб синаб юради. Ҳурлар рашқ қиласиган бу гўзал узоқдан хат орқали мен билан сўзлашиб турарди. Бу ой юзликнинг таҳаллуси Маҳзуна бўлиб, баландпарвоз ҳаёли ўзгача эди. Ҳуштаъб, одобли, шунингдек, маъсума, ифрати эди.

Мен нотавон турли ўй-фикрлар билан унга қандай ғазаллар юбормайин, ул пари чехра менинг ҳар байтимга гавҳардек пок жавоблар

қайтарарди. Бир куни ул гулчехранинг шеърини ўқиб, сўзининг завқшавқида бекарор бўлдим ва дарҳол уйларига бордим. У мени кўрибоқ: «Шеър ўқунг», деди. Бу нозаниннинг сўзларига таҳсин қилиб, мен мана бу туркча шеърин ўқидим:

Фазлий  
Юз оғарин сўзингга лубби лубоб кўрмай.  
Арзи жамол этарму, ойина об кўрмай?...»

Ҳозиржавоб ва нозиктаъб шоира Маҳзуна Фазлий билан юзмажою турб, «Кўрмай» радифли бу фазалга мушоира тарзида қўйидагича жавоб қайтарган:

— Кимдан чиқар бу сўзлар бағрин кабоб кўрмай; Ганж ўлмагай мусассар холин ҳароб кўрмай...»

Шу тариқа Фазлий билан Маҳзуна ўртасидаги ижодий ҳамкорлик бир неча йил давом этади. Узи ёзиб юборган шеърларга Маҳзунанинг зукколик билан жавоб қайтириши Фазлийн мафтун этади. Фазлий Маҳзунанинг ижодий камолотигина эмас, балки унинг ҳусн-жамолига ҳам ошиқ бўлади. Бироқ Фазлий буни Маҳзунадан сир тутади...

Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, тазкирапи, адабиётшунос Пўлатхон Қаюмов «Қўқон тарихи ва адабиётти» кўллэзмаси асарида Маҳзуна таржима ҳолига оид ишончили маълумотларни келтиради. Чунончи, муаллиф унда Маҳзунанинг отаси Мулла Бошмон Қўқонда ўз давригини илмли, обруғи кишиларидан бўлганлигини, шунингдек, унинг Умархон саройига таклиф этилмаганинг таъкидлайди.

ЎзФА Ҳамид Сулеймонов номидаги Қўллэзмалар институти томонидан ўютирилган илмий экспедиция пайтида бир мунча маълумотлар аниқланди. Улар Қўқон адабий мұхитида инсонпарварлик, адолатпарварлик ва дўстлик ғояларини ўз асарларида олга сурған Нодира, Увайсий ва Маҳзуна сингари шоирларнинг ҳаётни ва ижодини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди, деган умиддамиз.

Жўрахон УСМОНОВ,  
ЎзФА Қўллэзмалар институтининг катта илмий ходими, педагогика фанлари кандидати

# САРТАРОШ ВА КАТРОНИЙ

ХАЖВИЙ ҲИКОЯ

30

СУФ САРТАРОШ эртап билан дўконни очиб, мўъжазгина хонани шамоллатди-да, сув тўла электр чойнакнинг вилкасини розеткага тикиб кўйди. Сўнгра галадондаги устаралардан бир нечтасини олиб, узун чарм камарга уриб, чархлай бошлади.

Юсуф сартарош — тиниб-тинчи майдиган одам, бир минут ҳам бекор ўтиргиси келмайди. Ўз ҳунарига ҳурмат билан қаради. Танишибшиллари, мижозлари ҳам кўп. Ҳар қалай «аъло» бўлмаса ҳам «яхши» баҳо кўйса арзидиган уста. Гапга ниҳоятда чечан, аскияга ҳам, ҳазил-мутойибага ҳам, кесатиқча ҳам ўз вақтида жавоб бера олади, қарздор бўлиб қолишни ҳодламайди.

У устараларни чархлаб бўлди-да, очиқ турган эшик ёнига борди, кесакига хиёл суюниб, кўчага қаради. Кўчада одам кам эди. Узоқ-яқинда кўринаётган якка-ярим йўловчилар орасида устанинг мижозлари кўринмасди. Эрталаб аксарят ҳолларда шунаقا бўлди, тахминан соат ўн бирлардан кейин дўконда одам кўпайди. Уста кўчадан нигоҳини узиб, электр чойнакнинг симини розеткан суғуриб кўйди. Кейин атири пуркағични кўлига олди: шишиаси бўшай деб қолибди. Янги атири қўя бошлади.

Шу пайт дўкон эшиги олдида кимнингдир кўланкаси кўрингандек бўлди. Уста ўғирлиб қаради. Ўрта бўйли, бошининг олди тарафидаги соchlари деярли тўкилиб битган, орқа тарафидаги соchlар елкасида осилиб ётган бир киши дўкон ичкарисига тикилиб турарди. Сартарош қўлидаги шишаларни галадон устига қўйиб, эшига тарафга бурилди. Устанинг қора кўзлари билан эшик олдидаги кишининг кўй кўзлари тўқнаши.

Сартарош ҳар хил кишиларни кўраверби. кўзи ҳам пишиб кетган одам эди. Кўпчилик устага салом бериб ичкарига киради. Баъзилар бор: индамай келиб, стулга ялпайиб ўтириб олади. Яна бирорлар борки, ўзи ташқаридан кираётган бўлса ҳам аввал сартарошнинг салом беришини кутади. Юсуф сартарош уларнинг ҳар қайсиси билан ўзига яраша муомалада бўлади.

Бугун дўконга биринчи бўлиб кираётган мана бу одам ҳам учинчи тоифага мансуб экан. Сартарош шуни кўнглидан ўтказиб:

— Келинг, муллака! Хуш келибиз, — деди очиқ чеҳраю мулойим муомала билан. — Марҳамат! Ўтириг мана бу юмшоқ креслога, хизматнингизга тайёрмиз.

Мижоз Юсуф сартарошга жиндак қараб турди-ю, у кўрсанган креслога ўтириди. Уста аввал бу одамни сира кўрмаган эди.

— Салом берсак алил олмадингиз? — деди савол оҳангида устага сўзланди янги мижоз. Сартарош олдинига ҳайрон бўлди, сўнгра: «бу одам киноя билан гапиряпти шекилли», деб ўйлади-да, галадондан оппоқ лунги олатуриб мижозга жавоб берди:

— Мен ичиди гапирадиган одамларнинг сўзини эшитмайман, муллака.

— Унда ўзимиз қатори экансизда, — деди мижоз.

— Э, сизлардек бўлишини бизга ким кўйди, биз бир сартарошмизда, ака! — деди уста. — Хўш, сочинигзни олдирасизми?

— Кўрмаяпсизми, соқолим қирилганини? Демак сочиними оласиз?

— Шунинг учун сўрайман, муллака, сочинигзни қанақасига олай?

— Сочини орқа тарафдан бироз калта қиласиз. Иккала қулоқнинг устини ҳам тозалайсиз, бирорлар салом берганда эшитмай юрсам яхшимас-да! Тўғрими?

Мижознинг бу кинояси сартарошнинг иззат-нафсига тегди.

— Чақалоқлигингизда онангиз сизни киноя билан йўргаклаганларни дейман, муллака. Лекин бир гапни айтib қўй: аччигим келганида ўзимни тутолмай қоламан, кўлим устарага ютувверади. Ёшлигимда қассоблик ҳам қилганиман.

Мижоз индамади. Уста бир қўлида қайчи, иккинчи қўлида тароқ билан мижознинг сочини кузашга тушди. Бир неча дақиқа жимлинида кечди. Сартарош, мижозни хафа қилиб қўйдим чоғи, деди-да, ундан гап сўради:

— Касбингиз нима, муллака? — Сизнинг касбингизга ўшаган касб...

— Лаббай!

— Мен ҳам сартарошман десам бўлаверади.

— Йўғ-е... Наҳотки!

— Ҳа, ишонаверинг, — деди мижоз, — биз ҳам соч-соқол оламиз... Керак бўлса, кўса одамларга соқол-мўйлов ёпиширамиз.

— Э, ҳа, бундай демайсизми, гримки экансизда. Театрда ишлайсизми?

— Йўқ, янглишдингиз, мен адаб Қатронийман.

— Лаббай?

— «Адаб» деган сўзни эшитганимиз? Шеър, ҳикоя, пьеса, роман... Шунга ўшаган ҳар хил нарсалар ёзаман, таржими қиласман.

— Нега эса ўзингизни сартарошга ўшшатасиз? Тушумадим...

— Мен одамларнинг сартароши эмас, бирорлар ёзган асарларнинг сартарошман. Айрим қаҳрамонларнинг қости билан кўзини алмаштираман, тепакал одамларнинг бошига жингалак соч қўндираман. Ҳали айтганимдай, кўса одамларга соч-соқол ёпишириб, одамшаванди бир нусхага аллантираман...

— Ишқилиб, қош қўйман деб кўз чиқариб қўймайсизми?

— Қизиқ-ку, ёзувчиларга ўшаб гапирасиз-а, устай! Еки сиз ҳам редакцияга асар кўтариб борганимдингиз?

— Йўқ, асар ҳам ёзмаганман, бирон жойга кўтариб ҳам бормаганман. Лекин сиз Қатроний қилаётган иш билан мен қилаётган иш яқинли-

гини энди тушуняпман. Аммо иккимизнинг ҳунаримиз бир-биридан фарқ қиласди. Мана, мен соч оламан, соқол қираман. Гоҳо битта яримта одам қошини ҳам қирдирали. Бир марта қирилган қош қалин бўлиб ўсади-да... Соч билан соқол ҳам қайта-қайта ўсоверади, узаяверади... Сизнинг касбингиз эса, муллака, нозикроқ экан.

Айтайлик, асар қаҳрамонларининг қош-кўзи сизга ёқмади. Қош-кўзини алмаштирасиз. Хўш, бундан нима фойда? Езувчингиз ўзи берган қош-кўз билан турверса бўлмасмиди? Езувчи ўйлаган одамни ўзгаририб фантомасга ўшаган нусхага аллантиришнинг нима кераги бор ахир?! Ҳа, бу ҳам майли дейлик. Сиз маълум бир қаҳрамоннинг сочини, соқолини қираман деб қошини ҳам қириб қўйсангиз унда нима бўлади? Ахир китобдаги қаҳрамоннинг қоши яна қайта ўсмайди-ку? Бечора бир умрага моҳов бўлиб қолар экан-да...

— Сиз биронта ёзувчининг қариндошига ўхшайсиз?.. — Йўқ, ёзувчидан қариндошим ийё, омади гапни айтаяпман... Аммо сизнинг қўлингиздан ўтадиган нитобларга раҳмим келади?

— Нега унақа дейсиз?

— Дейишмнинг боиси, ёзилган асарлар сизга ўшаган бир одамнинг қулидан ўтаверса, ҳали айтганингиздай қош-кўзи алмаштириб қўйилаверса, қаҳрамонлар инкубатордан чиқсан жўжаларга ўшаб бир хил бўлиб қолмайдими?

— Униси билан менинг ишим йўқ. Гап шундаки, мен қўлимга тушган ҳамма нарсани бўйман. Ёки дазмоллайман. Шундай қилишм керак! Керак бўлса Навоини ҳам, Абдула Қодирий билан Ойбекни ҳам тузатишм керак, тушундингизми? Кўз-қулоқ бўлиб турмасам, ҳозирги тирик ёзувчилар ҳам «ўз овозим, ўз услубим...», деб ўзбoshимчалик қилиб, мендан ўзиб кетишлари мумкин. Уларнинг таъзирини бериб, доимо дазмоллаб тураман.

— Дўконга кириб келаётганингизда билувдим, ўзига бино кўйган, тақаббур одам эканлигинизни. Қанини, туринг, бўлди энди, бошингиз бинойидек бошга ўхшади. Қулоғингизнинг усти ҳам очилди...

Мижоз ўрнидан турниб, у ёқ-бу ёғини сочдан тозалаган бўлди, кўйлагининг ёқасини тўғрилади. Эшикдан чиқиб кетаётганида сартарошга бир қараб қўйди-да:

— Агар мабодо сиз ҳам асар ёзсангиз менга олиб келинг, боплайман, қўлингизга ҳаммомдан чиқкандай қилиб бераман.

— Сизга асар олиб борганиларнинг шўри қурсин! — деди сартарош. Сўнгра паст овозда ўз-ўзига сўзлади. — Эрталабдан кайфиятни бузди-я! Номард! Турган-биттани заҳар экан-ал...



# ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ

Ривожланган социализм меҳнаткашларниң давлат ишларидаги кенг иштирок этишини таъминловчи чинакам маънодаги демократия жамиятидир. 1977 йили қабул қилинган СССР Конституцияси ривожланган социалистик жамиятимизнинг Асосий қонуни ҳисобланиб, у совет граждандарининг асосий ҳуқуқларини янгича мазмун билан бойитди ва унинг амалга ошишини таъмин этди.

Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездига қилган Ҳисобот докладидаги СССРнинг янги Конституцияси негизида туғилган қонунни тақомиллаштириш борасидаги биринчи нафбатдаги йўналишларга тўхталиб, граждандарининг конституцион ҳуқуқларини ошириш мұжим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди.

Совет граждандарни ҳуқуқининг кенгайиши ва уни ҳимоя қилишининг кучайтирилиши қонуний жараён бўлиб, у жамиятимиз тараққиёти, социалистик демократия билан узвий боғлиқдир. Граждандарининг конституцион ҳуқуқларини таъминлаш учун ҳамма ташкилот ва мансабдор шахсларниң қонунга қатъий амал қилишини ва қонунни ҳимоя этувчи органлар фаолиятини доимо тақомиллаштириб боришни таъмин этди.

СССР Конституциясига 58-моддасига мувофиқ қонунни бузувчи, ўз ваколатларини сунистельмол қилувчи, граждандарининг ҳуқуқларини камситувчи мансабдор шахсларниң ҳатти-ҳаракатлари устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят этиш мүмкін. СССР граждандарни ҳуқуқининг худди шу моддасида давлат ва жамоат ташкилотларининг, шунингдек, мансабдор шахсларниң ҳизмат бурчларини Бажариш жараёнда қонуний ҳатти-ҳаракатлари туғайли етказилган зарарни тўлашиб туттилади. Агар гражданин дастлабки тергов ва суд аниқлаши жараёнда ўз-ӯзини инкор этиш йўли билан ҳақиқатни аниқлашга тўсцилик қўйса ва оқибатда кўрсатилган ҳодисанинг юз беришига шартшароп яратиб берса, етказилган зарар тўлашга лойиқ эмас, деб топилади.

Конституцион ҳуқуқларини ҳимоя қилишини ва қонунга қатъий риоя этишини шарт қилиб қўяди.

СССР Конституциясига 58-моддасига асосланиб социалистик қонунчиликнинг бундан кейинги мустаҳкамлигини таъминлаш ҳамда граждандарининг ҳуқуқ ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилишини кучайтириш мақсадида СССР Олий Совети Президиуми 1981 йил 18 майда давлат ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, мансабдор шахсларниң ҳизмат бурчларини амалга ошириш жараёнда қонунний ҳатти-ҳаракатлари туғайли граждандарга етказилган зарарни тўлашиб туттилади. Агар гражданин дастлабки тергов ва суд аниқлаши жараёнда ўз-ӯзини инкор этиш йўли билан ҳақиқатни аниқлашга тўсцилик қўйса ва оқибатда кўрсатилган ҳодисанинг юз беришига шартшароп яратиб берса, етказилган зарар тўлашга лойиқ эмас, деб топилади.

Мальумки, аввалги қонунга биноан қонунний йўл билан жинон жавобгарликка тортитилган ишчи ва хизматчиларга улар жинон жавобгарликка тортитилга қадар ишлаган ташкилот ёки мусассаса томонидан иккиси ойдан ошмаган муддатга ҳақ тўланар эди. Қонунисиз равишда жинон жавобгарликка тортитилганда, айниқса, ҳодим ишдан бўшатилиб ва сўнгра оқланганда иш ҳақининг бундай чегараланиши баъзан ишчига етказилган зарарнинг ўринни копламасди.

1981 йилги Низомга кўра, қонунний ишдан бўшаган ишчига суд-тергов органлари қарори билан — оқловчининг ҳукми қонуний кучга киргандан кейин ишда маҳбубий равишда бўлмаган ҳамма вақти учун иш ҳақи тўланади.

1981 йил 18 майдаги Низомга мувофиқ ишдан қонуний равишда айланган ёки қонунисиз йў билан жинон жавобгарликка тортитилган граждандарнинг аввалги иши [вазифаси] қайтиб тикланышкерак. Аммо байсан шундай ҳолатлар ҳам бўлиши мумкини, лавозимлар қисқариши, корхона, мусассаса, ташкилот туттилиши, ҳодимнинг бетоблиги ёки бошқа сабаблар мавжудлиги сабабли ҳодимни ўз иши [вазифаси]га тиклашни имконияти бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда, ишчи ёки хизматчи аввалги иши [вазифаси]га баравар бошқа иш билан таъминланади.

Қонуний равишда ишдан бўшатилган ҳодим оқловчининг ҳукми қонуний равишда кучга киргандан бошлаб уч ой муддат ичидан аввалги лавозими билан таъмин этишларни сўраб ўзи ишлаган корхона ёки ташкилот мъмурлиятига мурожаат этади. Агар ишчи ёки хизматчининг ҳақли талаби қондирилмаса, у тўғридан-тўғри аризаси билан ҳалқ судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Ҳодимнинг жиноят қилганилиги учун ишдан бўшатилганлиги унинг меҳнат дафтарасида қайд қилиниб, кейин у оқланган тақдирдагина ўзгартирниш масаласи кўпгина қийинчиликларни тўғдириб келди. Эндиликда ҳодимнинг иштўғри ишдан бўшатилганлиги исботланганидан кейин унинг аввалги иш жойидаги мъмурлият томонидан меҳнат дафтарасида ёзувинг иштўғри эканлиги тан олинидиган бўлди. Чунки меҳнат дафтараси — ишчи ва хизматчиларни меҳнат фоалиятини кўрсатувчи асосий ҳужжатдир. Уни тўғри тўлдириб бориш факатгина меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ёрдам берриб, ишнинг мансабатни коммунистик муносабатни тарбиялабгина қолмай, уларнинг меҳнат шарафини, ишчи ва хизматчиларнинг маддий манбаатдорлигини ҳам ҳимоя қиласди.

СССР Олий Совети Президиумининг 1981 йил 18 майда қабул қилган Фармони ва у тасдиқланган Низом совет граждандарининг янги Конституция белгилаб берган ҳуқуқ ва эрканинг ҳимоя қилишини кучайтиришда мұжим аҳамият касб этади ва шу билан бир қаторда қонунни ҳимоя қилувчи идораларнинг масъулиятыни оширади.

**Олимжон МУҲАММАДЖНОВ,**

СССР Ички ишлар министрлигининг Тошкент Олий мактаби граждан ҳуқуқлар асоси кафедрасининг мудири, юридик фанлари кандидати

Сергей Есенин Узбекистонда бўлганми?

Ҳа, бўлган. Бунинг ўзига хос тарихи бор. Маълумки, Сергей Есенин Навоий, Саъдий, Ҳайём сингари буюқ мутафаккирларни етишиглар «сирли» Шарқ мамлакатларини кўриши орзу қиларди. Ниҳот унинг орзуси ушалади: шоир 1921 йилнинг май ойидаги Тошкентта ташриф буюради.

Сергей Есениннинг Ўрта Осиё ва Кавказ ўқалаларига қилган сафарлари ҳамда «Форс тароналари» туркумининг ёзилиш тарихи борасида тадқиқот ишлари олиб борган Белоусовнинг ёзишича, шоир Тошкентда кечкурунларни гавжик чойхоналарни кузатади. Эски шаҳарнинг тор кўчалари бўйлаб кезади, адабий кечалар ва учрашувларга қатнашади, шеърият мухлисларига ўз асрларидан намуналар ўқиб беради.

Сергей Есенин Тошкентда Лола исмли қизни учратади. Бироқ шоир бу гўзал қиз билан сўзлашишдан бебаҳра қолади. Лекин унинг исми ҳаёлидан кетмайди. Шоир кейинроқ «Форс тароналари» туркумини ёзишига киришар экан, шаҳримиз чойхонасини ҳаёлан Текронга, Лола исмли қизни эса ўзи учун сирли бўлиб туюлган мамлакат — Эрон диёрига кўчиради. Мазкур туркумга кирган иккичи шеърини тошкентлик қиз Лолага бағишлайди:

Буқун сўрдим саррофдан атай,  
Алмашларкан сўмга туманини:  
«Үргат, гўзал Лоламга айтай,  
«Севдим» деган форсча суханини».

Буқун сўрдим саррофдан атай,  
Елдан енгил, жилгадан аста,  
Үргат, қандай Лоламга айтай,  
«Бўса» сўзин ҳисга пайваста.

Яна сўрдим саррофдан атай,  
Довдирашим яшайриб дилда,  
Үргат, қандай Лоламга айтай,  
«Меникисан» деб форс чилда...

Яқинда ана шу машҳур «Форс тароналари» туркумининг ёзилишига туртикли берган Лола исмли қиз диёри — Тошкентда улуғ рус шоир Сергей Есенин музей очилди. Шаҳримизнинг Куйбишев районига қарашли Високовольтний массивидаги 123-йнинг 1-квартирасида шоирнинг музейини очишида В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг доценти С. И. Зинин, рассом В. Б. Николюк, республика Маданият министрлиги ҳодими А. В. Маркевич, ўзувчи Б. И. Тартақовский ва бошқалар ташаббус кўрсатдилар.

Музейнинг биринчи зали Есениннинг ҳаётини ташкилоти ва ижоди бўйича тўплан-

ган материаллар экспонатидан иборат. Бу ерга шоирнинг кўпласбандлари, овози ёзилган магнитофон ленталари, замондошларининг шоир ҳақидаги хотиралиари, шунингдек, Сергеи Есенин ҳаётлигида босилиб чиқсан барча шеърий тўпламларининг нашр намуналари ҳам қўйилган.

Иккичи зал «Есенин ва Шарқ» мавзусидаги экспозицияларга багишли. Зал деворларини рассом Вадим Николюкнинг «Эски Тошкент» картиналари безаб туртиди. Үнда иккиси шоир — Сергеи Есенин ва Александр Ширяевецинг дўстлиги ҳақида, рус ва ўзбек адабиётчиларининг алокази тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар жамланган.

Аслида Есениннинг Тошкентта келишига Александр Ширяевец сабаби бўлади. Улар ўтасидаги олти йиллик ёзишмалар иккиси шоирнинг Тошкент учрашувларни юзага келтиради. У пайтларда Александр Ширяевец Навоий кўчасидаги 56-йнинг ҳозирги Каблуков кўчасидаги истиқомат қиласди. Есенин унтикада салкам бир ой-

ча туради. Ҳозирги Сулаймонова кўчасида жойлашган Валентин Вольпин квартирасида эса, биринчи марта шоир ўзининг «Пугачёв» поэмасидан парчалар ўқыйди. Кейинчалик шоир В. Вольпин бу ҳақда шундай хотирлайди:

«У тутади. Бирдан қулоқни битириувчи гулдурос қарсаклар янгради. Қарсак чалган биз эмас эдик, бизнинг хаёлимизга ҳам келгани йўқ. Қарсак ва қийириқлар очик дераза ортидан [менинг квартирами биринчи қаватда эди] келарди. Мухлислар Есениннинг жарангдор овозини эшишиб тўплланган эканлар. Дераза ортидан тингловчиликнинг бу табриги Есенинни даянгона солди».

Ана шунга ўхшаш кўпгина материаллар шоирнинг Тошкентда яшаган кунлари хусусида сўзлайди.

Музейнинг учинчи залидан «Есенин бугунги кунда», «Есенин санъатда», «Есенин кинода», «Экслибрис есенинномаси» мавзуларидаги жуда кўп экспонатлар ўрин олган.

Тошкентда Сергей Есенин музейин очилишида шоирни ўзбек китобхонларига танитган шоир Эркин Водидов, санъатшунос А. Маркевич, рассом В. Николюк, инженер В. Третьяков ва бошқалар иштирок этдилар. Уша куни шоирнинг Тошкентда биринчи бўлиб тингловчиларга ўқиб берган «Пугачёв» поэмаси авторнинг ўз овозида магнитофон лентаси орқали янга бир бор янгради.

Бугунги кунда Лола диёри — Тошкентда Сергей Есенин музейи ишлаб туртиди.

**М. ЭРГАШОВ**

## Маданият янгиликлари ТОШКЕНДА СЕРГЕЙ ЕСЕНИН МУЗЕЙИ

# НЕЙТРОН— ҚИРГИН ҚУРОЛИ

XX асрнинг буюк олим Альберт Эйнштейндан «Учинчи жаҳон урушида қандай қурол кўлланилади!», деб сўраганларида, «Билмадим, лекин тўртнинчисида ягона восита тошдан ясалган болта бўлади», деб жавоб берган эди. Бу билан асримизнинг буюк физиги, агар ядро замонасида учинчи жаҳон уруши содир бўлса, унинг оқибатида инсоният учун накадар даҳшат юз беришни образли қилиб айтган эди. Инсониятни огоҳлантириб айтилган бу сўзлардан сўнг ўтган давр ичидаги оммавий қирғин қуроллари янада такомиллашди. 36 йил муқаддам Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига ташланган Американинг иккита атом бомбаси неча юз минглаб кишилар ёстигини куритди ва ҳамон кишилар умрига таҳлика солиб кельмоқда.

Сўнгги вақтларда янги қуроллар яратилаётганини тўғрисидаги хабарлар Ғарб матбуоти саҳифаларидан тушмай қолди. Даҳшатли қирғин қуролларининг янги турлари тўғрисидаги мутахассислар турли-туман Фикр юритмоқдалар. Баъзи бир мутахассисларнинг ёзишича, замонавий баллистик ракеталарнинг куввати иккичи жаҳон урушида қўлланилган оддий типдаги ҳамма бомбаларнинг портлаш кувватидан ҳам ортиқ экан. Америкали олим Жон Кеннанинг Фикрича, Хиросимага ташланган Америка атом бомбаси ҳозирги замонавий ядро қуроллари олдида «болалар ўйинчогидир».

Даҳшатли қирғин қуроллари сони қурол-яроғ омборларида кун сайн эмас, балки соат сайнин ошаётганинига қарамай, империалистик давлатларнинг милитаристик доиралари қуролларининг янада оммавий қирғин келтирадиган турларини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун уринмоқдалар. Ғарб матбуотининг портлаш тўлқинлари ва олови эмас, нури қирғинлик келтирадиган водород зарядли нейтрон бомбалар устида иш олиб бораилаётганини хусусида шовшув кўттарганинг уча кўп вақт бўлганни йўқ.

Совет Иттифоқи устидан ҳарбий устунишка эришиш ва шу йўл билан бутун дунё ҳалқларига ҳукмини ўтказишга уринаётган Америка империализмининг ҳозирги маъмуряти ўз мақсадига эришишда нейтрон бомбани асосий омили деб қаромоқда. Америка Қўшма Штатларининг ҳозирги президенти Рейган, дунё ҳалқларининг қаттиқ норозилигини инобатта олмай, шу йилнинг августи ойида ялпи қирғин қуролининг ниҳоятда даҳшатли, вахшиёни тури дисбланган нейтрон қуролини кенг кўламда ишлаб чиқариш тўғрисида фармойиш берди. Ҳа, Қўшма Штатларнинг аввалги президентлари ҳалқаро жамоатчилик норозилигини туфайли журъат этмаган ишга Оқ ўйнинг ҳозирги хўжайини Рейган журъат этди. Йили бошида у тузган маъмуряти аъзоларидан бирининг «дунёда тинчликтан ҳам мұхимроқ вазифалар бор», деб айтган сўзларининг моҳияти эндиликада ойдинлашиб бормоқда.

Дардақиқат, президент Рейган маъмуряти ҳокимиёт теласига келган биринчи кунлардан бошлабоқ кимларнинг хизматида эканликларини амалда кўрсатдилар. Улар ҳалқаро вазиятини кескинлашириш, «совет ҳавфи» деб атальмиш тұхмат кампаниясінни кучайтириш ва бу кампанияни қарында зўр бериб қуролланиш, қуроляроғ ишлаб чиқариши билан боғлиқ монополиялар манфаатларига мос келадиган сиёсат йўлни тутдилар. Қуролланишдан манфаатдор бўлган доираларга хизмат қилишда, уларнинг бойлиги бойлиқ қўшишга кўмаклашишда Рейган маъмуряти Американинг аввалги маъмурятиларидан ўзбек кетди.

Маълумки, Вашингтон, бу қурол фақат одамларни ўлдиради, мoddий бойликларга зарар етказмайди, шу сабабли бошқа қуролларга нисбатан «афзал» деб реклама қилаётган нейтрон бомба салкам 30 йиллик тарихга эга. 50-йилларнинг бошида водород бомбаси устида иш олиб бораётган физиклар термоядроннинг портлаш жараёнида водороднинг изотоплари дайтерий

ва тритий бирлашиши натижасида бағоят катта энергияга эга бўлган нейтрон элементлар бўлакларининг ажralиб чиқишини аниқлаган эдилар. Бу нейтронларнинг фантастик қурлар сингари бетон деворлардан, ҳатто темирдан ҳам ўтиб, мoddий бойликларга зарар етказмаган ҳолда ўз энергияси билан тирик мавжудотни вайрон қилиши аниқланди. Дунё ҳалқларига ўз ҳукмини ўтказиш учун интилаётган империалистик давлатларнинг милитаристик доиралари нейтрон бомбага ўз мақсадларига эришишнинг асосий омилларидан бирни деб қараётганинг сабаби ҳам шундан. Чунки бошқа бомбалар портланганда унинг зарбасидан кишилар ҳалок бўлиши билан бир қаторда мoddий бойликларга ҳам катта зарар етади. Яна бир «нонуклай» томони ядро бомбаси портлатилган територия радиоактив нурлар билан шикастланниб, бир неча ўн йиллар мобайнида яроқсиз бўлиб қолади.

Ядро қуроллари сон жиҳатидан ҳозиргидек кўп бўлмаган, қудрати жиҳатидан эса ҳозиргидек такомиллашмаган вақтларда, аниқроғи 1955 йилда НАТО эксперталарнинг ҳисобларига кўра атом бомбаси кенг қўлланган урушда иккисутка давомида 100 миллион киши ҳалок бўлар экан. Мазкур рақамлар келтирилганидан бери чорак асрдан ортиқ вақт ўти. Бу давр ичидаги юқорида айтиб ўтганимиздек, ядро қуроли ҳар томонлама такомиллашди. Шу сабабли, ядро асрда уруш бошлаган томон галаба қиласди, деган сўзга ишониш қийин. Чунки, у томон ҳам шу заҳоти зарба олиши турган гап. Шундай оғир бир шароитда Ғарб милитаристик доиралари, биринчи наебатда Вашингтон маъмурятининг минимал вайрон қилиш кучига эга бўлган нейтрон бомбаси ғоясига яна қайтиши бутун жаҳон жамоатчилигини ҳақли равишда ғазаблантироқда.

Маълумки, Пентагон 70-йилларда нейтрон қуролини вужудга келтириш ва уни Ғарбий Европага жойлаштириш ғоясиги иллари сурди. Аммо ҳалқаро жамоатчиликнинг кучли норозилиги остида 1978 йили АҚШнинг олдинги президенти Картер: «Нейтрон қуроли ишлаб чиқариш тўхтатиди ва уни Ғарбий Европага жойлаштириш режаларининг амалга оширилиши кечикирилди», деб ўзлон қилишга мажбур бўлди.

Кейинги бўлаётган воқеалар эса Қўшма Штатлар нейтрон қуролидан узил-кесил воз кечмaganлигини кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда маълум бўлган фактлар шуни исботламоқдаки, Қўшма Штатлар 1978 йилдан бери вақтини бекор кетказмай, нейтрон бомба устида интенсив иш олиб борган. Айни пайтда, Оқ ўй корчалонлари жамоатчилик олдида бу даҳшатли қирғин қуролини оқлаш учун ташвиқот ишларини ҳам кучайтираётлар. Бундан ташқари, Қўшма Штатларнинг ҳукмрон доиралари ўз хизматларida бўлган ахборот органлари орқали: «Ядро уруши реал бир нарса, унчалик қўрқинчли эмас, ҳатто унда ютиб чиқиши мумкин», деган Фикрни Америка ва жаҳон жамоатчилигининг онига сингидиришга зўр бериб уринмоқдалар. 1980 йилнинг август ойида президент Картер томонидан «Янги ядро стратегияси» деб номланган 59-дириктива ўзлон қилинган эди. Бу директиванинг муаллифлари ҳам чекланган ядро уруши олиб бориш мумкин, демокри бўладилар.

АҚШ президенти Рейганинг даҳшатли қуролни кенг кўламда ишлаб чиқариш тўғрисидаги фармойиши бутун жаҳонда қаттиқ норозиликка учради. Турли мамлакатларнинг смёсий ва жамоат арбоблари, матбуоти Вашингтоннинг бу хатти-ҳаракатига «Ялпи тинчлик ишини жуда катта ҳавф остида қолдирувчи қадам», деб баҳо бермоқдалар. Вашингтон маъмуряти жаҳон жамоатчилигини тинчтиши ва ғафлатда қолдириш учун бири-биридан сохта баҳоналар ўйлаб чиқармоқда. Оқ ўй вакилининг айтишича, гўё нейтрон қуролини АҚШ териториясидан бошқа мамлакатларда жойлаштириш режалари кўриб

чиқилгани йўқ ва бу қурол запаслари Америка териториясида сақланмоқда эмиш. Ҳолбуки, Пентагон бу даҳшатли қуроли Ғарбий Европада жойлаштиришни мўлжаллаётганини ҳеч кимга сир эмас. Нейтрон қуроли Қўшма Штатларда сақланганни билан уни Ғарбий Европага келтириш учун 24 соат кифоя эканлиги ҳам аён.

Қўшма Штатларининг Ғарбий Европадаги кўшиллари ва Иттифоқчилари ихтиёрида нейтрон зардли снарядларни отишга мўлжалланган саккиз дюйми артиллерия ва «Лэнс» ракеталари бор. Шу сабабли Оқ ўй вакилининг нейтрон Америка териториясида сақланмоқда, деган сўзлари Европа жамоатчилигини ҳеч бир қониқтиргани ва тинчлантирган йўқ.

Вашингтон маъмуряти тарқатган яна бир гапга кўра «Нейтрон бомба урушнинг олдини олишга қаратилган мудофаа қуроли» эмиш. Нейтрон бомбасини бу таҳлитда оқловчилар, аслида бу қурол Қўшма Штатларга «ҳал қилувчи технологик афзаллик» беради, у Қўшма Штатларнинг қудрати ва хавфисизлигини мустаҳкамлашга ҳизмат қиласди, деб умид қилмоқдалар. Лекин, инсоният тарихи шундан далолат берадики, бирон оммавий қирғин воситасига ҳали беронта ҳам мамлакат узоқ муддат мобайнида танҳо хўжайин бўлган эмас. Атом бомбаси ва термоядро қуроли, стратегик атом сув ости кемалари ва каллаклари қисмларга ажralадиган ракеталар тарихи фикримизнинг тасдиғидир. Қўшма Штатлар ҳамма бу ялпи қирғин қуролларининг турларини ишлаб чиқишида ҳам ташаббускор бўлган эдилар. Эндиликада бошқа давлатлар ҳам мазкур қуролларга эгалиги сир эмас. Қўриниб турмидики, нейтрон қуролини кенг кўламда ишлаб чиқариш тўғрисидаги Вашингтон маъмуряти режасининг яна бир ҳавфли томони шундаки, бу тавласа қуролланиш пойгасининг янги, ғоят ҳавфли ва инсоният учун ниҳоятда қимматга тушадиган босқичини бошлаб бериши мумкин.

Совет Иттифоқи, агар Қўшма Штатлар нейтрон қуролини ишлаб чиқаришга киришмасалар, СССР ҳам уни ишлаб чиқаришга киришмайди, бундан бўёнги гап Вашингтонга боғлиқ деб ўзининг аниқ позициясини бундан бир неча йил миқаддам баён қиласди. Шу йилнинг август ойида президент Рейган нейтрон қуролини кенг кўламда ишлаб чиқаришга кириши тўғрисидаги қарори муносабати билан ТАСС ўзлон қиласди. Бундан бўёнотда Совет Иттифоқи бу масалада аввалиг принципиал позицияни турганини баён этилган. Бундан ташқари, Совет Иттифоқи нейтрон қуролини ишлаб чиқаришдан ўзаро воз кечиш, уни тақидаш тўғрисида келишиб олишини бир неча бор таклиф қиласди.

Бугунги кунда ғарбий Ҳолбукларни ишлаб чиқариш тўғрисидаги қарори ҳарши бутун дунёда ҳалқаро жамоатчиликнинг норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда. Турли мамлакатларнинг смёсий ва жамоат арбоблари, матбуоти Вашингтон маъмурятини Совет Иттифоқининг қуролланиш пойгасини тўхтатиш, мавжуд ядро қуролларини қисқартириш тўғрисида музокаралар олиб бориш учун қилаётган таклифига ижобий жавоб беришига, музокаралар столи атрофида ўтиришга ҷақирмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев КПСС XXVI съездига қиласди. Турсун Қоратоев, халқаро шарҳловчи

Турсун ҚОРАТОЕВ,  
халқаро шарҳловчи



## Михаил Таль: «Конуний ғалаба...»

Яқинда Челябинск шаҳрида шахмат бўйича эркаклар ўтасида Совет Иттифоқи 49-чемпионатининг саралаш турнирларидан бирни якунланди. Мусобақа низомига кўра биринчи ўринни эгаллаган шахматчи олий лигага, иккинчи-бешинчи ўринларни эгаллаган спортчилар эса, биринчи лига турнирларига йўлланмаларни кўлга киритар эдилар.

Машҳур халқаро гроссмейстерлар Н. Ращковский, Е. Свашников, Б. Гуль-

ко ва А. Панченколар, халқаро мастерлар Е. Владимиров, Э. Магаррамов, К. Григорян, таниқли спорт мастерлари Е. Мочалов, З. Стуруа, А. Вейнгольд ва В. Жидков сингари шахматчилар билан биргаликда дона сурган республикамиз чемпиони, тошкентлик СССР спорт мастери Георгий Аъзамов бу мусобақада катта муваффақият қозонди. У, охирги тур учрашувлари натижаларидан қатъий назар, барча рақибларини доғда қолдирив, олий лигага иштирок этиш ҳуқуқини берувчи ягона йўлланмани қўлга киритди. Мамлакат биринчиларни тарихида ҳали ҳеч бир ўзбек шахматчиси бундай улкан зафарга эришмаган эди. «Аъзамовнинг бу ғалабаси ҳақоний ва қонунийdir,— деди собиқ жаҳон чемпиони Михаил Таль.— У шахмат олимпиадаси сари йўл олиб, чўкиларни оғишмай забт эта бормоқда. Георгий Аъзамовнинг ҳар бир қадами мақсад сари интилиш ва ишонч руҳи билан суғорилгандир». Бу ўзбекистонлик ёш шахматчининг маҳоратига берилган юқори баҳодир.

Мамлакат чемпионатлари шахматчилар учун ҳақиқати мақорат мактабидир. Бироқ олтин медаль учун курашнинг якунловчи қисми— олий лига турнирида қатнашиш Иттифоқимизнинг 18 шахматчисигагина насиб этади. Бунинг учун эса, аввало, шахматчи республика чемпионатида ёки кўнгилли спорт жамиятлари марказий совети биринчилигида голиб чиқиши керак. Бу— гроссмейстерлар ва кучли мастерларгагина насиб этадиган муваффақиятидир.

Г. Аъзамовнинг 49-чемпионатнинг саралаш мусобақаларида ютугини тасодифий деб бўлмайди, албатта. У ўтган йили Тошкентда ўтказилган СССР чемпионатининг мамлакатимизнинг етакчи гроссмейстерлари қатнашган биринчи лига турнирида ўзини кўрсата олди. Бу йил эса, Москвада ўтказилган СССР команда биринчилигида республикамиз терма командалиги етакчилик қилди.

Собиқ жаҳон чемпионлари М. Таль, Т. Петросян, Б. Спасский, Совет Иттифоқи чемпиони А. Беляевский, халқаро гроссмейстерлар М. Тайманов, В. Купрейчик, Т. Георгадзе ва А. Лутиков, халқаро мастер И. Ней каби машҳур шахматчилар билан ижодий баҳслашган ёш мастер ҳеч ҳаяжонланмай, бу сафарги синон имтиҳонини ҳам «аъло»га топширди. Рақибларидан тўрттаси Аъзамовни ғалаба билан табриклишга мажбур бўлди. Борис Спасский билан бўлган учрашувда эса, тошкентлик шахматчи фахрли дурангла эришиди.

Мана шундай донгдор рақиблар билан учрашиб, 9 имкониятдан 4,5 очко жамғариши Георгийнинг юқори савияни шахматчи бўлиб етишаётганлигидан далолат бериб турибди. Ҳозир Аъзамов Ўзбекистон шахматчилари орасида биринчи бўлиб «гроссмейстер» унвонини қўлга киритиш учун барча имкониятларга эга бўлган ягона шахматчидир. Биз шу мақсад йўлида дадил қадам ташлаётган ёш шахматчимизга келгуси мусобақаларда ҳам зафарлар тилаймиз.

Энди эътиборингизга Георгий

Аъзамовнинг Челябинск шаҳрида ўтказилган саралаш мусобақаларида Украина нинг бир неча бор чемпиони, таниқли СССР спорт мастери В. Жидков (оқлар) билан ўйнаган партиясини ҳавола қиласиз.

В. Жидков — Г. Аъзамов

1. d2—d4 Kg8—f6 2. c2—c4 e7—e6  
3. Kg1—f3 c7—c5 4. d4—d5 e6 :d5  
5. c4 :d5 d7—d6 6. Kb1—c3 g7—g6  
7. Kf3—d2 Cf8—g7 8. e2—e4 o—o  
9. Cf1—e2 Kb8—a6 10. o—o Ka6—c7  
11. Kpg1—h1 Lf8—e8 12. f2—f3  
b7—b6 13. La1—b1 La8—b8 14. a2—a4  
Fd8—d7 15. Kd2—c4 Cc8—a6 16. b2—  
b4 c5 :b4 17. Lb1 :b4 Kf6—h5  
18. Kc3—b5 Ca6 :b5 19. a4 :b5 f7—f5  
20. Kc4—e3 f5 :e4 21. f3 :e4 Kh5—f6  
22. Ke3—g4 Le8—f8 23. Kg4 :f6+  
Lf8 :f6 24. Lf1 :f6 Cg7 :f6 25. g2—g3  
Lb8 :f8 26. Kph1—g2 Fd7—e7  
27. Ce2—f3 Cf6—c3 28. Lb4—b3  
Fe7—f6 29. Cc1—h6 Lf8—f7 30. Fd1—  
d3 Cc3—d4 31. h2—h4 Cd4—c5  
32. Lb3—b1 Ff6—e5 33. Fd3—d2  
Ff5—e8 34. h4—h5 Kc7 :b5 35. h5 :g6  
Lf8 :f3!! 36. g6 :h7+ Kpd8 :h7  
37. Kpd2 :f3 Kb5—d4 + 38. Kpf3 :f4  
Fe8h5! ва оқлар таслим бўлди.

Биз бу партияни шарҳлаб ўтирадик, агар уни ўзингиз таҳлил қилиб кўрсангиз, Георгий Аъзамовнинг нақадар нағис ва истеъододли шахматчи эканлигига яна бир марта ишончи ҳосил қиласиз.

Акрам ТОШХУЖАЕВ,  
СССР спорт мастерлигига  
номзод



### ЯПОНЛАРНИ ДОГДА ҚОЛДИРГАН ДЕЛЬФИНЛАР

Япон тадиқотчилиларни сўнгги низомига яхнатишилари уларни ҳайратга солди. Гап шундаки, кейинги пайтларда дельфинлар япон балиқчилигига зарар келтира бошлади. Балиқларни дельфинлар хужумидан ҳимоя қилиш мақсадида ов зоналарига энг майда жоноворларга ҳам ҳеч қандай зарар келтириладиган 12 футли

пластик акулалар тайёр-рисида 17 метрли кит лаб ўрнатилди. Уларнинг балиқ овловчи кемани ҳар бирига оч китлар чўктириб юборди. Ҳайсигни ёзилган плёнка-батли жоновор кемалар жойлаштирилган бўлбортига урилганда, кемалиб, майда сув ҳайвон-бортни тешлиб кетганларни яқинлашганда махнатижада кема чўка сус қурилма ишга ту бошлаган. Фалокатга учшарди. Очиқ денгизнинг раган балиқчиларни кенг майдони 75 минг АҚШнинг қирғони юйдоллар сарфланган ана риқловчи катери қутқашундай «қўриқчилар» риб қолди. Кема фалока билан ўраб олинди. Летида жабрлангандарларни, дельфинлар сунъий бирининг гувоҳлик беринуларга ҳеч эътибор эшча, кит ўзини жуда бермайди, энг ишончни тўсицлардан бемалол ўтиб сизнангларга ҳам шунчаки «ўйнашган» фикрича, бу танг қолди— эмис, холос.

АКУЛАНИНГ ТАЪЗИРИНИ БЕРАДИГАН БАЛИҚ

ШУНЧАКИ «ЎЙНАБ»

Кизил денгизда «Мусо тўхтами» деб аталувчи кичик балиқчалар сузуб юради. Бу силлиқ балиқча у ердаги акулалар подасидан мутлақо юртади. Кизиги шундаки, Массачусет штати қирғо-бу балиқчаларнинг тигидан 20 километр ичка-канли қопламаси ҳам, ўрнашиб олиб ҳаддан чет эл авиатрассаларида

мустаҳкам совути ҳам ташқари кўп урчиган ти-ги энг аччиқ ва алами ўйқ. Бироқ улар акулалар тўдаси ичига кириши билан ўзларидан заҳар чиқарадилар. Улар тарқатган оғу шу заҳоти ийтиқчиларнинг жагини ишдан чиқаради. Натижада акулалар оғизларини юма олмай қоладилар. Бу гаройиб балиқчалар биологларни жиддий қизиқтириб қолди. Олимпийнинг фикрича, улар тарқатган заҳар инсонга таъсир этмас экан, шу сабабдан ҳозир мутахасислар унинг химиявий тарқибини топишга ҳаранкат қилмоқдалар. Агар сунъий равишда мазкур оғуни тайёлашга муваффақ бўлинса, унда одамлар денгизнинг йирттич ва қонхўр ҳайвонларига қарши курашиш учун янги восита топган бўлар эдилар.

СИЧҚОНЛАР... ИСКОВУЧ ИТЛАР УРНИДА

ЧУМОЛИЛАРНИНГ ҚУШЛАРГА ЕРДАМИ

Майналарнинг уясига Ҳаво терроризми —

Пахтазорда қирқ кокил теримчи қизларнинг-чи, Марварид тер-ла ерни бўярканлар оқ рангга, Дилбандларидан меҳр, садоқат излагувчим, Қалбингдаги бор гапни айтай дедим оламга.

Далаларим, мен сиздан олислаб кетганим йўқ,  
Гўё жаннат макондай ёзу қишининг ҳам.  
Кўйимда сиз берган соз, ўзгасин чертганим йўқ,  
Кўзларимда жимгина ўй суришларингиз ҳам.

Тушларимда кўраман майсазор ўтлоқларни,  
Сиз билан шивир-шивир сұхbatлашган пайтларим,  
Менинг болаликдаги жонажон ўткоқларим,  
Қалбим бўлаклари-ку сизга ёзган ҳатларим.

Заرافшонимнинг менга қадри жуда билинди,  
Сезмай қолдим бағридан қачон чиқиб кетганим.

## Далаларим

Хуллас, митти юрагим нақ иккига бўлинди,  
Сиз бўлдингиз шаҳарда юрагимга битганим.  
Яна янгроқ соз билан ўзингиз беринг сўзлаб,  
Қалбимда эсаётган эй дала шамоллари:  
Тонггача қўёшини юдузлар излаб бўзлар,  
Юрагида нелар бор бу дала аёлларин?..

Сенинг рангин бағрингда қулочимни керганман,  
Қалбда оташ меҳримни, дала, сенга берганман.

О, она далаларим...

Назира Йўлдошева

# ЧАКИР- ТИКАНАК

## АСАББУЗАР МОТОЦИКЛЧИ ТОЙЛОҚЖОН

ХАЖВИЯ

Қариялар чойхонаси гавжум. Кузүёшининг майин нурлари баданарни эркалади. Тўрқовоқлардаги беданаларнинг сайдари радиодан аралаётган дилрабо куйга жўр бўлади, киши қалбига ором бағишлайди. Маҳалла комиссиясининг раиси Полвон ака чайқовчи қўшнисининг ғимлишини гапириб, қарияларни сўлдиради. Кечагина касалхонада даволаниб чиқкан Кенжабой ота: «Вой, қизиталоқ», деб кулади, рўмолчаси билан кўз ёшларини артиб, бошини сарак-сарак қиласди. Ҳикояйни қизиқ жойига келгандга тўсатдан асфальт кўчирадиган болгачанинг тариллашига ўхаш ёқимсиз овоз эшиллади. Қариялар ижирғаниб, қулоқларини беркитишиади. Полвон ака қошини чимириб кўчага қарайди. Сочи елкасига тушган ўн олти ёшлардаги маҳнусифат йигитча мотоциклни тариллатганча ўтиб кетади. Бир оздан кейин ўша олифта чойхонада ўтирган қарияларни масхара қилганден яна мотоциклни тариллатиб ўнг томонга ўтади. Кенжабой ота инграб бошини чан-

галлайди, унинг ёнида ўтирган мўясифид жаҳл билан тилининг тагиганос ташлайди...

Хуэурбахш сұхбат шу тариқа бузилади, ошга пашса тушади... Зум ўтмай ҳалиги сурбет йигитча яна мотоциклни патиллатиб келаётган эди. Полвон ака шартта ўринидан турив унинг йўлгини тўсди:

— Ни...ма-а?.. — бузоқдек аянчли маъради хира йигитча.

— Туш пастга! Тойлоқ истар-истамас мотоциклдан тушди.

— Бу ёққа юр! Полвон ака уни етаклаб чойхонага олиб кирди.

— Салом бер отахонларга! Йигитча хўмрайиб, қовоқ аридай гўнғиллади:

— Ҳеч кимдан салом қарзим ўй, мени мажбур қилолмайсиз!

— Кимнинг ўғлисан?

— Нима ишингиз бор?

— Нега мотоциклни тариллатиб юрибсан?

— Нима, кўча сизникими?

— Бу ерда бобонг тенги одам-

лар ўтирибди, ярамас, аравангни бошқа жойда шалдиратсанг бўлмайдими?!

— Унақа закон ўй, хоҳлаган жойда минавераман! — деб бақириди тойлок.

Қариялардан бири гапга аралашди:

— Ўғлим, тракторингнинг шовқини етти оламни бузяпти-ку, овозини пасайтиранг бўлмайдими?

— Бу олифта мотоциклнинг глушителини атайлаб олиб қўйган, — деди Полвон ака. — Яна ўзинг ҳам бақирасан-а! Бақирима, қарнайчининг ўғли, нима бало, ўзингнинг глушкининг ҳам олиб қўйганмисан?

Ўтиб кетаётган участковай шовқинни эшишиб, чойхонага бурилди. Бойўғлидек чақчайиб, қарияларнинг бетидан олаётган сурбетга кўзи тушгач, мўйловини буради.

— Аха, эрка тойлок, кўлга тушарканлар-ку! Бугун бу маҳаллада ўйин кўрсатаётган эканлар-да? Қани, бу ёқа кел!

Тойлоқ участковайнинг гапига парво қилмай, зингиллаганча телефон будкасига кириб, отасига қўнғироқ қила бошлади.

— Дада, сенмисан? Ўғлингдан умидинг бўлса тез етиб кел, анови хит яна менга дўқ қилипти. Отиб ташлайман, деди. Юқори маҳалладаги эзма чоллар чойхонасидаман. Бўпти, кутаман!

Бола телефон будкасидан чиқдида, икки қўлини белига тираб, қўлингдан нима келади, дегандек тиржайиб участковайнинг ёнига келди. Милиционер унинг қулогидан ушлаб, иккинчи қўли билан ўзининг чўнтағини кавлади.

— Техталон ўрнига қулогингни тешиб қўйами, безори!

Худди шу пайт машина шитоб билан келиб тўхтади. Машинадан қорача, ёши қирқларга борган бўлса ҳам, тор жинси шим кийган лочинамо бир кимса тушиб, участковой томон бостириб кела бошлади.

— Ким экан у ўғлиннинг қулоғини тешиб қўядиган? Ҳой, миршаб,

нега менинг ўғлимга тирғилавера сан! Доим лой ҳуштагингни чуриллатиб, ёш гўдакни қувганинг қувган. Нима хусуматинг бор ўзи менда? Бундай муомалани кутмаган участковай қотиб қолди.

Полвон ака воқеани тушунтирмоқчи бўлган эди, боланинг отаси жеркиб ташлади.

— Қўйинг-е, қариганда миянгиз суюлиб кетиби. Ҳаммангиzinинг ўтадан болангиз бор, бири ўлса, тўққизатси қолади. Менинг болам битта, шуни ҳам кўролмайсизлар! Мен маҳсус мухбирман, олиммам...

Фала-ғовур кўтарили, уч-тўртта киши газабаниб бетамиз ота ёнига яқин келди. Участковой шовқин-суронни аранг босиб ота-болани чойхонага олиб кирди. Акт тузуб, ҳаммага кўл қўйдирди. Кейин уч-тўртта йигит ёрдамида ёшу қарининг нафратига учраган сурбет ота-болани диканглатиб олиб кетди. Қарияларнинг кайфияти бузилган, руҳи тушиб кетган эди.

— Бу кўплакни пул қутуртирибди, — деди Полвон ака газаб билан. — Ҳа, семизликни кўтара олмабди.

— Отасининг аҳволи шу бўлгандан кейин, боласи қаёқка бораради! «Астағурулло», деб ёқасини ушлаб ўтирган Кенжабой ота бўлиб ўтган воқеага якун ясади:

— Замонамиз тинч, турмуш фаровон. Одамлар аҳил, бир-бирига меҳрибон. Ёшлар ҳам одобли, каталарнинг ҳурматини жойига қўяди. Ҳалқ бундай йигит-қизларнинг отонасига раҳмат айтади. Бироқ гурунч курмаксиз бўлмаганидек, битта яримта беадаблар ҳам учраб қолади. Бунақа пўконидан ел ўтмаган сурбетларни оташкуракда қисиб, ҳалқа кўрсатиш керак, газета-журналга уриб, шарманда қилиш лозим. Ана шундагина қўзи очилади буларнинг.

Отанинг гапини маъқуллаб ўтирган Полвон ака тиззасига бир уриб, ўрнидан турди.

Абдулла ИСОМИДДИНОВ

## ОЛИМ ҒОЗ ВА ЎРДАК ШОВВОЗ

МАСАЛ

Оламнинг бағри кенг, нелар бўлмайди,  
Лоқайд қўл силтаймиз баъзан: «Ҳа, майли!..»

Ўрдак ва Ғоз ишларди бир институтда  
Иккиси ҳам олим: касб, мақсад — битта.  
Ғоз оқар сув ҳақда ёзди-ю китоб,  
Нашриётга топшириди шитоб...  
Ўрдак бунга ёзди тақриз — илмий иш:

«Сал юзаки текширилган,  
Фасли қиши...  
Кейнинг нашрида тузатар автор».


Ғоз-чи, бунинг учун ғоят миннатдор:

«Аммо, дўстим,  
Борсан оламда ўзинг,  
Олтинга тенг  
Ҳар бир «ғақ» деган сўзинг!..»


Ахир нечун энди Ғоз бўлмасин шод,  
Китобин нашрида бўлди бу исбот...  
Оғиз-бурунларин ўпиб бир-бирин  
Тарафкашликнинг тутдилар йўлини...  
Энди сизга аёндир Ғознинг қисаси,  
Ўрдакнинг-чи?  
Ортди «Фанда ҳиссаси!»

Йўлдош СУЛТОНОВ


Андижон



Расмини Н. ИБРОХИМОВ чизган



— Юришга ўргатиш шартми, Аҳмаджонга «Жигулли» олиб бераман дедим-ку!





— Эшигаман, қулоғым сизда...



— Ҳой, дадаси, бу машинка, пианино нариги уйда...

Расмларни А. ХОЛИКОВ чизган



## Беҳизор

Шу йил баҳорда Кувасой шаҳрида «Беҳизор» деб номланган янги чойхона фойдаланишга топширилди. Чойхона замонавий, бекирим, гўзал. Унда замонавий ва миллий табомлар ҳам тайёрланади. Суратда: Чойхонанинг умумий кўрининиши.

## КРОССВОРД

**Энига:** 1. Ўзбек халқ достони. 4. Ўсимликшунослик мутахассиси. 10. Исл. 11. Сўз устаси. 12. Кўчма маънодаги ибора. 13. Илмий асарнинг қисидача баёни. 18. Музикали саҳна асари. 19. Ўзбек классик шоири. 20. Америкалик прогрессив ёзувчи. 21. Халиғ оғзаки ижоди жанри. 26. Бир муаллифнинг умумий гоя, умумий сюжет линияси билан ўзаро боғланган уч асари. 27. Доира шакидаги бино ичига назараланади. 30. Музика асбоби. 32. Бадний тўқимачилик буюми. 33. Тикиб солинган нақш. расм. 34. Тожик совет ёзувчиси. 35. «Еш гвардия» фильмни қаҳрамони. 36. Мухтор Ашрафий операси.

**Бўйига:** 2. Қофнидан кейин тақорланағидиган сўз. 3. Опера, балет мазмуннинг баёни. 5. Ўзбек классик шоири, масалчи. 6. Рафур Гуломнинг насирий асари. 7. Ўзбек халқ куйи. 8. Маданий муассаса. 9. Бир қанча шоирлар ижоди намуналари ва ҳаётини ҳақидаги адабий тўплам номи. 14. Ўрта асрнинг буюк алломаси. 15. Совет композитори. 16. Кўшиқнинг тақорланағидиган қисми. 17. Цирқда мураккаб машқларни икро этувчи. 22. Ўсимлик. 23. Рус совет сатирик шоири. 24. Италиялик скрипкачи, композитор. 25. Ташибирӣ санъат жанри. 28. Ўзбекистондаги машҳур раис ансамбли. 29. Абдулла Қодирийнинг «Мехробдан чайн» романни қаҳрамони. 31. Улуғ ҳинд адаби.

Тузувчи Ф. ОРИПОВ

Тошкент

### 10-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

**Бўйига:** 1. Монография. 2. Портрет. 3. Мих. 4. Куз. 5. Нилуфар. 6. Тоҷикистон. 9. Виктория. 10. Карнавал. 13. Туман. 14. Карам. 18. Каспий. 20. Мисра. 22. Самум. 25. Доломит. 26. Морозов. 31. Зомин. 32. Қаймоқ. 33. Ливан. 36. «Голиблар». 37. Тошканбоеев. 38. Саримсоғов. 39. Анальгин. 41. Балиқ. 42. Майна. 46. Камелия. 47. «Спартак». 53. Кук. 54. Рух. 55. Ташкент. 56. Дурадгор.

**Энига:** 7. Зоология. 8. Гулистон. 11. Километр. 12. Ҳуснинат. 15. Ребус. 16. Какао. 17. Норак. 19. Аскар. 21. Қарағай. 23. Никитин. 24. «Нафосат». 27. Орион. 28. Товус. 29. Шоли. 30. Омон. 34. Помир. 35. Бобир. 40. Погодин. 43. «Рамаяна». 44. Самовар. 45. Шилка. 48. Пилла. 49. Сатин. 50. Диепр. 51. Карбишев. Трилогия. 55. Техникиум. 56. Дурадгор.

Руфат РИСКИЕВ,  
бокс бўйича жаҳон чемпиони, Монреал олимпиадасининг  
кумуш медали совриндори, СССРда хизмат кўрсатган  
спорт мастери

# ОҚ ЙЎЛ, ФОЛИБЛАР!

Муҳташам залда Ўзбекистон Давлат гимни шохсупасида турган ёшгина йигитнинг, унинг мураббийси — тренер А. Цойнинг ҳаяжонини ифодалаш қийин. Мен ҳам ҳаяжондаман. Гарчи, турли йилларда мана шундай фолиблик шохсупасига кўтарилиган бўлсам-да, ўзимни тутиб туролмадим. Бу галги ҳаяжонимга ғурурланыш ва қувонч ҳиссиятлари ҳам қўшилиб кетди.

Ҳаяжонланмай бўладими: учта олтин, битта бронза медали... Сирасини айтганда, Тошкентда ўтказилган бокс бўйича мамлакат 47-шахсий чемпионатида ўзбек спортчилари бундай катта ғалабага эришдилар, деб ҳеч ким ўйламаган эди. Республикализ вакиллари бокс тарихида ҳали бирон марта ҳам бирданнга тўрт медални кўлга киритмаган эдилар. Фақат бир сафарги чемпионатда биринчи бўлиб мен ва командашом Николай Антимов мамлакат чемпиони, деган юксак номма сазовор бўлган эдик. Мана бугун эндиғина 18 ёшга кирган ангренлик Зоир Абдуқодиров, 21 яшар фарғоналик Сергей Василенко ва олмалиқлик тажрибали боксчи Владимир Шинлар шундай қутлуғ номма эришдилар.

Чемпионат бошланиши олдидан бокс мутахассислари анча ҳаяжонланган, ташвишга тушган эдилар. Улар асосан ёш спортчилардан ташкил топган вакилларимизга боксдаги энг яхши анъаналаримизни давом эттира олармиканлар, деган иккилинишлар билан қараган эдилар. Чемпионат якунлари эса республикамиз спортиниң бу турода мътълум силжишлар рўй берганлигини ҳамда умидли, келажаги бор ёшлар етишиб чиқаётганини кўрсатди.

Финал мусобақаларида мен 1981 йилнинг биринчи чемпиони — ёнгил вазни Зоир Абдуқодиров ва унинг тренирга чемпионатининг олтин медалини қадаб қўйиш шарафига мусасар бўлдим.

Холисона айтганда, Зоир спортнинг машақатли йўлни босиб ўтди. Назарий жиҳатдан бу вазн категориясида халқаро классдаги спорт мастерি А. Клюев, тажрибали «чарм кўлқоп» усталари М. Леонов, В. Ефремовларни ортда қолдириб, мұваффақият қозониш унинг учун осон эмас эди. Лекин боксчимизнинг рингдаги аниқ ва дадил ҳаракатлари рақибларини донга қолдириди...

Суҳбатни Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ олиб борган.

Сергей Василенконинг юзинчи ғалабаси, айниқса, ўнга катта шоншуҳрат баҳш этди. Чемпионатнинг номдор боксчи, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери А. Кошкинни мағлубиятга учратиб бокс ишқибозлари орасида катта шов-шув кўтарилишига сабабчи бўлди. У кейинги учрашувларни ҳам ҳужумкорлик руҳида ўтказди. Финалда РСФСР вакили Н. Мельников мағлуб этиб, мамлакат чемпионлиги шохсупасига кўтарилиди. Ана шу кейинги ғалаба билан Сергей бу шохсупани биринчи марта забт этди.

СССР чемпионатларида уч марта финалга чиқиб, ҳар сафар ҳал қилувчи баҳсадан кейин рингдан бош эгиб чиқиб кетган Владимир Шин ҳам бу дафъа ўз кучи ва маҳоратини намойиш қилди. Зотан, тошкентлик армиячи Жаҳон кубогини кўлга киритган, мамлакат Қуролли Кучлари чемпионатининг уч марта фолиблигига эришган бўлса-да, СССР чемпионатларида омади чопмәтган эди. Юксак номни Владимира Тошкент турнири ҳади этди. Шунингдек, кўксига чемпионатнинг бронза медали тақиғлан андижонлик пахтакорчи Г. Могилиннинг ҳам мұваффақиятни алоҳида таъқидлаб ўтиш лозим.

Юксак савиядаги ўтказилган Тошкент чемпионати боксиз тарихида янги саҳифа очди. Бу саҳифага эса, янги номлар қўйилди. Ўзбек «чарм кўлқоп» усталари билан бир қаторда В. Манукиян (Арманистон), И. Мирбоев (Қирғизистон), С. Хачатурян (Арманистон), С. Мичник (Украина), М. Мурадян, И. Акопкоҳан (Арманистон), А. Беляев (РСФСР), Бахтояров (РСФСР), В. Яковлев (Ленинград)лар ҳам мамлакат 47-шахсий чемпионатининг фолиблигига олтин медалини кўлга киритдилар.

Мен чемпионатнинг ҳар бир учрашувини алоҳида дикцат-эътибор билан кузатиб бордим. Айниқса, мени ёшларимизнинг дадил ҳаракати, мустаҳкам иродаси, ғалабага бўлган ишончи қувонтириди. Улар ҳали кўп марта ўз мухлисларини қувонтирадилар, республикамиз шуҳратини кўтаришга хизмат қиласидилар. Мен уларнинг жаҳон фолиблигига шохсупаларини ҳам эгаллашларига, бокс спорти довонларини дадил ишғол қилишларига оқ йўл тилаб қоламан.

Суҳбатни Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ олиб борган.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Чингиз АҲМАРОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, Асқад МУХТОР, Сайд ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Ислиддин ҲАЙДАРОВ.


«Гулистон»— ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].

Адрессимиз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сийси, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; адабиёт ва санъат бўлимни — 33-36-02; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди: 21.09.1981 й. Босишига руҳсат этилди 26.10.1981 й. Р — 07429. Қоғоз 70×108<sup>1/2</sup>. Ботик усолда босилди. Шартли босма тобоб 5.6. Нашр хисоб тобоби 7.80. Тиражи 266870. Буюртма 1764. Нашр М — 118.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.



Ғалаба яхин [Мамлакат шахсий чемпионатида Руфат Рисқиев биринчи олтин медалини кўлга киритган учрашув. 1975 йил].




Судьялик масъулияти [Бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев].

## МУҚОВАДА

Биринчи бет: Очиқ усолда кўмир қазиш устаси, «Ангрен» разрези комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори, экскаваторчи Абдуҳамид Ниёзматов.


Тўртинчи бет: Ҳар йили Тошкент отчопаридаги нишонланадиган пахта байрами анъанавий халқ сайили бўлиб қолди. 1. Фолиблар колониаси. 2. Она диёримиз саховати. 3. Доира рақсга чорлайди. 4. Байрам тўлқини. 5. От — йигитга қанот! 6. Ҳоккейчилар голиблар сафида! 7. Санъаткорларимиз маҳорати мўл ҳосил изодкорларига бахшида.

Н. ШАРИПОВ фотолари



Л. ГУСЕЙНОВ, ва А. РИСКИЕВ фотолари

Олишув. [Бу баҳсда Владимир Шин шұхрат қозонди.]



Шоҳсупа «жанг» билан эгалланади. [Сергей Василенко ғолиб келган учрашув.]






Құлы баланд келди! [47-мамлакат шахсий чемпионаты ғолиби Зоир Абдуқодиров.]



Голибларга әхтиром.

Бокс ишқибозлари.





1



2



3



4



5



6



7